

Ф.ОТАХОНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЮРИДИК ХИЗМАТ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**«ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ»
КАФЕДРАСИ**

Ф.ОТАХОНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЮРИДИК ХИЗМАТ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлирининг юриспруденция таълим
йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун
дарслик сифатида тавсия этилган*

Тошкент-2006

67.7(5У)

О-86

Отахонов Фозилжон Ҳайдарович.

**О-86 Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат /
Ф.Ҳ. Отахонов; ЎЗР Адлия вазирлиги, Тошк. дав.
юрид. ин-ти, «Хўжалик ҳуқуқи ва жараёни» кафедраси, - Т.: ТДЮИ, 2006. - 284 б.**

Тақризчилар: - **Ш.Н.Рўзиназаров** - юридик фанлари
 доктори, профессор
 - **М.К.Азимов** - юридик фанлар номзоди,
 доцент

Ушбу дарсликда “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани тизимли ва тўлиқ тарзда ёритилган.

Муаллиф дарсликда билишнинг тарихий-ҳуқуқий ва диалектик услубларидан фойдаланиб, юридик хизмат ҳақидаги қонунчиликнинг ривожланиши, унинг тизими ва тузилиши, ҳуқуқий ҳолати, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизматнинг асосий йўналишлари ва бошқа бир қатор мавзуларни батафсил очиқ берган. Дарсликда мустақиллик даврида ташкил топган айрим давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг хусусиятлари ва фаолият йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек дарсликда ҳар бир органнинг юридик хизмати фаолиятини ифода қилишда ушбу органнинг низомидан амалий мисоллар келтириб ўтилган.

Дарслик уни самарали ўзлаштиришга имкон бериш мақсадида оддий ва раво тилда баён қилинган.

Дарслик олий юридик ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган, шунингдек ундан магистрантлар, аспирантлар, юридик хизмат ходимлари ва адлия органлари мутахассислари фойдаланишлари мумкин

ББК 67.7(5У)я73

© Отахонов Фозилжон Ҳайдарович

© Тошкент давлат юридик институти, 2006.

КИРИШ

Мамлакатимизда кучли ҳуқуқий давлат барпо этишда, қонун ва адолат устуворлигига эришишда юридик хизмат муҳим роль ўйнайди. Юридик хизмат кўмагида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалтирилиб борилади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонун устуворлиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча хўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш маданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир”-деб таъкидлаган эдилар.

Юридик хизматнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ҳамда аҳамияти қуйидаги мезонларда намоён бўлади:

Биринчиси, юридик хизмат ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи — миллий қонунчилик базасининг сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилишига хизмат қилади, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларини қонунчилик билан уйғунлаштиради.

Иккинчиси, юридик хизмат ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий принципи бўлган қонун устуворлигининг оқилона таъминланишига хизмат қилади. Давлат ҳокимияти органларида, айниқса Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталаридаги юридик хизматлар томонидан қонун ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиши жараёнида уларнинг Конституцияга ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро мутаносиблик, тизимлилик таъминланади, аниқланган ички зиддиятлар ва параллелликлар бартараф этилади. Шунингдек, юридик хизмат бошқарув органлари фаолиятида ҳам қонунийликнинг таъминланишига, улар томонидан чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослиги, юридик техника талабларига мувофиқлигини текширишда муҳим ўрин тутди.

Учинчиси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда фаолият кўрсатувчи юридик хизмат ходимлари ўз меҳнат жамоасида қонунчиликни

мунтазам тарғиб қилиш, ходимларни юридик адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Юридик хизматнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги ўрни тобора ортиб бормокда. Тадбиркорликка кенг шароит яратиб берилганлиги боис, йилдан-йилга ҳўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайиб, юридик хизмат фаолият кўрсатадиган объектлар қамрови ҳам ортиб бормокда. Бу эса ушбу муносабатларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, бу соҳада тайёрланаётган кадрларга юридик хизмат фанининг предметини чуқур ўрганишни таъминлаш, уларни турли ҳаётий ва ишлаб чиқариш ҳолатларида ҳуқуқий воситалардан тўғри фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришни ўзида ифода этадиган алоҳида дарслик яратишни тақозо қилади.

Ушбу дарслик олий юридик ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда юридик хизмат фаолиятининг мазмун-моҳиятини очиб беришга йўналтирилган мавзулар ўз ўрнини топган. Дарсликда фаннинг предмети, аҳамияти, ушбу соҳа бўйича қонунчиликнинг ривожланиши, тизими ва тузилиши ҳуқуқий мақоми, турли даражадаги органларда юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари каби мавзулар атрофлича ёритилган.

Мазкур дарслик талабаларда юридик хизмат фаолияти бўйича назарий ва амалий кўникмалар ҳосил бўлишига сезиларли таъсир кўрсатади. Дарслик юридик хизмат фаолиятини амалга оширишда тайёрланаётган кадрларнинг қонунчилик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини чуқур ўзлаштириб олишларига имкон яратади. Дарсликда шу билан биргаликда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларни таъминлашнинг ҳуқуқий базаси юридик хизмат билан боғлиқ ҳолда талқин этилган.

Ушбу дарслик олий ўқув юртлари учун дарсликлар тайёрлашга оид давлат стандартлари ҳамда мазкур фаннинг ўқув режаси ва дастури талаблари асосида ёзилган.

Мазкур дарслик мамлакатимизда илк бор тайёрланган бўлиб, муаллиф дарслик бўйича билдириладиган, шу жумладан танқидий фикр-мулоҳазаларни ҳам миннатдорчилик билан қабул қилиб, уларни келгуси нашрларда инобатга олишга ҳаракат қилади.

I БОБ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ» ЎҚУВ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети

Мустақил Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда.

Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган бешта тамойил, яъни иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислохотчи эканлиги; бошқарув ва хўжалик юритишнинг барча поғоналарида қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат; ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш асосида амалга оширилмоқда.

Ислохотлар кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда мукаммал қонунчиликни яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим йўналишлар ҳисобланади. Бу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш жараёнидан бошлаб, то уларнинг ижросини таъминлашгача; хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва бажариш; мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш; меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш; тегишли органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш; ҳуқуқий тарбия ишларида фаол иштирок этади.

Шунинг учун ҳам юридик хизмат фаолиятини ўрганиш ва бу соҳа учун кадрлар тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик хизмат давлат ва ҳўжалик бошқарувидаги ҳамда иқтисодиётдаги ҳуқуқий ишларнинг ташкилотчиси ва асосий ижрочисидир.

Ҳуқуқий ишларнинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

ҳуқуқий ишнинг ҳар бир субъектига унинг бевосита функциялари соҳасига хос бўлган бошқарув, ташкилий-тезкор фаолият билан боғлиқ таклифларни амалга оширилишини ташкил қилиш;

шартнома ва талабнома-даъво ишлари, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш;

касаба уюшмаси қўмиталарига, мазкур ташкилот доирасида фаолият кўрсатаётган ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

бошқарув-ҳўжалик амалиётида фуқаролик, ҳўжалик, молия, меҳнат, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормаларига амал қилиш устидан ички идоравий ва ички ҳўжалик назоратини амалга ошириш, ҳуқуқни бузиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

республикада ҳуқуқий ишларни амалга оширилиши устидан умумдавлат назоратини таъминлаш, унга умумий ва услубий раҳбарлик қилиш;

бошқарув органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар амалиётига бозор муносабатларига ўтиш вазифаларини ҳал қилинишини таъминловчи янги ҳуқуқий асосларни яратиш;

тажрибага таянган ҳолда ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга амалдаги қонунчиликнинг самарадорлигини пасайтирадиган ёки ҳўжалик соҳасида кутилмаган оқибатларга олиб келадиган зиддиятлар, камчиликлар ва бошқа нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида таклифлар киритиш;

тегишли равишда рўйхатдан ўтказиш йўли билан ички идоравий ва маҳаллий манфаатларга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларнинг тартибли ҳисобини юритиш ва уларни назорат ҳолатида сақлаш.

“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлмай, балки амалий фанлар қаторига киради ва ўзида деярли барча ҳуқуқ соҳаларини қўллаш услубларини мужассамлаштиради.

Собиқ Иттифок даврида кўпчилик ҳолларда бу фан “Хўжалик ҳуқуқи” фанининг “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар” мавзусида қисқача ёритилар ёки айрим юридик олий ўқув юртларида “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш” махсус курсларида ўқитилар эди.

1993 йилдан бошлаб Тошкент давлат юридик институтида талабаларга “Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат” махсус курс сифатида, 1995 йилдан эса фан сифатида ўқитила бошланди.

Ҳозирги вақтда ушбу фан “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” деб номланиб, ўзининг предметиға эгадир.

Мазкур фан “Хўжалик ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Хўжалик процессуал ҳуқуқи” ва бошқа фанлардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Масалан, “Хўжалик ҳуқуқи” фани хўжалик ҳуқуқи нормалари билан тартибға солинувчи, хўжалик фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, шу жумладан хўжалик шартномалари тушунчаси, асосий шартлари, уларни тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини ўрганса, “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани хўжалик шартномаларини тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш ва бекор қилишда юридик хизмат ходимларини иштирокини, бу йўналишдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш тартибини ўрганади.

“Маъмурий ҳуқуқ” фани бошқарув соҳасидаги бири иккинчисига бўйсунувчи органлар ўртасидаги; бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги; давлат бошқаруви ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги; давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги; давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани эса давлат бошқарув органининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлган юридик

хизматнинг ҳуқуқий мақомини, унинг бошқарув органида қонунчиликни таъминлашдаги роли ва бошқа соҳалардаги фаолиятини ўрганади.

“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанининг “Меҳнат ҳуқуқи” фанидан фарқи шундаки, у меҳнат муносабатларини эмас, балки бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятида меҳнат қонунийликни риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда юридик хизмат ходимлари қандай иштирок этишини ўрганади.

“Хўжалик процессуал ҳуқуқи” фанида хўжалик судлов ишларини юритишдаги муносабатлар, шу жумладан хўжалик судларига тақдим қилинадиган даъво аризалари, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризалар, апелляция, кассация шикоятлари мазмуни ўрганилса, “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанида мазкур даъво аризалар ва шикоятларни расмийлаштириш ишларини ташкил қилиш, хўжалик судларига тақдим этиш ва унда юридик хизмат ходимларини иштироки ўрганилади.

Демак, *“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанининг предмети Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, юридик хизмат тизими ва тузилиши, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари, юридик хизматга раҳбарлик қилишни ўрганиш ташкил қилади.*

2-§. «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг аҳамияти ва ўрганиш услублари

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш масалалари муҳим ўрин эгаллайди.

Бундай зарурият ўтган босқичларнинг ижобий ва салбий тажрибаларидан, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш вазифаларидан объектив тарзда келиб чиқди.

Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати салмоқли ўринга эга.

Ҳозирги даврда юридик хизмат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг бир қисми сифатида қонунчиликни, интизомни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг амалий воситаларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун юридик хизмат доимий эътиборни, унга малакали ва мунтазам раҳбарлик қилишни талаб қилади.

Ушбу фанни ўрганишда тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, социологик услублар кенг қўлланилади.

Тарихий услуб орқали Ўзбекистонда юридик хизматнинг вужудга келиши, такомиллашиши ва истиқболлари тадрижий ривожланиш нуқтаи назаридан ўрганилади. Бошқача қилиб айтганда, юридик хизматнинг пайдо бўлиши ва амалиётга жорий қилиниш босқичлари ҳамда тарихий даврлардаги юридик хизматни тартибга солувчи нормаларни ўзаро таққослаш мазкур услуб орқали тадқиқ қилинади.

Турли хорижий мамлакатларнинг юридик хизмати, шу соҳага оид норматив-ҳуқуқий базасини, амалий тажрибасини миллий ҳуқуқ тизимидаги юридик хизмат билан таққослаш, ўзаро тажриба алмашиш, ютуқларни ўзлаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш қиёсий-ҳуқуқий услубни қўллаш ёрдамида амалга оширилади.

Юридик хизматнинг ривожланишида тегишли социологик кузатувлар муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, шахсий кузатувлар, сўровлар, суҳбатлашиш йўллари билан юридик хизматнинг ҳолати, сифати, соҳага оид тегишли қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги ва нуқсонлари ўрганилади ҳамда шу асосда фойдали хулосалар чиқарилади.

“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанини ўрганишнинг асосий мақсади ва аҳамияти – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматида ишлаш учун махсус тайёрланаётган талабалар томонидан ушбу предметни чуқур ўрганишни таъминлаш; уларни турли ҳаётий ва ишлаб чиқариш ҳолатларида ҳуқуқий воситалардан тўғри фойдаланишга ўргатиш; меҳнат жамоаларида ҳуқуқий ва ҳуқуқий-тарбиявий ишларни ташкил қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

II БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик хизмат фаолиятининг асосий манбаи сифатида

Мамлакатимизда юридик фанларнинг асосий манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик хизмат фаолиятининг ҳам бош манбаи бўлиб ҳисобланади. Бир қарашдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида юридик хизмат фаолиятига оид нормалар мавжуд эмасдек туюлади. Бироқ Конституциянинг айрим моддаларининг мазмуни синчковлик билан таҳлил этиладиган бўлса унда юридик хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган нормаларни учратиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат фанининг предметларидан бирини юридик хизмат тизими ташкил этади. Юридик хизматни тизимга ажратиш эса Конституция нормаларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Мисол учун давлат ҳокимияти олий органларининг, давлат бошқаруви органларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий ҳуқуқий мақомлари бевосита Конституцияда ўз ифодасини топган. Айнан мазкур органларга юклатилган вазифалардан ҳамда ваколатлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг юридик хизмати томонидан бажариладиган ишлар белгилаб берилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши белгилаб қўйилган. Демак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари юридик хизматининг асосий вазифаси улар томонидан чиқарилаётган қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида эса иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси эканлиги белгилаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамаси юридик

хизматининг фаолияти бевосита мазкур вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида”ги Низомда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 боби “Жамиятнинг иқтисодий негизлари” деб номланади. Мазкур бобнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши ўз ифодасини топган. Конституциянинг 54-моддасида эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгилаб қўйилган. Мазкур қоидалар бевосита хўжалик юритувчи субъектларга тааллуқлидир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати эса юридик хизмат тизимининг таркибига киради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти асосан шартномаларга асосланганлиги туфайли уларнинг юридик хизмати фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири шартнома ҳамда талабнома-даъво ишларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат фақатгина уларнинг юридик бўлимлари томонидан эмас, балки айрим давлат органлари, адвокатура ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам кўрсатилади. Айнан фуқароларга ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатадиган давлат органларидан бири бўлмиш прокуратуранинг ҳам ҳуқуқий мақоми бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-121-моддаларида ўз ифодасини топган.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар муайян сабабларга кўра нодавлат нотижорат ташкилот бўлмиш адвокатуранинг юридик ёрдамдан фойдаланишни афзал кўрадилар. Шунинг учун Конституциянинг 116-моддасида фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Демак, юқорида айтиб ўтилганлардан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи асосий

манба эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Юридик хизматга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Конституция асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинган.

Ўзбекистонда шаклланган юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1) юридик хизмат тўғрисида 1920-1990 йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юридик хизмат тўғрисида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

2-§. Юридик хизмат тўғрисида 1920-1990 йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчилик, энг аввало, РСФСР Адлия халқ комиссарлигининг 1920 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган “Адлия халқ комиссарлиги бўлимлари тўғрисида”ги Низом негизида юзага келган. У РСФСР Адлия халқ комиссарлигининг умуммаслаҳат бўлими РСФСРнинг барча марказий муассасалари юридик бўлимлари ва уларнинг юрисконсултлари фаолияти устидан назоратни амалга оширишини ва уларнинг амалиётида юзага келадиган ҳуқуқий масалалар бўйича мажбурий хулосалар беришини кўзда тутган.

Совет Иттифоқининг дастлабки йилларида қабул қилинган юридик хизмат тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда юрисконсултларнинг вазифаси ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳамда суд, маъмурий ва жамоат муассасаларида иш юритиш билан чекланган.

Ўзбекистонда дастлаб юридик хизмат тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳукумат томонидан қабул қилинган.

Масалан, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1928 йил 9 июндаги “Давлат муассасалари, корхоналари ва кооператив ташкилотлар юрисконсултлари тўғрисида”ги 38-сонли қарорида юрисконсулт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий вазифалари, жавобгарлиги, фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш мақсадида маҳаллий прокурорлар ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган. Қарорнинг 2-бандида юрисконсулт лавозимига ЎзССР

Конституциясига мувофиқ советларга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган қуйидаги шахслар:

а) махсус юридик маълумотга эга бўлганлар;

б) давлат ёки ишчи-деҳқон, жамоат, касаба уюшмаси, партия ёхуд кооператив ташкилотларда масъул сиёсий ишларда икки йиллик стажи борлар;

в) совет адлия органларида амалий масъул ишларда уч йиллик стажи борлар тайинланиши мумкинлиги қайд қилинган.

Юрисконсультларнинг асосий мажбуриятлари доирасига - ҳуқуқий масалалар бўйича ёзма ва оғзаки хулосалар ва маълумотлар бериш, қарорлар, йўриқномалар лойиҳаларини тузишда иштирок этиш; ташкилотлар томонидан тузилаётган шартномалар ва бошқа ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни амалдаги қонунларга мувофиқлигини текшириш; ташкилотларнинг топшириқлари бўйича уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш киритилган.

Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиш тарихи далолат беришича, юрисконсультларнинг вазифаси кенгайтирилиб, ҳуқуқий ҳолати эса такомиллаштирилиб борилган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1933 йил 11 октябрдаги 718-сонли қарори билан “Умумлаштирилган сектордаги муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар юрисконсультлари (ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчилари) тўғрисида Низом” тасдиқланган.

Мазкур Низом 12 банддан иборат бўлиб, унда юрисконсульт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий функциялари, жавобгарлиги, фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш, малакасини ошириш мақсадида Республика прокурори, жойларда шаҳар ва туман прокурорлар ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган. Хусусан, Низомнинг 2-бандида юрисконсульт лавозимиغا ЎзССР Конституциясига мувофиқ советларга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган қуйидаги шахслар:

а) махсус олий юридик маълумотга эга бўлганлар;

б) умумлаштирилган сектордаги муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда масъул сиёсий ишларда икки йиллик стажга эга бўлиб, ЎзССР Адлия халқ комиссарлиги тасдиқлаган дастур бўйича прокурорлар ҳузурида ташкил қилинган комиссияда синовдан муваффақиятли ўтганлар;

в) совет адлия органларида халқ судьяси, терговчи, прокурор ёки Олий суд котиби лавозимларидан қуйи бўлмаган амалий масъул ишларда уч йиллик стажи борлар тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Низомда юрисконсультларнинг корхона молия ва хўжалик фаолиятининг барча йўналишларида ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш, шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш ишларида; уларнинг ишларини суд, давлат ва идоравий арбитражда, бошқа муассасаларда юритишда иштирок этиши; янги қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатлар тўғрисида ахборот бериб боришга оид функциялари ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, ушбу норматив ҳужжат республикамызда юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ белгилаб берган биринчи Низом ҳисобланади.

XX асрнинг 50-60 йилларида корхоналарда юридик хизматнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас эди. Кўпчилик корхоналарда юрисконсульт лавозимининг ўзи жорий қилинмаган эди. Шу билан бир қаторда, юрисконсульт ишининг ҳажми катта бўлиб, унинг хизмат вазифаларига қарорлар ва фармойишларнинг ҳуқуқий меъёрларга мослигини текшириш, талабнома ва даъво билан боғлиқ ишлар, меҳнатга оид қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш кабилар кирган. Юридик хизмат ҳуқуқий ҳолатининг ноаниқлиги унинг иш самарадорлигини пасайтириб юбораётган эди.

Бу ҳолат ўз навбатида юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий ташкил этишни зарурият қилиб қўйган эди. Ушбу эҳтиёжни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1963 йил 20 сентябрдаги 551-сонли қарори билан “Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юридик (шартнома-юридик) бўлими (бюроси), бош (катта) юрисконсульт, юрисконсульт тўғрисида Намунавий низом” тасдиқланган.

Мазкур қарорда республика вазирлик ва идораларига, Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Совети, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига мазкур Намунавий низом асосида ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг юридик хизматлари тўғрисида Низомларни тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Намунавий низомнинг 1-бандида юридик хизматнинг асосий вазифалари сифатида корхона, муассаса, ташкилот фаолиятида

қонунчиликни мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини яхшилашда ва мулкни сақланишини таъминлашда ҳуқуқий воситалар ёрдамида фаол иштирок этиши ўз ифодасини топган.

Шунингдек, унда юридик хизмат ходими лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланиши, алоҳида ҳолларда эса бу лавозимга ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлиб, камида 5 йил юрист мутахассислиги бўйича иш стажы бор шахслар тайинланиши ҳам мумкинлиги кўрсатилган. Уларни лавозимларига тайинлаш ва озод қилиш вазирлик ва идораларда ҳайъат йиғилишларида тегишли тақдимномалар кўриб чиқилгандан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Совети, вилоятлар, Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари қарорлари билан, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг юқори турувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда чиқарадиган буйруқлари билан амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, мазкур Низомда юридик хизмат ходимларининг мажбуриятлари билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ҳам аниқ кўрсатилган. Хусусан, Низомнинг 7-бандига мувофиқ юридик хизмат ходими ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни корхонанинг барча таркибий тузилмаларидан олиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган.

Бу борада қонун ҳужжатларини тадрижий ривожланиши асосида 1967 йил 15 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан “Ўзбекистон ССР вазирликлар ва идоралари юридик хизматлари фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 434-сонли қарор қабул қилинган. Ушбу қарорнинг аҳамияти шундан иборатки, тегишли вазирликлар ва идораларга юридик хизмат ишларини яхшилаш, уларни фаолияти устидан назорат ва раҳбарликни кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Юридик хизмат фаолиятининг муҳим йўналишлари сифатида биринчидан, корхона ва ташкилотлар энг яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришиши учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишга, давлат, молия, меҳнат ва шартнома интизомини, хўжалик ҳисобини ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга оширишга, фуқароларнинг меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликка; иккинчидан, юридик хизмат ходимларини хўжалик шартномаларини тузиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, бутлиги, сони ва ассортиментини яхшилашга қаратилган ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш, дебиторлик

қарзларининг ҳолати ва уларни тугатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, талабнома ишларини яхшилаш, қарор, йўриқнома ва буйруқлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларига жалб қилишга; учинчидан, амалдаги юридик хизмат тўғрисида Низом талабларига, шу жумладан юрисконсультларни тайинлаш тартибига қатъий амал қилишга йўналтириш лозимлиги қайд қилинган.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, юридик хизмат ишларини янада яхшилаш мақсадида мазкур қарор билан Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР давлат арбитражлари ва вилоятлар ижроия қўмиталари ҳузурида Юридик хизмат ходимлари Кенгашлари тузилиши белгиланган ҳамда унинг Низоми тасдиқланган.

Юридик хизмат ходимлар Кенгаши тўғрисидаги Низом 7 банддан иборат бўлиб, унда Кенгаш юрисконсультлар, корхона ва муассасаларга хизмат кўрсатувчи адвокатлар, ҳакамлик судлари ишларини бирлаштирувчи ва ташкиллаштирувчи жамоат ташкилоти эканлиги, Кенгашнинг асосий вазифаси ва функциялари, Кенгаш ишига раҳбарлик қилувчи Раёсатни сайлаш ва иш юритиш тартиби ҳамда унинг функциялари белгиланган.

Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йил 15 февралдаги “КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1970 йил 23 декабрдаги “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни яхшилаш тўғрисида”ги 1025-сонли қарори ҳақида”ги 60-сонли қарори қабул қилиниб, унда юридик хизматнинг асосий вазифалари корхона, муассаса, ташкилот фаолиятида қонунчилиқни мустаҳкамлаш, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда ва мулкни сақланишини таъминлашда ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланиш, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги эътироф этилиб, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимият органлари, корхоналарда ҳуқуқий ишлар ва юридик хизмат фаолиятини янада жонлантириш, уларга раҳбарликни кучайтириш, уларни норматив ҳужжатлар ва юридик адабиётлар билан таъминлаш ҳамда юридик хизматларга эга бўлмаган вазирлик ва идораларга юрисконсульт лавозимларини киритиш назарда тутилган. Шунингдек, Адлия вазирлигига халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишларга услубий раҳбарликни амалга ошириш вазифаси юклатилган ва унинг бу борадаги ҳуқуқлари ҳам белгиланган. Шу муносабат билан юридик хизмат ходимларининг Кенгашлари Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Адлия вазирликлари ва вилоятлар адлия

бошқармалари ҳузурида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилган. Бундан ташқари, юридик хизмат ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳуқуқий тарғибот масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1972 йил 3 майдаги “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 187-сонли қарорида корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг эътибори, қонунларга қатъий амал қилиш муҳим тарбиявий аҳамият касб этишига ва хўжалик фаолиятида ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш уларнинг оғишмайдиган бурчи эканлигига, бу ишларда юридик хизмат уларнинг биринчи ёрдамчилари бўлиши лозимлигига қаратилди.

Вазирлик ва идораларга, маҳаллий ижроия қўмиталарга уларга бўйсунувчи корхона ва ташкилотлар штатларига юрисконсулт лавозимларини киритиш, бундай имконият мавжуд бўлмаган ҳолларда адвокатлар юридик маслаҳатхоналари билан шартномалар тузиш, марказий девонларнинг юридик хизматларига эса қуйи корхона ва ташкилотлар юридик хизматлари фаолияти устидан назорат қилиш ва уларга зарур ёрдам бериш вазифалари юклатилган.

Адлия вазирлигига юридик хизматга услубий раҳбарликни кучайтириш, ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланиш бўйича тавсияномалар юбориш, қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни яхшилаш, жойлардаги юрисконсултларнинг жамоат кенгашлари ишларини жонлантириш, юридик хизматларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хўжалик ва меҳнат қонунчилигини тарғиб қилишни кучайтириш топширилган.

Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожланишида СССР Министрлар Советининг 1972 йил 22 июндаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган “Вазирликлар, идоралар, меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия қўмиталари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар юридик бўлими (бюроси), бош (катта) юрисконсулти, юрисконсулти ҳақидаги Умумий низом”нинг алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу Низом биринчи марта умумиттифоқ даражасида юридик хизматни ташкил қилишнинг асосий тамойилларини, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, юридик хизмат ходимларини қонунчилик аҳволи учун жавобгарлигини аниқ белгилаб берган. Энг муҳими, унда юридик хизмат фаолиятининг ташкилий асослари, унинг бевосита корхона раҳбарига бўйсунishi, ушбу мансабга

тайинлаш ва ундан озод этиш юқори турувчи орган томонидан амалга оширилишининг ифодасини топганлигидадир. Бу эса ўз навбатида, маъмурий-буйруқбозлик тизимида юристлар учун муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг нисбатан мустақиллигини англатар эди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳуқуқий адабиётларда ҳам баён этилганидек, янги норматив ҳужжатлар, энг аввало, юридик бўлим тўғрисидаги Умумий низом ушбу йўналишда юридик хизматнинг ваколатларини сезиларли даражада кенгайтирди. Ушбу ўринда сўз қонунийликни таъминлаш воситалари ҳақида кетаётган бўлиб, унга биноан юридик бўлим ва юрисконсултнинг тегишли ишлари ҳуқуқий тусга эга. Албатта, юридик хизмат томонидан норматив ҳужжатларда назарда тутилмаган, амалиёт натижасида вужудга келган бошқа воситаларни қўллаш, агар улар қонунчиликка зид бўлмаса, истисно этилмайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1972 йил 10 июлда мазкур номдаги 285-сонли қарорини қабул қилиб, унда республика вазирлик ва идораларига тегишли тармоқ ишларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юридик хизмат тўғрисида Низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Адлия вазирлигига эса ижроия қўмиталар юридик хизмати ҳақида Низом лойиҳасини тайёрлаб, ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим қилиш вазифасини юклатилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил 6 июлдаги “Сирдарё вилояти меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия қўмиталарида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи тўғрисида”ги 283-сонли қарориди маҳаллий ижроия органлар фаолиятида юридик хизматнинг ролини оширишга алоҳида эътибор берилган. Шу мақсадда ижроия қўмиталарга – Советларнинг сессиялари ва ижроия қўмиталар мажлисларида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ишлар аҳволи масалаларини кўриш; амалдаги қонунчиликка зид чиқарилган қарорлар ва фармойишларни қайта кўриб чиқиш; ходимларни доимий юридик ўқувини ташкил қилиш; юрисконсулт лавозимини штатлар жадвалига киритиш ёки адвокатлар ҳайъатлари билан юридик хизмат кўрсатиш ҳақида шартномалар тузиш вазифалари юклатилган. Шунингдек, қарорда ижроия қўмиталарнинг умумий бўлими ва уй-жой бошқармалари мудирлари лавозимларини, имконияти борича юристлар билан тўлдириш, ушбу лавозимларда ишлаб турганларга эса юридик маълумот олишга кўмаклашиш тавсия қилинган, Тошкент шаҳар, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари

ижроия қўмиталари таркибида юридик бўлимлар тузиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Адлия вазирлигига маҳаллий ижроия қўмиталарда амалга оширилаётган ҳуқуқий ишларга услубий раҳбарликни кучайтириш, юридик хизматни ташкил қилишга кўмаклашиш ва уларнинг иш самарадорлигини доимий равишда ўрганиш топирилиб, вазирликнинг халқ хўжалигида юридик хизматга услубий раҳбарлик қилиш бўлимини халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар ва адвокатура бошқармасига айлантиришга рухсат берилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1973 йил 13 сентябрда “Республика вазирликлари ва идораларида ҳуқуқий ишларни кучайтириш тўғрисида” 401-сонли қарорига кўра вазирлик ва идораларга—марказий девонда ва қуйи корхоналар юридик хизматини юридик бўлим ва бюролар ташкил қилиш йўли билан мустаҳкамлаш; юридик хизмат ходимларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик; хўжалик муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларидан кенг ва тўғри фойдаланишда, шартномаларни тузиш ва ижросини таъминлашда юридик хизмат ходимларини таъсирини кучайтириш ва масъулиятини ошириш; уларни бошқа таркибий бўлинмалар (назорат-тафтиш, таъминот, ходимлар бўлимлари ва бухгалтерия) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; марказий девон юридик хизмати ходимларидан тармоқдаги ҳуқуқий ишлар ҳолати, корхоналар юридик хизмати ишлари устидан назорат қилиш ва уларга ёрдам беришда талабчанликни ошириш, уларнинг бу борадаги олиб бораётган ишлари бўйича ҳисоботни ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилиш; барча юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 2 апрелдаги “Республика қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи тўғрисида”ги 142-сонли қарори қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқий ишларни ва юридик хизмат ролини ошириш борасида муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган бир қатор чора — тадбирлар белгиланган. Хусусан, жамоа, давлат ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўйича туманларда хўжаликлараро юридик гуруҳлар тузиш, уларнинг иш ҳақини туман ижроия қўмиталари мутахассислари ва катта мутахассислари маошлари даражасида белгилаш; ҳуқуқий ишларни намунали тарзда йўлга қўйишга эришган энг яхши юридик хизмат

тажрибасини услубий хатлар, маҳаллий матбуотда тегишли ахборотлар бериш йўли билан кенг ёйиш; қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатишда яхши натижаларга эришган юрисконсултларни ҳар томонлама рағбатлантириш; юридик хизмат ходимларини малакасини ошириш; вазирликлар ва барча қишлоқ хўжалик бошқармалари таркибида арбитраж билан юридик хизматлар ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1975 йил 30 июлда қабул қилган “КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1975 йил 25 июндаги “Хўжалик қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 558-сонли қарори” 425-сонли қарорида юридик хизмат ходимлари учун ахборот материаллари тўпламини нашр этиш билан боғлиқ масалага тегишли вазирлик ва идораларнинг эътибори қаратилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 8 декабрдаги “Республика халқ хўжалигида хўжалик ва меҳнат қонунчилигига риоя қилишни таъминлашда юридик хизматлар ролини ошириш тўғрисида”ги 677-сонли қарорида вазирлик ва идораларнинг хўжалик ва меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилиши, бу ишга юридик хизмат ходимларни фаол жалб қилиш, корхоналар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш далолатномаларида шартнома, талабнома-даъво ишлари, шунингдек меҳнат қонунчилигига риоя қилиш аҳволини акс эттириш; юридик хизмат мавжуд бўлмаган вазирлик ва идоралар ҳамда корхоналарда юрисконсулт лавозимларини штатга киритиш; Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишлар билан танишиш натижалари бўйича тавсияларини ўз вақтида кўриб чиқиш масалалари ўз ифодасини топган. Шу билан биргаликда, Адлия вазирлиги, Давлат арбитражи, республика прокуратураси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, маҳаллий ижроия қўмиталарга ўз ваколатлари доирасида хўжалик ва меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, уни тарғиб қилиш ва ушбу масалада юридик хизмат ходимлари учун услубий қўлланма тайёрлаш юклатилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан 1977 йил 11 августдаги “Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида”ги 526-сонли қарорида маҳаллий ижроия қўмиталарига юрисконсулт лавозимларини штатга киритиш,

жамоатчилик асосида юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш вазифалари юклатилган. 1978 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ Министрлар Совети давлат бошқаруви органлари, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий ишларни ташкил қилишни таъминлаши белгиланган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1979 йил 29 августда “Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 2 апрелдаги “Республика қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи тўғрисида”ги 142-сонли қарори ижросини КПСС МК июль (1978 й.) Пленуми талаблари асосида бориши ҳақида” 609-сонли қарорига кўра, давлат ва жамоа хўжаликларида катта юрисконсулт лавозимларини киритиш, қишлоқ хўжалик бошқармаларида илгари тугатилган юридик хизматларни тиклаш; вилоят ва туманларда хўжаликлараро юридик гуруҳлар ташкил этиш ва улар томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий хизмат самарадорлигини ошириш учун уларнинг ходимларини транспорт ва зарур юридик адабиётлар билан таъминлаш; юридик хизмат ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш; хўжасизлик, ўғрилиқ, камомад, мулкни талон-торож қилишга қарши курашда, меҳнат интизомига риоя қилишда, бунга айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш, етказилган зарарни ундиришда ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланиш; хўжалик шартномаларининг ролини ошириш ва уни тузишда юридик хизматнинг ролини кучайтириш; қишлоқ хўжалиги соҳаси раҳбарлари ва мутахассисларини хўжалик, ер, меҳнат қонунчилиги асосларини доимий тарзда ўқитишни ташкил қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар назарда тутилган.

“Ўзбекистон ССР халқ депутатлари вилоят Совети тўғрисида” 1980 йил 12 ноябрдаги Қонуннинг 32-моддасида халқ депутатлари вилоят Совети ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриши, вилоятга бўйсунувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда бу ишларга раҳбарликни амалга ошириши, қонунчиликни тушунтиришни ташкил қилиши ва аҳолига юридик ёрдам кўрсатишига оид нормалар белгиланган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1983 йил 10 февралдаги 79-сонли қарори билан “Ўзбекистон ССР халқ депутатлари вилоят Совети ижроия қўмитаси юридик бўлими

(бюроси) тўғрисида Низом” тасдиқланган. Низом 11 банддан иборат бўлиб, унда юридик бўлимни ташкил қилиш, унинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва масъулияти белгиланган. Шунингдек, Низомда юридик бўлим вилоят Совети томонидан ҳуқуқий ишларни олиб бориш учун мустақил таркибий бўлинма сифатида ташкил қилиниши назарда тутилган.

Юридик хизматнинг асосий вазифалари қилиб вилоят Совети ижроия қўмитаси фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлаш; хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, хўжасизликка қарши курашиш, корхона, муассаса, ташкилотлар иқтисодий ишларини яхшилашда ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланиш; ҳуқуқий воситалар билан мулкни сақлашни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини кўтаришни, маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятлар ва топшириқларни, капитал қурилиш ҳақидаги шартномалар ва бошқа шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш; корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кабилар белгиланган. Мазкур Низомнинг 7-моддасида юридик бўлим мудирини вилоят Советининг сессиясида лавозимига тасдиқланиши, сессиялар оралиғида эса юридик бўлим мудирини вазифасини бажарувчи тайинланиб, навбатдаги сессияга тасдиқлаш учун тақдим қилиниши, 8-моддасида эса юридик бўлим мудирининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Республика вазирликлари ва идораларида ҳуқуқий ишлар аҳволи ва КПСС XXIV съезди талаблари асосида уларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 1984 йил 22 октябрдаги 552-сонли қарорига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижроия қўмиталарга бир қатор вазифалар, жумладан, корхона, муассаса ва ташкилотлар штат жадвалига юрисконсулт лавозимини киритиш, юридик хизмат учун етарли шароитлар яратиш; юридик хизматнинг маъмурий идоралар билан давлат, режа, шартнома ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларини олдини олиш, мулкни сақлаш, етказилган зарарни ундириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш амалиётини яхшилаш; молия-хўжалик операциялари, шунингдек ишчи-хизматчиларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, ўриндошлик асосида ишлашга рухсат бериш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқлар қонунийлиги устидан назоратни кучайтириш; қабул қилинаётган қарорларда қонунчиликни бузишга йўл қўймаслик; хўжалик

фаолиятини яхшилашда иштирок этган энг яхши юридик хизмат ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш амалиётини кенгайтириш; раҳбарлар ва мутахассисларга ҳўжалик, меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқи асосларини доимий ўқитишни, шунингдек юрисконсультларнинг малакасини оширишни таъминлаш ҳамда юридик хизматнинг илғор иш тажрибасини кенг ёйиш юклатилган.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, 1985-1990 йилларда республикамизда юридик хизмат ва ҳуқуқий ишлар тўғрисида махсус норматив ҳужжатлар қабул қилинмаган ва давлат бошқарув органлари ва корхоналар илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатганлар.

3-§. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юридик хизмат тўғрисида қабул қилинган норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бунинг учун мамлакатимизда босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш зарур.

Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати муҳим роль ўйнайди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб бир қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, унда биринчи марта Адлия вазирлигига

юримдик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги 523-сонли Қарори билан Адлия вазирлиги ҳақидаги Низом тасдиқланди. Низомда республика вазирликлари, давлат кўмиталари, идораларининг юридик хизматларига услубий ёрдам кўрсатиш, ушбу идораларнинг уларга қарашли республика корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Шу муносабат билан бу соҳада Адлия вазирлигининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. Масалан, унга бошқарув идоралари ва корхоналарнинг юридик хизматлари ҳуқуқий иши ва фаолияти аҳволини текшириш ҳуқуқи берилди. Унда Адлия вазирлигининг юридик хизмат фаолиятини ва ҳуқуқий ишларни яхшилаш борасидаги йўриқнома ва кўрсатмалари мажбурий хусусиятга эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Иқтисодиётдаги чуқур ўзгаришлар, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, корхоналар юридик хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш, қонунчилиқни таъминлаш борасида уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 2 мартдаги 118-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлади.

Ушбу Низом – мустақил Ўзбекистон Республикасининг юридик хизмат ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи биринчи норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, 12 бандни қамраб олган қуйидаги 3 бўлимдан иборат:

- 1) юридик хизмат ходимлари лавозимини эгаллаш тартиби;
- 2) бошқарув органлари ва корхоналар юридик хизматининг вазифалари;
- 3) юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти.

Мазкур Низом нафақат давлат бошқарув органлари ва корхоналари юридик хизматининг, балки хўжалиқ бошқарув органлари ва барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар юридик хизматининг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятини белгилайди.

1997 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида қонун лойиҳаларини тайёрлашга халқ хўжалиги тегишли тармоқларининг юридик хизматлари жалб қилиниши кўрсатиб ўтилди. Бу билан юридик хизматнинг қонун ижодкорлигидаги иштироки қонун даражасида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида” 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги 177-сон Қарорида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя қилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан жойларда амалий ишлар олиб борилишини таъминлаш, бунда юридик хизматлар ўрнини мустаҳкамлашни, барча қонун ҳужжатларининг амал қилишини ва хўжалик судлари қарорларининг сўзсиз ижро этилишини назарда тутишлари лозимлиги таъкидланди. Маҳаллий ҳокимият органларининг ишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимлари аппарати тузилмасида штатда белгиланган ходимлар сони доирасида юрист лавозими назарда тутилиши ва юридик хизмат ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимлар томонидан тайинланиши белгиланди.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунида аниқ белгилаб қўйилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат органлари томонидан асоссиз аралашувларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда айниқса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган юридик хизматга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сон Қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни ўтказиш Тартиби”да кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоларининг ишлаб чиқариш ва молия фаолиятларини барча текширишлар Палата ва унинг ҳудудий тузилмалари юридик хизматларининг мажбурий иштирокида амалга оширилиши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги, ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 370-сонли Қарори билан юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда юридик хизматга идоралараро раҳбарликни амалга оширувчи давлат бошқаруви органи бўлмиш Адлия вазирлигининг янги таҳрирдаги Низоминг тасдиқланди. Вазирликнинг янги таҳрирдаги Низомини қабул қилиниши бевосита унинг республикада ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ваколатларининг кенгайтирилиб борилиши билан боғлиқ. Мазкур Низом билан Адлия вазирлигининг юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган функция ва вазифалари батафсил белгилаб қўйилди.

Ижро этувчи ҳокимият бўлмиш Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмати “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида”ги Низом асосида тартибга солинади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 564-сон Қарори билан

тасдиқланган. Мазкур Низомга мувофиқ, юридик бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди. Низомда юридик бўлимнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари аниқ ва равшан ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматининг фаолияти Қонунчилик палатаси Спикерининг 2005 йил 7 апрелдаги 73-сон фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги Низом асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг фаолияти эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 18 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низом асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари юридик хизмати фаолиятини уларнинг Девонлари тўғрисидаги низомлар асосида тартибга солинишининг сабаби юридик хизмат мазкур Девонлар таркибига киришидадир. Олий Мажлис палаталари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мазкур Девонлар томонидан амалга оширилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низомларда Олий Мажлис палаталари юридик хизматининг вазифалари санаб ўтилган бўлиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилмаган.

Юқорида юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар санаб ўтилди. Бундан юридик хизмат фаолиятига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас экан деган фикрга бормаслик лозим. Юридик хизматга оид бир қанча бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бироқ мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосан юридик хизматнинг тузилиши, штат бирликлари сони ҳамда юридик хизматнинг бевосита қайси мансабдор шахсга (тузилмага) бўйсуниши белгилаб берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-66-сонли қарорида давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасида юридик хизмат

юримдик бошқарма томонидан амалга оширилиши, юримдик бошқармада юрисконсуьтлар учун тўртта штат бирлиги ажратилганлиги ҳамда мазкур бошқарма бевосита қўмита раисига бўйсунити белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги “Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги “Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳам мазкур тоифадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, республикамызда амалда бўлган юримдик хизмат, ҳуқуқий ишлар ва унга услубий раҳбарлик қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришга давлатимизнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлари томонидан катта эътибор берилмоқда.

III БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ ТИЗИМИ ВА ТУЗИЛИШИ

1-§. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш мустақил давлатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу вазифани амалга оширишда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати муҳим рол ўйнайди.

Юридик хизмат халқ хўжалигининг барча тармоқларида, яъни ишлаб чиқариш ва хўжаликни бошқаришнинг ҳамма бўғинларида, вазирлик, идора, уюшмаларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек ҳокимликлар, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органларида мавжуд. Бироқ, давлат ҳокимиятининг олий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги ҳуқуқий ишлар хусусиятлари, ҳажми ва йўналишлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Шу сабабли турли давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг мазмун-моҳиятини аниқлаш учун ушбу масалага тизимли ёндашиш талаб этилади. Айнан тизимлилик фан предметини ўрганишнинг усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Юридик хизмат тузилиши, ҳуқуқий мақоми ва фаолияти асосий йўналишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тизимдан иборат:

а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати;

б) республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати;

в) вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати;

г) хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юридик хизмати.

2-§. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари юридик хизматини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг юридик хизматлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари юридик хизматининг вазифалари, функцияси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур органлар томонидан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси юридик хизмати

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунига, 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги ҳамда 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятига ташкилий-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг юридик хизмати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2005 йил 7 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Қонунчилик палатаси Девони таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматининг асосий вазифалари ва функциялари ҳам бевосита мазкур Низомда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматининг ташкилий тузилмаси юридик бўлим деб юритилади. Юридик бўлим мудир, унинг ўринбосари ҳамда бўлим

ходимларидан иборат бўлади. Юридик бўлим ходимларининг тузилмаси, штатлари, меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори, моддий-техника таъминоти шароитлари, шунингдек уларни сақлашга кетадиган харажатлар Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади. Юридик бўлим ходимларининг меҳнат муносабатлари Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига боғлиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматининг асосий вазифаси мазкур палата фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборат. Қонунчилик палатаси юридик хизмати фаолияти асосан қабул қилинаётган қонун ва қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда Қонунчилик палатаси органлари ва депутатлари фаолиятига юридик ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик хизмати Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни, 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги ҳамда 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, унинг органлари ҳамда сенат аъзолари фаолиятига ташкилий-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сингари Сенатнинг Девони томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик хизмати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2005 йил 18-апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Сенат Девони таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг асосий вазифалари ва функциялари ҳам мазкур Низомда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг ташкилий тузилмаси ҳам юридик бўлим деб юритилади ва у бўлим мудир, мудир ўринбосари ҳамда бўлим ходимларидан ташкил топган. Улар Сенат Раиси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади. Юридик бўлим

ходимларининг меҳнат муносабатлари Сенат ваколати муддатига боғлиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг ҳам асосий вазифаси Сенат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборат. Сенат юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга тақдим этилган қонунлар лойиҳалари ва Сенат қарорлари юзасидан ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ҳамда Сенат органлари ва сенаторлар фаолиятига юридик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизмати

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳаларни самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органи бўлганлиги туфайли унинг фаолиятини юридик хизматсиз ташкил этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилган.

Юридик бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Юридик бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг ташкилий тузилмаси ҳам юридик бўлим сифатида ташкил этилган бўлиб, бўлимнинг тузилмасига бўлим мудир, иккита бош мутахассис ва битта етакчи мутахассис, шунингдек I тоифали иш юритувчи-котиба киради. Юридик бўлим тузилмаси Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бўлим ишларига раҳбарлик мудир томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида”ги ПҚ-131-сон Қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасининг юридик бўлимида юрисконсультлар учун бешта штат бирлиги ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг асосий вазифалари қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг фаолиятида қонунийликни таъминлашдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши юридик хизматлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси юридик хизмати “давлат-ҳуқуқ бўлими” деб номланган бўлиб, унинг Котибияти таркибига киради. Бўлимнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2005 йил 22 июндаги 25-сон Қарори билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Котибияти тўғрисида Низом”да белгилаб қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси давлат-ҳуқуқ бўлимининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари юридик бўлимларининг функцияларига ўхшашдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида юридик хизмат вазифаларини бажариш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Котибиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий хизматга чақириш ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи зиммасига юклатилган. Мазкур гуруҳ ходимларининг хизмат вазифалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан белгиланган. Гуруҳнинг юридик хизматга оид ваколатлари доирасига, жумладан, қуйидагиларни киритиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Божхона бошқармаси, Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Олий ва Хўжалик судлари фаолиятларини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритади; Вазирлар Кенгаши тармоқ бўлимлари томонидан давлат ва шартнома интизомига риоя

қилиш, ўзгалар мулкани талон-торож қилишга, сифатсиз маҳсулотлар чиқарилишига, маъмурий, меҳнат, уй-жой ва бошқа қонунчиликнинг бузилишга қарши курашни ташкил қилишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг барча қарор ва фармойишлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқлигини таъминлаш; қарор ва фармойишлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва виза¹ қўйиш, амалдаги қонунчиликни ҳамда вазирликлар ва идораларда, шаҳар, туман ҳокимиятларида ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш; шаҳар, туман ҳокимиятларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳ.к.

3-§. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати

Республика давлат бошқаруви органларига вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари кирази. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси ва шу кабилар давлат бошқаруви органларини ташкил этади.

¹ Виза лотинчадан олинган бўлиб, “кўриб чиқилган”, “танишиб чиқилган” деган маъноларни англатади. Мазкур дарсликда “виза” сўзи ҳуқуқий тусдаги ҳужжат лойиҳасига манфаатдор шахслар томонидан лойиҳани кўриб чиққанлигини англатувчи имзо сифатида қўлланилади. Манфаатдор шахснинг визаси лойиҳани имзолаш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарнинг имзоси билан бир хил ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармайди. Лойиҳада манфаатдор шахсларнинг визаси мавжудлиги мазкур ҳужжатни юридик кучга эга бўлганлигини билдирмайдию. Аксинча, раҳбар мазкур лойиҳага имзо қўйиши билан (лойиҳада манфаатдор шахсларнинг визаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар) бу ҳужжат юридик кучга эга бўлади.

Республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 3366-сонли Фармонида мувофиқ қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

- таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

- муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

Уюшмалар, компаниялар ва бошқалар хўжалик бошқаруви органлари бўлиб ҳисобланади. Буларга “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг

компанияси, “Ўзбек ипаги” уюшмаси, “Ўзбекчармпойабзал” уюшмаси, “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ва бошқалар мисол бўла олади.

Хўжалик бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

Хўжалик бошқаруви органларига давлат бошқаруви органларининг ваколатлари берилмаган. Шунингдек хўжалик бошқарув органлари ўзларининг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий тартибда аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида мазкур органларнинг ташкилий тузилмасида юридик хизмат фаолияти ташкил этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасида - шартнома-ҳуқуқ бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиа компаниясида - юридик бошқарма, Давлат божхона қўмитасида-ҳуқуқий бошқарма, Давлат солиқ қўмитасида-ҳуқуқий бўлим ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекциясида - етакчи назоратчи юрист, “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компаниясида бош юридик маслаҳатчи ва “Транспорт ва транспорт коммуникациялари” уюшмасида эса юрисконсульт лавозимлари жорий этилган.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати ўз фаолиятини икки йўналишда амалга оширади. Биринчиси – юридик хизмат вазифаларини бевосита бошқарув органининг марказий (ижроия, ишчи) аппаратида амалга ошириш, иккинчиси – бошқарув органига бўйсунувчи ёки таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига раҳбарлик қилиш.

Республика давлат бошқаруви органлари юридик хизматининг мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом билан белгилаб қўйилган. Мазкур Низом давлат бошқаруви органлари юридик хизматининг мақомини белгилаб берувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлса, хўжалик бошқаруви органлари юридик хизмати учун намунавий низом бўлиб ҳисобланади. Бунга сабаб ҳозирги пайтгача хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматини тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган эмас. Шунинг учун ҳам хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми ана шу органларнинг ички ҳужжатлари билан белгилаб берилади.

Республика бошқарув органлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мисолида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқармасининг фаолияти қўмита раиси буйруғи билан тасдиқланган Низом ҳамда бошқарма ходимлари хизмат вазифалари тақсимооти билан тартибга солинади. Низомда умумий қоидалар, бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари белгиланган. Ҳуқуқий бошқарма таркибига 3 та – халқаро божхона ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, ҳуқуқий, қонунчилик ва божхона фаолиятига оид норматив ҳужжатларни тизимлаштириш бўлимлари киради.

Давлат божхона қўмитасининг ҳуқуқий бошқармаси божхона иши йўналишида тайёрланган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини, шунингдек ҳуқуқий мазмундаги давлатлараро ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди, уларни ишлаб чиқишда иштирок этади, қонунчилик ва божхона ишига оид норматив ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини юритади ҳамда Давлат божхона қўмитаси ва унинг

тизимларида қонунчиликка тўғри амал қилинишини назорат қилиб боради.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси юридик бошқармаси тўғрисидаги Низом авиакомпания Бош директори томонидан тасдиқланган. Юридик бошқарма таркибига – суд-ҳуқуқ, шартномавий ишлар ва талабнома бўлимлари киради. Юридик бошқарма авиакомпания дирекциясининг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланиб, бевосита Бош директорга бўйсунди.

Юридик бошқарма тўғрисидаги Низом ва ундаги юридик хизматнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва масъулияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом асосида, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган ва белгиланган.

Низомда авиакомпания таркибий тузилмалари ва корхоналарининг юридик хизмати ходимларини лавозимларга тайинлаш ва озод қилиш юридик бошқарма билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг штатлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу бевосита давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий ишларнинг ҳажмидан ҳамда хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 136-сонли Қарорига мувофиқ вазирликнинг юридик бошқармасига юрисконсультлар учун ўнта штат бирлиги ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-66-сонли Қарорига мувофиқ давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасидаги юридик бошқармага тўртта штат бирлиги ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги “Ўзкоммунахизмат” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 110-сонли Қарорига мувофиқ

агентлик марказий аппаратининг тузилмасида битта юрисконсулт штати жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги “Ўзбекино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 266-сонли Қарорига мувофиқ агентликнинг марказий аппарати тузилмасида битта юрист штати жорий этилган. Агентликнинг ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмасида юридик хизмат ходими учун штат бирлиги белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 196-сонли ҳамда 2004 йил 14 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида”ги 183-сонли қарорларида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита аппарати ҳамда Гидрометеорология хизмати маркази марказий аппаратининг тузилмаларида юридик хизмат ходимлари учун штат бирлиги белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 141-сонли Қарорига мувофиқ компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасидаги юридик бўлимга иккита штат бирлиги ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги “Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 33-сонли қарорига мувофиқ “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати тузилмасида битта бош юридик маслаҳатчи штати жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 470-сонли қарорига мувофиқ уюшманинг ижро этувчи аппарати тузилмасига юридик маслаҳатчи учун битта штат бирлиги берилган.

Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юклатилган вазифалар уларнинг жойлардаги тузилмалари бўлмиш

маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Вилоятлардаги Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда туманлардаги Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, Давлат солиқ бошқармалари ва инспекциялари, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ва бўлимлари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлимлари маҳаллий давлат бошқаруви органларини ташкил этади.

Хўжалик бошқаруви органларининг жойлардаги тузилмалари эса маҳаллий хўжалик бошқаруви органларини ташкил этади.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги “Пилла” акциядорлик бирлашмалари, “Тошкентнон” уюшмаси ва шу кабилар маҳаллий хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади. Айрим республика хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъмурий ҳудудларда, яъни жойларда ўзларининг тузилмаларига эга бўлишмайди. Масалан, “Транспорт ва транспорт коммуникациялари” уюшмаси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ҳамда “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компаниялари маъмурий ҳудудларда ўзларининг тузилмаларига эга эмас. Аксарият ҳолларда маъмурий ҳудудларда уларнинг муассислари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар жойлашган бўлади. Масалан, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси қатнашчилари бўлган “Фотон”, “Алгоритм” ва “Оникс” очик акциядорлик жамиятлари Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса, “Сино” очик акциядорлик жамияти Самарқанд шаҳрида, “Электромаш” очик акциядорлик жамияти эса Фарғона вилоятида жойлашган.

Баъзи хўжалик бошқаруви органлари республика миқёсида эмас, балки муайян ҳудуд миқёсида тузилган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси ташкил этилди ва фармонда мазкур уюшма Тошкент шаҳар йўловчи транспорти соҳасида ишлаётган хўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида бирлаштириши белгилаб қўйилди. Бу эса “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси Тошкент шаҳар ҳудуди миқёсида ташкил этилган хўжалик бошқаруви органи эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун уларнинг тузилмасида ҳам юридик хизмат фаолияти ташкил этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва табдиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмасида юрисконсулт лавозими жорий этилган бўлса, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмасида юридик бўлим мавжуд бўлиб юрисконсултлар учун учта штат бирлиги ажратилган. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг юридик хизмат кўрсатувчи тузилмаси ташкилий-ҳуқуқий бўлим деб юритилади ва мазкур бўлимга иккитадан учтагача штат бирлиги ажратилган.

Бироқ айрим маҳаллий давлат бошқаруви органлари аппаратининг ташкилий тузилмасида юридик хизмат фаолияти жорий этилмаган. Масалан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаларининг намунавий тузилмасида, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмасида ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмасида юридик хизмат ходимлари учун штат бирлиги назарда тутилмаган.

Маҳаллий давлат бошқаруви органлари тузилмасида юридик хизмат ходимлари учун штат бирлигини жорий этиш ёки этмаслик масаласи у ердаги ҳуқуқий ишларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

4-§ Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳуқуқий ишларни амалга ошириш учун юридик хизмат ташкил қилинади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида илгари ҳуқуқий ишларни олиб бориш Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ зиммасига юклатилган эди. Вилоят ҳокимликларида бошқарув аппарати ташкилий тузилмаларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларга юкланган функцияларнинг бажарилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги “Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори билан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида юридик хизматни Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ эмас, балки ҳокимлик бошқарув аппаратининг тузилмасида назарда тутилган юрисконсулт бажаришлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари ушбу қарорга мувофиқ ҳокимлик бошқарув аппаратидаги юрисконсулт ўз функцияларини бажаришда фақат бевосита ҳокимга бўйсунити катъий белгилаб қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг фаолияти асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда қонунийликни таъминлаш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ва бошқа органларда ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли Қарори билан маҳаллий ҳокимият органларининг ишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасида юрист лавозими жорий этилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Ҳозирги пайтда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми шу органларнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади. Мазкур ҳужжатларга ҳокимликнинг юридик бўлими тўғрисидаги низом ёки юридик хизмат ходимининг мансаб йўриқномаси киради.

5-§. Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада, ташкилий ҳуқуқий шакли акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, хусусий корхона ҳамда

хўжалик ширкатлари кўринишида бўлган корхона ва ташкилотларнинг сони бир неча юз бараварга кўпайди. Уларнинг фаолиятида қонунчиликни таъминлаш, шартнома ва меҳнат интизомига риоя қилиш устидан назорат қилиш, мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ҳамда бошқа ҳуқуқий ишларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъект юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун билан белгилаб қўйилган.

Ҳозирги пайтда хўжалик юритувчи субъект штат жадвалида назарда тутилган юридик хизмат ходимларининг сони жуда озчиликни ташкил этади. Айни пайтда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти доимий равишда юрисконсулт хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари мавжуд.

Объектив сабаблар жумласига – юристлар сонининг республикамизда камлиги, барча корхоналарда ҳам доимий равишда юридик хизмат ходимларига ҳақ тўлаш имконияти йўқлиги, шунингдек юридик хизмат ходимлари маошларининг камлиги киради.

Субъектив сабабларга эса – корхона раҳбарларининг юридик хизматга юзаки қараб уни мустаҳкамлашга эътибор бермаслиги, юристларнинг кўпчилигида асосан прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаш иштиёқи кўплиги ва юридик хизматга беписандалик билан қарашлари киради.

Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар асосан адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ҳамда адвокатлик бюроларида фаолият олиб бораётган адвокатларнинг хизматларидан кўпроқ фойдаланмоқдалар. Бироқ адвокатура институти томонидан хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган юридик хизмат юридик хизматнинг барча йўналишларини қамраб ололмапти ва асосан шартнома лойиҳаларини тузиш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда судда вакиллик қилиш билан чекланиб қолмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг вазифаларига асосан улар фаолиятини ҳуқуқий таъминланишини ташкил этиш, талабнома-даъво ишларини юритиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш, корхона ходимларининг юридик ўқувини ташкил этиш кабилар киради.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларининг хусусиятидан ҳамда ҳуқуқий ишларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда юридик хизмат ходими учун штат бирлиги ажратиш ёки ажратмаслик масаласини мустақил ҳал этадилар. Агарда хўжалик юритувчи субъект давлат органининг қарори асосида ташкил этиладиган бўлса, унда унинг тузилмасида юридик хизмат ходими учун штат бирлигини ажратиш ёки ажратмаслик масаласини шу органнинг ўзи ҳал этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги “Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 251-сонли қарорига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасида юридик бўлим ходимлари учун иккита штат бирлиги ажратилган.

IV БОБ

ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Юридик хизмат ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати, республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматидан иборат бўлганлиги учун юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми бир нечта қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2005 йил 7 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2005 йил 18 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низомда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида»ги Низом билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида”ги ПҚ-131-сонли қарорига мувофиқ юридик бўлим Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади. Вазирлар Маҳкамаси Аппарати

Раҳбари эса мақомига кўра Бош вазир ўринбосарига тенглаштирилган.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги учун уларнинг мақоми шу ҳокимликлар юридик хизмати фаолиятини тартибга солувчи ички низомларда ҳамда мансаб йўриқномаларида белгилаб қўйилади. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги “Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида муайян даражада вилоят, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган.

Давлат бошқаруви органлари ва корхоналар юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом билан белгилаб қўйилган. Мазкур Низомда юридик хизматга оид бошқа қонун ҳужжатларидан фарқли ўлароқ давлат бошқаруви органлари ҳамда корхоналар юридик хизмати ходимларига қўйиладиган талаблар, юридик хизматнинг вазифалари, ҳуқуқи ва масъулияти масалалари батафсил ёритиб берилган.

Хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг мақомини белгилаб берувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмаганлиги туфайли “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом улар учун намунавий бўлиб ҳисобланади.

1993 йил 2 мартдаги Низом юридик хизматнинг фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан мукамалроқ ишлаб чиқилганлиги, унда барча давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати тартибга солинганлиги, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати учун намунавий бўла олиши боис юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисоблаш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми эса мазкур ташкилотларнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

2-§. Юридик хизмат тўғрисидаги ички низомлар. Юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномалари

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми тегишли давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички низомлар ва юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномалари билан ҳам белгиланиши мумкин. Ички низомлар орқали юридик хизматнинг функциялари ҳамда ҳуқуқлари янада аниқлаштирилади. Энг асосийси ички низомлар орқали юридик хизматнинг ҳуқуқ ҳамда функциялари кенгайтирилиши мумкин. Бироқ ички низомлар юридик хизматга қонун ҳужжатлари асосида тегишли бўлган ҳуқуқларни, мажбуриятларни ҳамда масъулиятни чеклаб қўймаслиги лозим. Ҳозирги пайтда юридик хизмати мавжуд бўлган аксарият давлат бошқаруви ҳамда хўжалик бошқаруви органларида юридик хизмат бўлими ёки юридик бошқармаси тўғрисида ички низомлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг юридик бошқармаси тўғрисидаги Низом қўйидаги 7та бўлимдан иборат: умумий қоидалар; асосий вазифалар; жавобгарлик; фаолиятнинг усул ва услублари; функциялар ва ҳуқуқлар; ўзаро муносабатлар ва алоқалар; бошқармага раҳбарлик қилиш. Мазкур низом орқали юридик хизматга қўшимча функциялар ҳам юклатилган. Ушбу қўшимча функциялар қуйидагилардан иборат: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида юридик хизмат фаолиятининг шакли, усули ва услубларини такомиллаштириш чораларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, вазирликнинг буйруқ ва кўрсатмаларини кодификациялаштириш ҳамда уларнинг мазмунини назорат қилиб туриш. Низомга кўра юридик хизмат бошқармаси бошлиғи бошқарма ваколатига тегишли бўлган масалалар юзасидан чиқадиган ҳужжатларга имзо қўйиш ваколатига эга.

Ички низомлар орқали юридик хизматга бериладиган қўшимча функциялар ана шу давлат органининг ҳамда хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шунинг учун ҳам давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмат тўғрисидаги ички низомлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилади.

Одатда юридик хизматнинг иши (фаолияти) ихтисослашув асосида ташкил этилади. Агарда давлат органининг ёки хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати икки ёки ундан ортиқ юридик хизмат ходимлари томонидан амалга оширилса, уларнинг ҳар бири бажариши лозим бўлган ишлар олдиндан белгилаб қўйилади. Бунда юридик хизматнинг ҳар бир ходими ўзига бириктириб қўйилган ишларни бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади. Вазифаларнинг юридик хизмат ходимлар ўртасида аниқ тақсимланиши ва уларнинг ихтисослашуви юридик хизмат ходимларининг муайян ҳуқуқ соҳаси бўйича билимларини доимо чуқурлашиб боришига, ўзига тегишли ишлар бўйича суд амалиётидан хабардор бўлиб боришига ҳамда шу тоифадаги ишлар бўйича келиб чиққан муаммоларни тез ва сифатли ҳал этилишига имкон яратади. Бундан ташқари ҳар бир юридик хизмат ходими юридик хизмат томонидан бажариладиган комплекс ишлар ҳақида хабардор бўлиши керак. Шундагина у муайян сабабларга кўра ишга чиқмай қолган юридик хизмат ходимининг вазифаларини бажариб туриш имкониятига эга бўлади.

Юридик хизмат ходимининг вазифалари, ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари уларнинг мансаб йўриқномаларида бевосита кўрсатиб қўйилган бўлади. Юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномалари юридик бўлим ёки юридик бошқарма бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади. Агарда давлат органи ёки хўжалик юритувчи субъект юридик хизмати ягона юридик хизмат ходими томонидан амалга оширилса юридик хизмат ходимининг мансаб йўриқномаси унинг ўзи томонидан ишлаб чиқилади.

Бирок мансаб йўриқномасининг шакли, мазмуни ҳамда уни тасдиқлаш тартиби турли ташкилотларда турличадир. Масалан, “Ўздонмахсулот” давлат акциядорлик компаниясида юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномаси юридик бўлим бошлиғи томонидан ишлаб чиқилган ва компания раисининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мазкур ҳужжат “Юридик бошқарма ходимлари ўртасида мажбуриятларнинг тақсимланиши” деб номланади ва у бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган.

“Ўзспиртсаноат” акциядорлик компаниясида мазкур ҳужжат “Ўзспиртсаноат” акциядорлик компанияси юридик хизмат ходимининг лавозими йўриқномаси деб номланади ва у компания юридик хизмат ходими томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, компания раиси томонидан тасдиқланган. Мазкур йўриқнома тўртта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда умумий қоидалар, иккинчи бўлимда хизмат ходимининг асосий вазифалари, учинчи бўлимда юридик хизмат ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўртинчи бўлимда эса юридик хизмат ходимининг жавобгарлиги масалалари ўз ифодасини топган.

3-§. Юридик хизмат ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат муайян тизимга эга бўлганлиги туфайли юридик хизмат ходимлари лавозимларини эгаллаш тартиби ва уларга қўйиладиган талаблар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматининг ходими “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Қонунчилик палатаси Спикерининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг ходими “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Сенат раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида»ги Низомда тўлиқ ўзифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Сенати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бирортасида ҳам юридик хизмат ходими лавозимига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилмаган.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасидаги юрисконсультларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини белгилаб берувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шунинг учун уларнинг юрисконсультлари умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда тегишли ҳокимнинг буйруғи билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасидаги юрисконсультларни лавозимига тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий нозорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги 177-сонли қарори билан белгилаб қўйилган. Унга кўра туман ва шаҳар ҳокимлари аппарати тузилмасидаги юрисконсультлар лавозимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимлар томонидан тайинланади. Бироқ мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда туман ва шаҳар ҳокимлари аппарати тузилмасидаги юрисконсультларни лавозимдан озод этиш тартиби белгилаб қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низомга мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бошқарув органларида ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарда юрисконсульт бўлиб ишлаши мумкин ва улар бу лавозимга тегишли бошқарув органлари ва корхоналар раҳбарлари томонидан тайинланадилар. Вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва республиканинг бошқа бошқарув органи юридик

бўлинмасининг бошлиғи ёки юрисконсулт лавозимини эгаллаш учун камида 5 йиллик юрисконсулт иш стажига эга бўлиш зарур.

Амалдаги қонунчиликка кўра давлат бошқарув органлари ва корхоналар, ёш мутахассислар ва ҳомиладор аёллардан ташқари, барча юридик хизмат ходимларини 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш учун юборишга мажбурдирлар.

Юридик хизмат ходими аттестациядан ўта олмаса, у 6 ой муддатдан сўнг яна қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиш учун юборилиши мумкин. Агар юридик хизмат ходими аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлса, у Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари комиссияларининг қарорлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Хўжалик бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби уларнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилади. Улар ўзларининг ички ҳужжатларини ишлаб чиқишда “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низомдан намуна сифатида фойдаланишлари мумкин.

4-§. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Юридик хизматнинг жавобгарлиги

Юридик хизматнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида, тегишли давлат органларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ҳужжатларида бевосита белгилаб қўйилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низомда Қонунчилик палатаси юридик хизматининг фақатгина асосий вазифалари кўрсатилиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилмаган. Мазкур асосий вазифаларга қуйидагилар киради:

-Қонунчилик палатаси Кенгашининг ёки қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталарнинг топшириғига биноан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини, шунингдек

Қонунчилик палатаси қарорлари, баёноtlари, мурожаатлари, парламент сўровлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш, ушбу ҳужжатларнинг юридик техника жиҳатидан маромига етказилишида иштирок этиш;

-Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида кўриб чиқиш учун юборишга тайёрлашда иштирок этиш;

-қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш олдидан Қонунчилик палатаси депутатлари, депутатлар бирлашмалари ва кўмиталарига қонун лойиҳаларини ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш масалаларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

-Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштирок этиш;

-Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари билан ишлаш масалалари бўйича уларни кўриб чиқишнинг Қонунчилик палатаси Регламентида назарда тутилган барча босқичларида таклифлар ва тушунтиришлар тайёрлаш;

-Қонунчилик палатаси Спикерининг, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари ва Қонунчилик палатаси Девони Раҳбарининг топшириғига биноан бўлим ваколатига киритилган ҳуқуқий масалалар бўйича хулосалар тайёрлаш;

-Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини тайёрлашга масъул бўлган кўмиталарининг мурожаатларига биноан қонун лойиҳаларини, уларнинг юридик техника талабларига мувофиқлигини таҳлил қилаш, ушбу ҳужжатларнинг сифатини яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

-қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, фармойишлари ҳисобини юритиш ва уларни тартибга солиш;

-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қоғоз ва электрон нусхаси фондини шакллантириш ва назорат ҳолатида сақлаш;

-Қонунчилик палатаси депутатлари ва Девони ходимларининг сўровига биноан ахборот ресурслари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ахборот-маълумот ишини амалга ошириш ҳамда уларга белгиланган тартибда электрон ва (ёки) қоғоз нусхадаги тегишли материалларни тақдим этиш;

-Қонунчилик палатасининг Интернетдаги ахборот сайтида қонунчилик базасини шакллантиришда иштирок этиш;

-Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунлар, қарорлар, баёлотлар, мурожаатлар, парламент сўровларининг юридик техника жиҳатидан расмийлаштирилишига ягона ёндашувни таъминлаш, Қонунчилик палатаси депутатларига, депутатлар бирлашмаларига ушбу масала бўйича маслаҳатлар бериш ва услубий ёрдам кўрсатиш;

-Қонунчилик палатаси депутатлари ва Қонунчилик палатаси Девони ходимларининг ҳуқуқий билими даражасини оширишда иштирок этиш.

Бундан Қонунчилик палатаси юридик хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмаган экан деган фикрга бормаслик лозим. Агарда юқоридаги Низомда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик хизматига юклатилган вазифалар таҳлил этилса, юридик хизмат худди шу мазмундаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини англаш мумкин. Масалан, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ёки қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталарнинг топшириғига биноан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини, шунингдек Қонунчилик палатаси қарорлари, баёлотлари, мурожаатлари, парламент сўровлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш, ушбу ҳужжатларнинг юридик техника жиҳатидан маромига етказилишида иштирок этиш юридик хизматнинг ҳам вазифасига, ҳам ҳуқуқи ва мажбуриятига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизмати ҳам ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тегишли мазмундаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Масалан, Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонун лойиҳаларини муҳокамасида иштирок этиш Олий Мажлис Сенати юридик хизматнинг ҳам вазифасига, ҳам ҳуқуқига, ҳам мажбуриятига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг юридик хизмати вазифаларига қуйидагилар киради:

- Сенат ҳамда унинг Кенгаши ва қўмиталари(комиссиялари) муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан материаллар ва таклифлар тайёрланишига кўмаклашиш;

- Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлашда Сенат қўмиталарига кўмаклашиш,

шунингдек қарорларнинг, баёлотларнинг, мурожаатномаларнинг лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда мазкур ҳужжатларни юридик-техник жиҳатдан маромига етказишда иштирок этиш;

- Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларнинг муҳокамасида иштирок этиш;

- Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони Раҳбари топшириғига биноан бўлим ваколатига тааллуқли ҳуқуқий масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиш;

- Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш учун Сенатнинг қайси қўмиталари масъул бўлса, шу қўмиталар топшириғига биноан мазкур қонунларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига, шунингдек юридик техника талабларига қанчалик мувофиқ эканлигини таҳлил қилиш, мазкур ҳужжатларнинг сифатини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат ва унинг Кенгаши қарорлари, Қонунчилик палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳисобини юриш ҳамда уларни тизимга солиб бориш;

- Сенатнинг қонунлар базасини шакллантириш ва текшириб, тўғри ҳолатда бўлишини назорат қилиб бориш;

- Сенат қўмиталарининг ёзма сўровига биноан қонунлар базаси асосида ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот йўсинидаги маълумотномалар тайёрлаш;

- Сенат томонидан маъқулланган қонунларни ва қабул қилинган қарорлар, баёлотларни, мурожаатномаларни, шунингдек парламент сўровларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришга бир хил ёндашилишини таъминлаш, Сенат аъзоларига маслаҳат йўсинидаги ва услубий ёрдам кўрсатиш;

- Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида”ги Низомда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати юридик хизматини тартибга солувчи Низомлардан фарқли ўлароқ юридик хизматнинг вазифалари,

функциялари, ҳуқуқи ҳамда жавобгарлиги масалалари батафсил ёритиб берилган.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида”ги Низомга мувофиқ юридик хизматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми ва Аппарати кўриб чиқиши учун киритилган масалалар ва ҳужжатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларининг, шунингдек Ҳукумат томонидан киритиладиган ёки келишиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларига мувофиқ қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тайёрлашда қатнашиш;

қонун тузиш фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши, кўмиталари, комиссиялари ва Котибияти билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

Юридик хизмат ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми кўриб чиқиши учун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари муҳокамаси учун киритиладиган ҳуқуқий масалалар бўйича таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Ҳукумат қарорларини, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган Ҳукумат

комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар қарорларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириқларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати мутахассисларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат беради;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказди ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлайди;

қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини, қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома ишларини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Умумий бўлими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами (ҚТ)ни нашрга тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларини, унинг мутахассисларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари, шунингдек қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома материаллар билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ҳукумат қарорларини белгиланган тартибда тайёрлайди, уларни талқин қилиш ва қўллаш бўйича тушунтиришлар беришда қатнашади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

қонун яратиш фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа органлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимли ва тўлиқ бўлишини таъминлаш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Котибияти билан ўзаро ҳамкорлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг улар томонидан муҳокама қилинишида қатнашади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишлар материалларини тайёрлашда ва мазкур йиғилишларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда қатнашади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш ва чора кўриш учун юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

Юридик хизмат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан,

маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

тегишли материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириғига биноан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш;

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмати ҳам юқорида айтиб ўтилган вазифалар, функциялар ҳамда ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳолда худди шу мазмундаги мажбуриятларга эга. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириғига биноан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва

йиғилишларида қатнашиш юридик хизматнинг ҳам ҳуқуқига, ҳам мажбуриятига киради.

Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг иш фаолияти "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида"ги Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади. Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланади. Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бўлим мудир томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудир қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

- бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қилади ҳамда бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этади, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга розилик беради ва улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни юридик экспертизадан ўтказди ва ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалари тайёрланишини таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири,

унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаб қилинмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг кўриб чиқиши учун юборади;

-бўлим мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

-Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

-чиқадиган хат-хабарларни имзолайди;

-бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

-бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади.

Бўлим мудир вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан белгиланадиган Бўлимнинг бош мутахассисларидан бири бажаради. Бўлимнинг бош мутахассиси эса қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

-ўзига бириктирилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бўлим мудир топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

-давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни юридик экспертизадан ўтказди ва ишлаб чиқади, улар бўйича

тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалари тайёрлайди;

-материаллар ҳақида бўлим мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

-қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини талқин қилиш ва тушунтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Бўлим мудирига тақдим этади;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан ўтказиладиган ўзига бириктирилган масалалар бўйича йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

-ўзига бириктирилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқишга тайёрлаш, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама этиш учун йиғилишлар ўтказади.

Бўлимнинг етакчи мутахассиси қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

-материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бўлим мудирини топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

-норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказади ва улар юзасидан эксперт хулосалари тайёрлайди;

-материалларни Бўлим мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

-ҳуқуқий масалалар бўйича тегишли маълумотнома ва таҳлилий материаллар тайёрлашда қатнашади;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан ўтказиладиган ўзига бириктирилган масалалар бўйича йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

-бўлим мудир ва тегишли бош мутахассис билан келишган ҳолда ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

I тоифали иш юритувчи - котиба бўлимда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатлар ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳалари юридик экспертизасининг комплекслиги ва сифати учун юридик хизмат жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низомга мувофиқ давлат бошқаруви органлари юридик хизматининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- бошқарув бўлинмалари билан биргаликда марказий аппаратда ҳамда вазирлик, идора, бошқа бошқарув органи тизимида қонунчиликнинг тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Қуйи бошқарув

органлари ва корхоналарнинг амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда чиқарилган ҳужжатларни бекор қилиш учун чора-тадбирлар кўради;

- раҳбарларга имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради ва уларга виза қўяди. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлигини юридик хизмат томонидан олдиндан текширилмасдан чиқарилишига йўл қўйилмайди;

- вазирликка, идорага, бошқа бошқарув органига келадиган ва улар томонидан чиқариладиган норматив ҳужжатларни тартибли ҳисобга олишни ва сақлашни ташкил қилади, бошқа бўлинмалар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тўпламларини нашр этиш ишларини бажаради; вазирликлар, идоралар бошқа бошқарув органларининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ёки ўз кучини йўқотганларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди;

- тизимда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, ижара муносабатларини ва меҳнатни рағбатлантиришни ташкил этишнинг бошқа самарали шакллари жорий этиш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни яхшилаш, хўжалик шартномаларининг ролини ошириш ва унинг бажарилиши учун масъулиятини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

- ўзига қарашли корхоналар чет эл компаниялари ва фирмалари билан иқтисодий ва илмий техник алоқалар ўрнатганда уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

- маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилишини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, камомадлар, ўғирлашлар, қўшиб ёзишлар ҳамда самарасиз харажатлар ва нобудгарчиликларнинг олдини олиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга қаратилган ҳуқуқий тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади.

- тармоқдаги даъво қўзғатиш ишларининг аҳволини ва унинг амалиётини таҳлил қилади, хўжалик суди томонидан низоларни кўриб чиқиш натижалари бўйича корхоналар фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

- судда, хўжалик судида, бошқа ташкилотларда ҳуқуқий масалалар кўрилаётганда белгиланган тартибда вазирлиkning, идоранинг, бошқа бошқарув органининг манфаатларини ифодалайди;

- вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимидаги ҳуқуқий ишларга раҳбарликни амалга оширади;

-ўзига қарашли корхоналарда бу ишларнинг аҳволини текшириб боради, бу ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органининг раҳбариятига, ҳайъатига киритади;

- вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимидаги ҳуқуқий ишларнинг ва юридик хизматлар фаолиятининг ижобий тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради, унинг амалда татбиқ этилишига кўмаклашади;

- ҳуқуқий ишлар ва юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқади;

- вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органлари марказий аппарати ходимларининг юридик умумий ўқувини ташкил этишда ва ўтказишда қатнашади, тармоқ юридик хизматга уни корхоналарда ташкил этишда ёрдам беради, қонунчиликни тушунтиришга оид ишларни олиб боради;

- замонавий техника воситаларидан фойдаланиш асосида қонунчилик бўйича ахборот-маълумотнома ишларини олиб боради амалдаги норматив ҳужжатларга киритилган янги ўзгартиришлар ҳақидаги ахборотни, Адлия вазирлиги кўрсатмалари ва республика хўжалик судларининг тажрибасини ўзига қарашли корхоналарга тезкорлик билан етказади, вазирлик, идора раҳбариятига қонунчилик бўйича маълумотнома материалларини тайёрлайди, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

- вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимида қонун бузилишлари аниқланган тақдирда юридик хизмат зарур чоралар кўриш, бундай камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун тегишли раҳбарга бу ҳақда ахборот беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг вазифаларига эса қуйидагилар киради:

а) корхона ишининг ҳуқуқий таъминлашини ташкил этиш, бўлинмаларнинг иқтисодий жавобгарлигини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг бошқа масалаларини тайёрлаш ва жорий қилишда иштирок этиш;

– корхонада белгиланган ички хўжалик даъволарини қўзғаш ва кўриб чиқиш тартибга риоя этилишини назорат қилиш;

– иқтисод, молия, ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, самарасиз харажатларнинг таркибини ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, баланс ҳисобидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш, суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва уларни ўғирлашлар бўйича материалларни расмийлаштириш;

б) қонунчилик актлари, юқори бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, корхона маҳаллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тартибга солинган ҳисобини ва сақланишини ташкил этиш, бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб бориш;

в) корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текшириш ва уларга виза қўйиш.

д) бошқа корхоналар билан хўжалик шартномалари, шунингдек, чет эл компаниялари ва фирмалари билан контрактлар тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашиш, шартномалар ва контрактлар лойиҳаларига виза қўйиш;

е) даъво ишларини олиб бориш, судда, хўжалик судида, шунингдек, бошқа органларда ҳуқуқий масалалар кўрилаётганда белгиланган тартибда корхона манфаатларини ҳимоя қилиш, даъво ишлари агар бошқа бўлинмалар томонидан олиб борилса, бу ишга раҳбарликни амалга ошириш;

ж) моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари, бузилишлар ва суиистеъмолликлар топилган тафтиш ва қайта рўйхатга олиш актлари бўйича ҳуқуқий хулосалар бериш;

з) меҳнат жамоаси томонидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этишда ўзини-ўзини бошқаришни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишига ёрдам бериш, жамоа шартномасини тайёрлашда ва тузишда қатнашиш, меҳнат жамоаси кенгашига, касаба уюшмаси кўмитасига ва бошқа жамоат ташкилотларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

и) юридик умумий ўқувни ташкил этишда ва уни амалга оширишда қатнашиш, ходимларни амалдаги қонунлар билан таништириш;

к) корхона фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланса, бу ҳақда уларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш учун раҳбарни хабардор қилиш.

Низомга мувофиқ давлат бошқаруви органи ва корхона юридик хизматига бир хил мазмундаги ҳуқуқлар берилган. Булар қуйидагилардир:

а) давлат бошқарув органи, корхона, тузилма бирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи билан танишиш; тафтиш ўтказишларда ва қайта рўйхатга олишларда қатнашиш;

б) мансабдор шахслардан давлат бошқарув органларида, корхоналарда белгиланган тартибда ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар ва ўз бурчларини бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни олиш;

в) раҳбариятга қонун бузишларни бартараф этиш, келтирилган зарарни қоплаш, амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминламаган ёхуд бузаётган бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарларини, бошқа ходимларни жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар тақдим этиш;

г) давлат бошқарув органи ва корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда норматив ҳужжатлар ёки бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ юридик хизмат томонидан ўтказиладиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг ходимларини жалб этиш;

д) давлат бошқарув органи, корхона раҳбарияти томонидан чақириладиган ҳайъат мажлисларида, тегишли кенгашларда, йиғилишларда иштирок этиш.

Давлат бошқарув органларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати Низомда белгилаб қўйилган вазифа ва ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳолда худди шу мазмундаги мажбуриятларга эга. Масалан, давлат бошқаруви органи ёки корхона раҳбарияти томонидан чақириладиган ҳайъат мажлисларида, тегишли кенгашларда, йиғилишларда иштирок этиш юридик хизматнинг ҳам ҳуқуқига, ҳам мажбуриятига киради.

Юридик хизмат ходимларига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган бошқа ишларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

Юридик хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ Низомда кўзда тутилган вазифаларни бажармаганликлари учун интизомий ва моддий жавобгарликка

тортилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмат ходимларини ўтказиладиган текширишлар натижалари бўйича уларни ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидирлар.

Юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга қаршилик кўрсатувчи мансабдор шахслар, унинг оқибатида қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича юридик жавобгарликка тортиладилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг мақомини белгилаб берувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги учун мазкур органлар юридик хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг ички ҳужжатларида, яъни юридик бўлим тўғрисидаги ички низомларда ҳамда юрисконсультларнинг мансаб йўриқномаларида белгилаб қўйилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита уларга юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашининг қарорларини ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг қарор ва фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

- вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг кўрсатмасига мувофиқ туман ҳокимларининг қарор ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши ва ҳоким қарорларига мос келишини ўрганиб чиқиш ҳамда ноқонуний ҳолатлар бўйича тегишли таклифлар киритиш;

- вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кўрсатмаси билан тушунтиришлар бериш, улар юзасидан

таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, уларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этишни ташкиллаштириш;

-халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига ҳамда ҳокимлик маҳкамаси ходимларига уларнинг иш фаолиятига зарур бўлган масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;

-ўзига бириктирилган ҳокимият қошидаги комиссиялар ишини йўналтириш;

-шартномавий муносабатларни тартибга солиш;

-ўз ваколати доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларида тегишли ҳокимликнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг қарорларини ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг қарор ва фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юридик хизматнинг ҳам вазифасига, ҳам ҳуқуқ ва ҳам мажбуриятига киради.

Амалдаги қонунчилик бўйича юридик хизмат ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажармаганликлари учун асосан меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар. Бироқ юридик хизмат ходими томонидан ўз вазифаларини етарли даражада бажарилмаслиги салбий оқибатларни келтириб чиқарса, у бошқа турдаги юридик жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

V БОБ

ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ЮРИДИК ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Бошқарув органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли

Юридик хизматнинг республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишлари – унинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юридик хизматнинг бу соҳадаги фаолияти қуйидаги функцияларни – ташкилий, назорат, ҳуқуқий тарбия, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг **ташкилий функцияси** – қонунийликни таъминлаш бўйича ҳамда ҳуқуқий ишлар даражасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг бу функцияси марказий ёки ишчи аппаратида, шунингдек, бошқарув органи тизимида ёки таркибида бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунчиликни тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилади ва амалга оширилади. Масалан, бирорта йўналиш бўйича Президент фармони, қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинса ва шу норматив-ҳуқуқий ҳужжат муайян вазирликка тегишли бўлса, шу вазирликнинг юридик хизмати уни ижро этиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларда иштирок этади. Мисол учун, 2006 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709-сонли Фармони ҳамда 2006 йил 11 январда “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур фармон ва қарорда кўтарилган масалалар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ бўлганлиги учун уларни ижро этиш юзасидан 2006 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 13-сонли буйруғи билан “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари

(шйркатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом вазирликнинг юридик хизмати томонидан ёки унинг иштирокида ишлаб чиқилган.

Юридик хизматнинг **назорат функцияси** – у бажарадиган вазифалар ҳажми ва ваколат доираси бўйича асосий функция ҳисобланади.

Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши унинг қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолиятида мустақиллигини кучайтиришга йўналтирилаётганлигини кўрсатмоқда. Натижада юридик хизмат ходимлари нафақат республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига ёки бошқа мансабдор шахсларга ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар беради, балки қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат қилиш функциясини ҳам кенг кўламда амалга оширади.

Юридик хизмат республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари фаолиятига тааллуқли бўлган барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини, шу жумладан ўзларининг локал ҳужжатлари ижроси устидан назоратни олиб боради.

Юридик хизматни назорат функцияси – ички идоравий назоратнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

1) юридик хизмат республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлигини юридик хизмат томонидан олдиндан текширилмасдан чиқарилишига йўл қўйилмайди;

2) республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг тизими ёки таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан чиқарилган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширилади ёки ўрганилади. Бунда асосан юридик кучга кирган ҳужжат текширилади ва бундай ҳужжатнинг қонунга зидлиги аниқланса, юридик хизмат томонидан тегишли чоралар кўрилади, яъни тегишли раҳбарга бу ҳақида ахборот берилади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органи тизими ва таркибидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ишларининг аҳволини текширади. Масалан, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш,

ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва унинг таркибий бўлинмаларида қонунчиликка риоя қилинишини ўрганиш ва умумлаштириш юридик хизматнинг функциясига киради. Мазкур ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаб, бошқарув органи раҳбарияти ва ҳайъатига киритади.

Юридик хизмат давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва унинг тизимига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва ходимларининг **ҳуқуқий тарбия** ишида фаол иштирок этади ҳамда унинг ташкилотчиси бўлиб ҳисобланади. Мансабдор шахслар ва ходимларни ҳуқуқий тарбия хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги асосий шакллари фарқланади:

- ҳуқуқий таълим (ўқитиш ёки ўқиш);
- ҳуқуқий тарғибот (оғзаки ва оммавий ахборот воситалари орқали);
- қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири;
- ҳуқуқий ташвиқот;
- ҳуқуқий ахборот бериш;
- шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш.

Ҳуқуқий тарбия шакллари дарсликнинг 9 бобида батафсил баён қилинади.

Юридик хизматнинг **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишлари** ўз ичига қуйидагиларни олади:

- а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини ташкил қилиш;
- б) таркибий бўлинмаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан таъминлаш;
- в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни белгилаб бориш, бекор қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш;
- г) суд амалиёти материалларини йиғиш;

Хулоса қилиб айтганда юридик хизматнинг республика ва маҳаллий давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида

қонунийликни таъминлаш борасида олиб борадиган ишлари - қонун устунлигини – яъни давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларини таъминлашга хизмат қилади.

2-§. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида иштироки

Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий, бошланғич бўғини ҳамда ҳуқуқий ишларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади. Давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга эканлиги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида бевосита ўз аксини топган. Бундан ташқари мазкур ваколат давлат бошқаруви органларининг Низомларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисида”ги Низомда агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Низомда агентликнинг алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектридан, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, миллий ахборот макони мониторинги соҳасидаги фаолият масалалари юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш ваколатига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва

қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, бироқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низомга мувофиқ давлат бошқаруви органларининг юридик хизмати қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, шунингдек, қонун лойиҳаларини, ҳукуматнинг қарор ва фармойиши лойиҳаларини ҳамда тегишли вазирлик, давлат қўмитаси ва идораси томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади. Бунда юридик хизмат қонун ҳужжатларини тайёрлаш, муҳокама этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларини имзолаш ва нашр учун тақдим этишга тайёрлаш тартибига асосланади.

Низомга мувофиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлигини юридик хизмат томонидан текширилмасдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Давлат бошқаруви органларида юридик хизматнинг идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини уч йўналишга ажратиш мумкин, яъни:

биринчиси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини бевосита юридик хизматнинг ўзи томонидан ёки айрим ҳолларда муайян бўлимлар билан биргаликда *тайёрлаши*;

иккинчиси, бошқа бўлим ёки бўлинма ходимларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда *қўмаклашиши*;

учинчиси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини *ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш*.

Юридик хизмат асосан мазмуни бутунлай ҳуқуқий характерда бўлган ёки ишлаб чиқилиши фақатгина унинг ваколатига кирадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди. Масалан, давлат бошқарув органининг юридик бўлими

унга бўйсунувчи корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини текшириш натижалари бўйича буйруқ лойиҳасини тайёрлаши ёки тармоқда ҳўжалик шартномаларини тузиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиши мумкин. Шунингдек, юридик хизмат моддий бойликларнинг сақланиши ҳолати бўйича ёки меҳнат интизомига ва меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан кадрлар бўлими билан биргаликда ҳайъат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши ёки тақдим этиши мумкин.

Юридик хизмат лойиҳаларни тайёрлашда таркибий бўлимларга ҳуқуқий масалалар бўйича зарур бўлган ёрдамни кўрсатади. Лойиҳани ишлаб чиқишдан аввал, юридик хизмат ёрдамида ишлаб чиқиладиган лойиҳанинг мавзусига оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий адабиётлар ва даврий нашрлар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ва агарда мавжуд бўлса социологик ва бошқа тадқиқот материалларини ўрганиш ташкил этилади. Ҳозирги пайтда, ҳатто, ишлаб чиқиладиган лойиҳанинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда халқаро шартномаларни, чет эл қонунчилигини ва шу каби бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Барчага маълумки бошқарув органлари ҳуқуқий характерга эга бўлган турли ҳужжатларни (яъни қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, низомлар, йўриқномалар, қоидаларни) қабул қилишади. Айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қайси шаклини танлашлик бошқарув органларининг таркибий бўлими ёки бўлинмаларига қийинчилик туғдиради ва ушбу вазиятда уларга юридик хизмат кўмаклашади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш асосан унда ҳал этилиши лозим бўлган масала бошқарув органининг қайси таркибий бўлимининг фаолият доирасига тааллуқли бўлса шунга топширилади. Ушбу бўлим ёки бўлинма лойиҳани асосий ижрочиси бўлиб ҳисобланади ва уни тайёрлаш бўйича жавобгардир. Жуда муҳим ва мураккаб лойиҳаларни тайёрлаш учун комиссия, яъни ишчи гуруҳини тузиш тавсия этилади. Ушбу ҳолатда лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган мансабдор шахслар доираси аниқланади. Зарурият бўлган ҳолларда лойиҳани ишлаб чиқиш олимлар ва тажрибали мутахассислар жалб этилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳўжалик ва ижтимоий-маданий соҳадаги, тармоқ

бошқарувидаги ҳуқуқий бошқарув ишларини яхшилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимини такомиллаштириш, аввал қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш ва уларнинг сонини кўпайиб кетмаслиги зарурлигига эътиборни қаратиш лозим. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар корхона, ташкилот ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўймасликлари керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари қонунларни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида ёки бошқарув органининг ваколатига кирувчи вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан қабул қилинади.

Бошқарув органи юридик хизматининг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этишининг асосий шакли бу – ҳуқуқий экспертизадир. Ҳуқуқий экспертиза қуйидаги элементлардан иборат: қонунийликни текшириш, матнни ҳуқуқий ва умумий таҳрирлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклининг белгилаб қўйилган талабларга жавоб бериши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга манфаатдор шахслар томонидан виза қўйиш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжат юбориладиган шахслар рўйхати.

Юридик хизмат тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқарув органининг юридик хизмати раҳбарларга имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради ва уларга виза қўяди. Демак, юридик хизматнинг ҳуқуқий ишнинг ушбу қисмидаги асосий вазифаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаб беришдан иборат.

Ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар дейилганда, нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (йўриқномалар, низомлар) тушунилади, балки норматив характерга эга бўлмаган буйруқ ва фармойишлардан ҳам тушунилади. Масалан, ходимни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ходимга таътил бериш каби буйруқлар норматив характерга эга бўлмай, балки муайян шахсгагина тааллуқли бўлади.

Юридик хизмат буйруқларнинг ёки бошқа ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил этаётганда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

-мазкур ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги етарли даражада асослантирилганми;

-бошқарув органи мазкур ҳужжатни қабул қилиш ваколатига эгами;

-у амалдаги қонунчиликка зид эмасми;

-ундаги ҳаволаки нормалар тўғри қўйилганми;

-ушбу масала юзасидан аввал идоравий ҳужжат қабул қилинганми;

-лойиҳада назарда тутилган ҳуқуқий чоралар асослантирилганми;

-ҳужжатнинг шакли тўғри танланганми;

-янги ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан аввалги ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки уларни бекор қилиш масалалари унда ёритилганми.

Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан ишлашдаги фаолиятининг асосий мазмунини ҳуқуқий таҳрир қилиш ташкил этади. Юридик хизмат томонидан матнни таҳрир қилишдан мақсад ҳуқуқий ҳужжатни тушунарли бўлмаган, ноаниқ ифодалардан холи қилиш ва ундаги қоидаларни турлича талқин қилиш имкониятини бартараф этишдан иборат.

Асосий ижрочи томонидан тайёрланган лойиҳа тегишли таркибий бўлинмалар билан, зарур бўлган ҳолларда манфаатдор вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишилади. Лойиҳада манфаатдор шахсларнинг визаси мавжуд бўлгандагина у келишилган ҳисобланади. Агарда манфаатдор шахсларнинг лойиҳа мазмуни бўйича эътирозлари бўлса, улар эътирозларини ва таклифларини ёзма равишда тақдим этадилар. Тайёрланган лойиҳа тегишли таркибий бўлинмалар билан келишилганидан сўнг, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таҳлил этиш учун юридик хизматга топширилади. Юридик хизмат, агарда лойиҳа тегишли тартибда келишилмаган ва унда манфаатдор шахсларнинг визаси мавжуд бўлмаса ёки лойиҳа юзасидан келишмовчилик туғилган бўлса ва уни манфаатдор шахслар билан ҳал этиш имкони мавжуд бўлмаса, лойиҳага виза қўймасдан, мазкур масалани қонуний ҳал этиш бўйича ўз мулоҳазасини билдиради ёхуд лойиҳани тегишли бўлинмалар билан келишиш учун қайтариб юборади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқуқ ижодкорлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ҳуқуқий ишларнинг алоҳида бир қисмини ташкил қилади.

Давлат бошқаруви органлари ҳуқуқни қўллаш фаолиятида уларнинг низомлари муҳим аҳамиятга эга, чунки унда ушбу органлар

ўзларининг соҳасига тегишли бўлган қонун ҳужжатларини тўғри қўлланилиши учун масъуллиги белгилаб қўйилган. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг натижаси бўлиб ҳуқуқни қўлловчи ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш ҳисобланади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қабул қилинадиган ҳужжатлар умумий табиатга эга. Шу билан бирга уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларга ҳам мавжуд. Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг бир-биридан ажратиб турувчи мезонлар ҳисобланади: уларнинг вазифалари, қабул қилиш ва қонуний кучга кириш тартиби, ички таркиби ҳамда ташқи кўриниши(номи). Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинадиган ҳуқуқни қўлловчи ҳужжатларни ижтимоий муносабатларга индивидуал ҳуқуқий таъсир этиш воситаси сифатида ҳисобламоқ керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий вазифаси ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни ҳуқуқий нормаларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан иборат. Агарда ҳуқуқий норма ижтимоий муносабатларни ифодаловчи расмий, норматив, давлат-ҳокимият воситаси сифатида намоён бўлса, ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат муайян хусусий ҳолат учун тааллуқли бўлган индивидуал ҳужжат ҳисобланади.

Ҳуқуқни қўллашда юридик хизмат фаол иштирок этиши ва фақатгина маслаҳатлар бериш билан чекланиб қолмаслиги зарур. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик хизмат томонидан қонунчиликни қўллаш бўйича тушунтиришлар бериш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ўрин эгаллайди. Қонунчиликни бир хилда ва тўғри қўллаш учун доимо зарур бўлган ҳужжатлар намуналарини (бланкалар, шакллар ва ҳ.к.) ишлаб чиқилади (масалан, ходим ишдан бўшаётганда тўлдирадиган ҳужжатларнинг намуналари). Бундай намуналарнинг мавжудлиги хўжалик юритувчи субъект раҳбарини тезда ва тўғри қарорлар қабул қилишини таъминлайди.

3-§. Тармоқда бозор муносабатларини жорий этиш жараёнида юридик хизматнинг иштироки

Тармоқда бозор муносабатларини жорий этишда юридик хизмат асосий тузилма бўлиб ҳисобланади, чунки бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ва моҳиятини бошқа соҳа вакилларида кўра юридик хизмат ходимлари яхши ўзлаштириб олган бўлади. Тармоқда

бозор муносабатларини жорий этиш ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқади. Юридик хизматнинг тармоқда бозор муносабатларини жорий этишдаги роли бозор муносабатларини ўрнатишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорларини, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини тегишли даражада ижро этилишини таъминлаш, тармоқда бозор муносабатларини жорий этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, шартномавий муносабатларни ривожлантириш, муайян фаолият турлари бўйича тадбиркорлик субъектларига лицензиялар бериш ҳамда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда ўз ифодасини топади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226 сонли Фармонига мувофиқ фермер хўжаликлари истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қолиши ва ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда ғолибларни аниқлашда ҳолисликни таъминлаш ва талабгорлар ўртасида очик ва ошкора танловлар ўтказилиши учун чора-тадбирлар кўришлари лозимлиги белгилаб қўйилди.

Юқорида назарда тutilган фармон ва қарорлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш ҳамда тармоқда бозор муносабатларини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг юридик хизмати вазирликнинг тегишли бўлимлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва

сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 4 январдаги 1-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида”ги Низом киради.

Мазкур Низом билан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш тартиблари белгилаб берилди.

Юридик хизмат фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тегишли даражада ижро этилишини таъминлашда ҳам иштирок этиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш фақатгина унинг ижросини назорат қилиш орқали эмас, балки мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли муносабатларни етарли даражада ва тўлиқ тартибга солаётганлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги камчиликлар эса асосан уни қўллаш жараёнида дарҳол намоён бўлади. Масалан, “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандида танловда иштирок этиш ҳуқуқига қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг аъзолари, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари эга эканлиги кўрсатиб қўйилган. Низомнинг 23-бандида энг кўп якуний балл тўплаган талабгор танлов ғолиби деб эълон қилиниши айтилиб, агарда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси аъзосига имтиёз берилиши белгиланган. Бироқ Низомда қишлоқ хўжалиги корхонаси аъзоси бўлмаган талабгорларнинг баллари тенг бўлиб қолган ҳолларда танлов ғолибини аниқлаш тартиби ўз ифодасини топмаган. Оқибатда Низомдаги айнан мана шу камчилик танлов натижалари бўйича низолар келиб чиқишига олиб келган. Шунинг учун ҳам юридик хизмат бундай ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги камчиликларни унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали дарҳол бартараф этиш чораларини кўрмоғи лозим. Акс ҳолда мазкур салбий ҳолатлар тармоқда бозор муносабатларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Тармоқда бозор муносабатларини жорий этишнинг усулларида бири шу тармоқда шартномавий муносабатларни ривожлантиришдир.

Бироқ шартномавий муносабатлар давлат бошқаруви органларидан кўра, кўпроқ хўжалик бошқаруви органларида учрайди. Шунинг учун ҳам хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатларни ривожлантириш бўйича тегишли ишларни бажармоғи лозим, яъни хўжалик шартномаларини тузиш, ижро этиш, ўзгартириш, бекор қилиш тартиби, ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари, уни ижро этмаслик оқибатлари ва ижросини таъминлаш чоралари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориши керак.

Бироқ айрим қонун ҳужжатлари билан муайян давлат бошқаруви органларига тармоқда шартномавий муносабатларни ривожлантириш бўйича вазифалар юклатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарорига мувофиқ Адлия ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларни тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди. Демак, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг юридик хизмати томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши мазкур вазифани лозим даражада ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Тармоқда бозор муносабатларини жорий этиш давлат бошқаруви органлари (вазирликлар, қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар ва шу кабилар) томонидан хўжалик юритувчи субъектларга муайян фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар бериш жараёнида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси биржа ва баҳолаш фаолиятини юритиш учун лицензия берса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ва фармацевтика фаолиятини юритиш учун лицензия беради, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги эса телекоммуникация хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятларни юритиш учун лицензия беради..

Муайян фаолият турлари учун лицензия бериш ваколатига эга бўлган давлат бошқарув органи юридик хизматининг асосий вазифаларидан бири лицензия бериш жараёнида қонун талабларига риоя этилишини таъминлаб беришдан иборат. Агарда лицензия

бериш жараёнида қонун талаблари бузилса хўжалик юритувчи субъект лицензия ололмаслиги ва ўз фаолиятини бошлай олмаслиги мумкин. Оқибатда лицензия бериладиган соҳада фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўпаймади. Натижада ушбу соҳада монополистик фаолият бошланади ёки мазкур соҳани ривожлантириш учун бюджет маблағларини жалб этишга тўғри келади. Лицензия олиш учун қўйилган талабларга жавоб бера олмаган хўжалик юритувчи субъектга лицензия бериш эса фуқароларнинг соғлиғига ва мулкига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Юридик хизмат лицензия бериш учун масъул бўлган мансабдор шахсга лицензия бериш тартибини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларининг мазмунини тушунтириб бериши лозим. Энг муҳими юридик хизмат лицензия талабгоридан лицензия бериш тартибини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб этилишига йўл қўймаслиги лозим.

Юридик хизмат лицензия бериш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб бериш билан чекланиб қолмасдан, хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олишига тўсқинлик қилаётган бюрократик омилларни аниқлаши ҳамда мазкур тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, лицензия бериш жараёнини соддалаштириш бўйича таклифларни раҳбарият муҳокамасига киритиши керак.

Тармоқда бозор муносабатларини жорий этиш бевосита давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни билан боғлиқдир. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларини давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида етарли даражада иштирок этмаслиги шу тармоқда иқтисодий ислохотларни етарли даражада ривожланмаслигига олиб келади. Шунинг учун давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати мазкур жараёнда фаол иштирок этишлари лозим. Айнан юридик хизмат ходимлари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳақида ҳуқуқшунос сифатида етарли маълумотга эга бўладилар. Юридик хизматнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки кейинги мавзуларда батафсил ёритиб берилади.

4-§. Юридик хизматнинг шартнома ва талабнома-даъво ишларини ташкил қилишдаги иштироки

Бозор муносабатлари шароитида турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни самарали тартибга солиш шартнома воситасида амалга оширилади. Шартномалар ичида хўжалик шартномалари муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик шартномаси деганда, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув тушунилади.

Хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашни бошқарув органлари юридик хизматининг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юридик хизмат тўғрисидаги Низомда бошқарув органи юридик хизмати хўжалик шартномалари ролини ошириш ва унинг бажарилиши учун масъулиятни кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни кўриши белгилаб қўйилган. Юридик хизмат мазкур вазифани қуйидаги йўллар орқали амалга оширади:

- шартнома ишларини ташкиллаштириш бўйича услубий кўрсатмалар ҳамда муайян соҳаларнинг хусусиятларини эътиборга олувчи шартнома намуналарини ишлаб чиқиш;

- шу бошқарув органига қарашли бўлган хўжалик юритувчи субъектларда шартнома ишлари ва шартнома интизомига риоя қилинаётганлигини текшириш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда текширув натижаларини бошқарув органи раҳбарига ва ҳайъатига тақдим этиш;

- тизимда шартномаларни тузиш ва ижро этиш бўйича ижобий тажрибани кенг татбиқ этиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни шартномаларни тузиш ва ижро этиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш.

Ҳозирги пайтда деярли барча давлат ва хўжалик бошқарув органларида ўзларига қарашли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун шартнома ишларини ташкиллаштириш бўйича йўриқномалар, низомлар, соҳавий стандартлар, услубий кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳукумат томонидан бошқарув органларига шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

Айрим бошқарув органларида хўжалик шартномаларини ўз вақтида ва сифатли тузиш ҳамда ижро этиш учун юридик хизмат ташаббуси билан ишчи гуруҳлар тузилган. Ишчи гуруҳ таркибига марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг барча раҳбарлари, шу жумладан юридик хизмат ҳам киради. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

а) қонунчиликда белгиланган муддатларда хўжалик шартномаларининг тузилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

б) шартномани тузиш ва у бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича бошқарув органи марказий аппаратидаги ишларни мувофиқлаштириш;

в) шартномани расмийлаштириш ва шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича масалаларни комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

г) мунтазам равишда шартномаларнинг ижро этилишини муҳокама қилиш, умумлаштириш ҳамда ушбу масала юзасидан ижобий тажрибани оммалаштириш.

Ишчи гуруҳ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятга эга: ўзига қарашли бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан шартномаларни тузиш ва уни ижро этиш билан боғлиқ ахборотларни талаб қилиб олиш; марказий аппарат таркибий бўлинмаси ва бошқарув органига қарашли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартномаларни тузиш ва уларни ижро этиш юзасидан ҳисоботларини тинглаш; шартномаларни тузиш ва ижро этиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шартномавий алоқаларни ташкиллаштиришни такомиллаштириш ҳамда истеъмолчиларнинг талабларини қаноатлантириш билан боғлиқ масалаларни бошқарув органи ҳайъатига ва раҳбариятига муҳокама этиш учун киритиш.

Шартномавий ишларни ташкиллаштириш учун шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг сабабини аниқлаш учун тегишли тартибда таҳлилий ишлар олиб борилишини талаб этилади. Бунда шартнома мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш-техник, ташкилий, молиявий, ҳуқуқий ва шу каби омиллар ўрганиб чиқилади. Шунингдек, бу борда қонунчиликни қўллаш амалиётини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий таҳлил этишда юридик хизмат етакчи ўринни эгаллайди. Юридик хизмат

ҳуқуқий таҳлил ўтказишда шу масала юзасидан ҳўжалик судлари, прокуратура ва бошқа органларнинг материалларидан кенг фойдаланади.

Шартномавий ишлар бўйича текширувлар ўтказишда юридик хизмат қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратади:

1) шартномавий-ҳуқуқий ишларни ташкиллаштириш бўйича локал ҳужжатлар мавжудлигини;

2) ҳўжалик шартномаларини ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;

3) бошқарув органига қарашли бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилмаслик сабабларини ўрганиш;

4) контрагентлар томонидан шартнома мажбуриятларини бузиш ҳолатларининг тўлиқ аниқланганлиги, ўз вақтида талабнома-даъво ҳужжатларини расмийлаштириш, шартнома ва талабнома-даъво ишларини яхшилаш учун юридик ёрдам кўрсатиш;

5) ҳўжалик юритувчи субъект юридик хизматининг шартномавий ва талабнома-даъво ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатларини ишлаб чиқишда, қонунчиликдаги ҳамда ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шартномавий ишларни такомиллаштириш.

Текширишнинг аниқ натижаларидан келиб чиққан ҳолда шартномавий ишлардаги камчиликлар ҳайъат мажлисларида муҳокама этилади, уларни бартараф этиш юзасидан махсус буйруқлар чиқарилади, тегишли ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатмалар юборилади.

Шартнома интизомини мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан бири ҳўжалик раҳбарлари, мутахассислар ҳамда юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқий тарбиясини янада яхшилашдир. Бунда асосан ҳўжалик қонунчилигини ва айниқса уни қўллаш амалиётини тарғибот қилиш муҳим ўрин тутди.

Аксарият бошқарув органларида мазкур фаолият марказий аппаратнинг юридик хизматиға юклатилади. Бунда юридик хизмат юқорида айтиб ўтилганидек, тизимда шартномаларни тузиш ва ижро этиш бўйича ижобий тажрибани оммалаштиради, тармоқдаги ҳўжалик юритувчи субъектларни зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди, тизим юридик хизмат ходимларининг семинар - кенгашларини ва малака оширишларини ташкиллаштиради.

Айрим вазирлик ва идоралар ўзларига қарашли хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз вақтида тегишли шартномаларнинг тузилишини ва улар юзасидан вақтида мажбуриятларнинг бажарилишини, сифатсиз товарларнинг чиқарилишини ва юкланишини, уларни етказиб беришдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда ҳисоб-китоб интизомини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўришмайди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик низоларининг кўплигининг сабаби шундаки, соҳавий бошқарув органларининг аксарияти мазкур низоларнинг моҳиятини чуқур тушуниб етишмайди ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишмайди. Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари эса низоларни ҳал этишнинг талабнома тартибига риоя этишмайди, асослантирилган талабларни ўз вақтида қондириш чораларини кўришмайди ёки келиб тушган талабномаларга умуман жавоб қайтаришмайди.

Бошқарув органларида шартномавий ишларни бошқариш даражасини бир хил деб бўлмайди, чунки бу бевосита ҳар бир органнинг имкониятларига ҳамда у ердаги ходимларнинг малакасига боғлиқ. Бунда асосий вазифа юридик хизматга юклатилган бўлиб, бошқарув органининг бошқа бўлинмалари мазкур вазифани бажаришдан четлаштирилган бўлишади. Бошқарув органининг бошқа бўлинмалари юридик хизмат билан ўзаро ҳамкорликда ишлаши шартномавий ишларни яхши йўлга қўйилишига олиб келади.

Шартнома интизомига риоя эришнинг асосий кафолатларидан бири зарар кўрган тараф томонидан шартнома шартларини бузган тарафни мулкый жавобгарликка тортиш имкониятининг мавжудлигидадир. Ҳозирги пайтда амалдаги қонунчилик бўйича шартнома шартларини бажармаганлик учун пеня ва жарима кўринишида неустойка белгиланган. Бироқ амалдаги қонунчиликда судларга неустойка миқдорини узил-кесил ҳал этиш ҳуқуқи берилган.

Ҳозирги иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда бошқарув органларига қарашли бўлган хўжалик юритувчи субъектларга чет эл ташкилотлари ва корхоналари билан иқтисодий ва илмий техник алоқалар олиб борилишида юридик ёрдам кўрсатиш бошқарув органи юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бошқарув органининг юридик хизмати доимо судлар амалиётини ва айниқса, хўжалик судларида кўрилган ишларни таҳлил этиб боришлари лозим, чунки судларда ҳар доим ҳам бир хил низолар

кўрилавермайди ва юридик хизмат ходими судда кўрилган янги низолардан воқиф бўлиши ва ўзи фаолият юритаётган тармоқда бундай низоларни келиб чиқишини олдини олишлари мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, юридик хизмат ходимларнинг малакали бўлиши, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада таъминланганлиги, қонунларнинг амалда қўлланилишини доимо таҳлил қилиниб ва тизимлаштирилиб борилиши, ташкилий-ҳуқуқий асос учун зарур бўлган шарт-шароит яратилиши шартномавий ишларни тўғри йўлга қўйилишига олиб келади.

5-§. Юридик хизматнинг мулкни сақлашни таъминлашдаги ҳамда давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдаги иштироки

Бозор муносабатлари турли мулк шакларининг мавжудлигига ҳамда уларнинг иқтисодиётда тутган ўрнига асосланган. Собик иттифоқ даврида мулкнинг давлат ва колхоз-кооператив шакллари мавжуд бўлгани билан амалда колхоз-кооператив мулки ҳам давлатники ҳисобланар эди. Давлат мулки Конституцияда умумхалқ мулки дейилгани билан, амалда у ҳеч кимники ва эгасиз эди. Ҳатто, уни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган жиноий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий таъсир чоралар деярли самара бермас эди.

Мулк шаклларининг бирортасини монопол мавқеига эга бўлиши бозор иқтисодиёти учун хос хусусият эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни ҳар қандай мулк шаклининг тенглигини белгилаб, тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл очиб берди. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун асосида давлат мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни қисқартириб борилди. Бироқ бу ерда бир томонлама фикр юритмаслик лозим, яъни давлат мулкнинг роли ва аҳамиятини инкор этиб, ундан бутунлай воз кечмаслик лозим. Муайян соҳаларда (яъни, мудофаа, фанда ва шу қабиларда) давлат мулкнинг мавқеи сақланиб қолиниши лозим. Давлат мулкнинг шундай объектлари ҳам мавжудки, улар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди. Шу билан биргаликда иқтисодиётнинг айрим соҳаларида давлат мулкига асосланган ишлаб чиқариш шакллари ҳали бутунлай бекор қилингани йўқ. Демак,

жамият мулкининг асосини ташкил этадиган давлат мулки бозор муносабатларига ўтиш даврида жамиятнинг раванқ топиши ва ривожланишининг манбаи сифатида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу эса ўз навбатидан унинг тегишли даражада сақланиши ва муҳофаза этилиши билан бевосита боғлиқ.

Мулкнинг сақланишини таъминлашни кенг ва тор маънода кўриб чиқиш мумкин. Кенг маънода бу шундай фаолият бўлиб, унда ташкилотнинг оператив бошқарувида бўлган моддий бойликларни иқтисодий, ташкилий, мафкуравий, ҳуқуқий воситалар ва усуллар орқали муҳофаза қилишдир. Тор маънода – бу моддий бойликларни ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилишдир. Ушбу фаолиятнинг моҳияти ваколатли давлат органлари томонидан моддий бойликларни ишлаб чиқаришда, тақсимлашда, айирбошлашда ва истеъмол қилишда ваколат берувчи ҳамда мажбурловчи нормаларнинг белгиланишида намоён бўлади. Давлат органларига моддий бойликларни тақсимлашда хўжасизлик ва талон-торожни бартараф этиш учун моддий бойликлар ҳисобини юритиш, улар юзасидан ҳисобот топшириш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш вазифаси юклатилган.

Давлат мулкни муҳофаза этиш масалалари ва унда юридик хизматнинг вазифалари юридик адабиётларда кенг ёритиб борилади. Мазкур масала доимо адлия органларининг диққат марказида туради ҳамда улар ушбу масала юзасидан турли услубий қўлланмалар тайёрлаб боришади. Бироқ уларда асосан хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг хўжасизликни бартараф этиш ҳамда давлат мулкининг бутлигини таъминлаш бўйича қўлланадиган ҳуқуқий воситаларнинг шакли, усули, асосий фаолият йўналишлари ҳамда тажрибаси ёритилади.

Юридик хизмат давлат мулкни сақлаш ва муҳофаза қилиш йўналишида катта ишларни амалга оширади, бироқ олимлар ҳамда амалиётчи-ҳуқуқшунослар томонидан ушбу йўналишдаги юридик хизмат фаолиятига етарли эътибор берилмаяпти. Шунинг учун ҳам бошқарув органи юридик хизматининг ушбу йўналишдаги фаолияти масалаларига батафсил тўхталиб ўтиш зарур.

Вазирлик ва идораларнинг давлат мулкни сақлаш бўйича амалга оширадиган фаолиятининг асосий мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

биринчидан, давлат мулкни бошқариш билан боғлиқ масалаларга раҳбарлик қилиш;

иккинчидан, умумий ва махсус назорат функцияларни амалга ошириш.

Вазирлик ва идораларнинг давлат мулкани сақлашдаги функциялари уларнинг низомларида бевосита ўз ифодасини топган. Вазирлик ва идораларга ушбу вазифа юкланиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кейинчалик давлат мулкани бошқариш билан боғлиқ бўлган қонунчиликни такомиллаштирилишидан далолат беради.

Бошқарув органларининг мулкни сақлашдаги фаолияти ички хўжаликдаги мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашда намоён бўлади. Ҳуқуқӣ ишлар юқори савияда бўлган тизимларида омбор хўжаликлари ишини ташкил этиш, моддий бойликларни сақлаш ҳамда бўлинмалар ўртасидаги мулкӣ муносабатларнинг тартиби ва шартларини белгилаб берувчи ички идоравий норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар (йўриқномалар, низомлар ва ҳ.к.) ишлаб чиқилган бўлади.

Юридик хизмат тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқарув органи юридик хизматининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқӣ воситалар орқали мулкни сақланишини таъминлашдан иборат. У ушбу вазифани қуйидаги шаклдаги ишларни бажариш орқали амалга оширади:

- моддий жавобгарлик, хизмат текшируви, камомад, растрата ва талон-торожга оид ҳужжатларни тергов ва суд органларига топшириш, етказилган зарарни қопланишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги ва шу каби идоравий норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

- комплекс тафтишларда иштирок этади ва моддий бойликларнинг талон-торож этилиши, камомади ҳамда ишдан чиқиши юзасидан тузилган ҳужжатларга ҳуқуқӣ баҳо бериш учун тафтиш далолатномаларини ўрганиб чиқади;

- моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаларига хулоса беради;

- моддий зарар етказилиши билан боғлиқ ишларни суд-тергов органларида кўриб чиқилишини ва етказилган зарарни ўз вақтида ундирилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

- бошқарув органига қарашли бўлган хўжалик юритувчи субъектларда мулкни сақланиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқӣ ишлар қай даражада йўлга қўйилганлигини текшириб туради ва тегишли таклифлар киритади;

-бошқа бўлим ёки бўлинмалар билан биргаликда катта миқдордаги талон-тороғ, камомадларни ҳамда дебиторлик қарзларини вужудга келиш сабабларини ўрганиб чиқади ва ушбу масалаларни ҳал этиш учун ҳужжатларни бошқарув органининг раҳбариятига тақдим этади;

-давлат мулки объектларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини назорат қилишда иштирок этади.

Мулк сақланишини таъминлаш ишлари бир неча фаолият орқали амалга оширилиши мумкин, яъни ҳуқуқбузарликни огоҳлантириш, қонун ҳужжатларини бузилиш фактларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва зарурат бўлганда юридик жавобгарликка тортиш.

Мулк сақланишини таъминловчи асосий воситалардан бири тафтиш ўтказишдир. Тафтиш бошқарув органининг назорат-тафтиш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Комплекс тафтишда бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда юридик хизмат ходимлари ҳам иштирок этишади. Тафтишнинг натижаси бевосита тафтиш баённомасида ўз ифодасини топади. Юридик хизмат бундай тафтишда иштирок этиш орқали мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқади. Юридик хизмат тафтиш далолатномасига хулоса бериш орқали ундаги хулоса ва таклифлар амалдаги қонунчиликка зид эмаслигини ва жавобгар шахслар доираси тўғри белгиланганлигини текшириб чиқади.

Бошқарув органининг юридик хизмати моддий ва маънавий эскирган жиҳозлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, қарзлар, камомадлар ва шу кабилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилишида иштирок этади. Юридик хизматнинг мазкур вазифани бажаришдаги асосий функцияси мансабдор шахслар томонидан моддий қимматликларни ҳисобдан чиқариш тартибига тўлиқ риоя этилаётганлигини таъминлаш ҳамда қайтариб олиниши мумкин бўлган қарзларни ёки ундириб олиниши мумкин бўлган зарарларни, камомадни ҳисобдан чиқарилишига йўл қўймаслик ва айбдор бўлган шахсларни ўз вақтида жавобгарликка тортиш чораларини кўришдан иборат.

Мулкка қилинадиган тажовузларга қарши курашишда ҳар қандай ташкилий, молиявий ҳамда ҳуқуқий воситалар қўлланилиши мумкин. Бунда айниқса республика бошқарув органлари юридик хизматининг иш тажрибаси катта роль ўйнайди, чунки айнан юридик хизмат бухгалтерия билан биргаликда қарздорлар ва улардан

ундирилган суммалар миқдори тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда доимо текширишлар ўтказиб туради, камомад, растрата ва талон-торож тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда мулкий ундирувни амалга ошириш тўғрисидаги суд қарорларини ижросини назорат қилиб туради.

Бошқарув органлари мулк сақланишини таъминлаш учун турли ҳуқуқий механизмлардан фойдаланади. Масалан, “Ўздонмахсулот” акциядорлик компаниясида қуйидаги амалиёт йўлга қўйилган эди, яъни бошқарув органининг бухгалтерияси ярим йиллик ҳамда йиллик ҳисобот топшираётганида камомад, растрата ва талон-торож бўйича тузилган инвентаризация далолатномасини юридик бўлимга топширади. Юридик хизмат мазкур далолатнома орқали камомад, растрата ва талон-торож қилинган моддий бойликлар юзасидан материаллар нега ўз вақтида суд-тергов органларига топширилмаганлигини, шунингдек суд-тергов органларига ушбу юзасидан топширилган материаллар нега ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги сабабларини аниқлайди. Бунинг учун суд-тергов органларига мурожаат этилади, шунингдек, суд ҳужжатларини ижроси билан шуғулланувчи ташкилотларга ижро варақларининг ижроси юзасидан сўровномалар юборади.

Аксарият вазирлик ва муассасаларда давлат мулкани сақланишини таъминлаш мақсадида махсус комиссиялар ташкил этилган. Комиссия бошқарув органи раҳбарининг ўринбосари томонидан бошқарилади. Комиссия таркибига бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда марказий аппарат юридик хизматининг раҳбари ҳам киритилади. Комиссия доимо моддий бойликларнинг камомади, талон-торож этилиши, растрата қилиниши, ишдан чиқиши ва асоссиз харажатларнинг сабабларини таҳлил этиб чиқади ҳамда уларнинг олдини олиш ҳамда етказилган зарарларнинг ўз вақтида қопланиши чораларини кўради. Комиссия томонидан ишлаб чиқилган таклифлар бошқарув органининг буйруқлари орқали амалиётга татбиқ этилади. Юридик хизматнинг тақдимномасига асосан айбдор шахслар интизомий ва моддий жавобгарликка тортилади, моддий бойликларнинг камомади ҳамда уларнинг асоссиз равишда меъёридан кўп сарфланиши бўйича иш материаллари суд-тергов органларига тақдим этилади.

Мулк сақланишини таъминлашнинг асосий усуллари билан биричунки идоравий назорат бўлиб ҳисобланади. Ушбу назоратнинг

шаклларидан бири бўлиб бошқарув органига бўйсунувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб туришдир.

Мулк сақланишини таъминлашнинг кўпгина усуллари ва воситалари мавжуд бўлгани билан, ҳанузгача иқтисодиётига талон-торож, камомад ва мулкни ишдан чиқариш орқали катта миқдорда зиён етказилмоқда. Бу бевосита етказилган зарар учун ходимларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчиликни етарли даражада қўлламаслик, моддий жавобгар бўлган шахсни ишга қабул қилишда тўлиқ моддий жаобгарлик тўғрисидаги шартномани етарли даражада расмийлаштирмаслик ва ушбу шартномани ижро этиш тартибларини бузиш билан боғлиқ. Шунингдек, булар қаторига тизимда ўз вақтида молиявий-хўжалик фаолият бўйича тафтиш ўтказмаслик, сифатсиз инвентаризация ўтказиш, моддий бойликларни олиб келишдаги, сақлашдаги, қабул қилишдаги ҳамда ҳисобини юритишдаги камчиликлар, ишлаб чиқариш ҳисобидан зарарларни асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш, тафтиш бўйича материалларини ўз вақтида тергов-суд органларига юбормаслик ҳамда суд-тергов органларига юборилган материаллар ва суд ҳужжатлари ижроси юзасидан қатъий назоратнинг ўрнатилмаганлиги ҳам киради.

Шу билан биргаликда мулк сақланишини таъминлаш билан боғлиқ айрим масалаларни ҳал этишга бошқарув органи ҳамда унинг юридик хизмати қодир эмас. Бунинг учун бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиши, шунингдек, олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа назорат органларининг иқтисодиётдаги юридик хизмат фаолиятини ва ҳуқуқий ишларни яхшилаш масалаларига эътибори кучайтирилиши лозим.

Давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришда қонунийликни таъминлаш бевосита юридик хизматнинг иштироки орқали амалга оширилади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати ана шу бошқарув органларининг вазифаси ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида турли даражада иштирок этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

325-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ мазкур қўмитанинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат мулкани бошқариш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш ҳамда мулкӣ муносабатларни ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштиришга доир таклифларни шакллантириш;

- манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларини жалб этган ҳолда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат дастурларига киритилмаган давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат мулкани бошқаришни ташкил этиш соҳаларида методик раҳбарликни амалга ошириш;

- давлат мулкани хусусийлаштириш шартлари ва шакллари тўғрисида қабул қилинадиган қарорларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш;

- сотувчи функцияларини бажарган ҳолда давлат мулки объектларини сотишнинг бошланғич нарҳини тасдиқлаш ва уларни танловлар ҳамда ким ошди савдоларига қўйиш;

- янги мулк эгасига хусусийлаштирилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи далолатнома бериш;

- инвесторларнинг қабул қилинган инвестиция мажбуриятларига мувофиқ инвестицияларнинг тўлиқ тушиши мониторингини амалга ошириш;

- давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида ташкил этиладиган хўжалик жамиятларининг муассиси (қатнашчиси), шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат иштирокида ташкил этиладиган бошқа юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси номидан муассиси бўлиш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш масалалари юзасидан шикоят ва аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

-ўз ваколатлари доирасида давлат мулки объектларини хусусийлаштириш, бошқариш ва тасарруф этиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш чораларини кўриш, давлат бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ва айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъволар тақдим этиш, шунингдек, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жўнатиш;

- давлат мулкини бошқариш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Агарда кўмитанинг юқорида санаб ўтилган функцияларини диққат билан таҳлил этсак, уларнинг деярли барчаси юридик хизматнинг “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган вазифалари билан боғлиқлиги кўринади. Масалан, кўмита томонидан ўз ваколатлари доирасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қабул қилинадиган қарорларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва уларга виза қўйиш юридик хизмат томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 368-сонли Қарорида корхонани инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул олган инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда, бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгилаб қўйилган. Инвестор томонидан хусусийлаштирилган объектлар бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганда кўмита юридик хизмати судга даъво қўзғатиш йўли билан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни бекор қилиш бўйича чора кўриши мумкин.

Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш ва тасарруф этиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш чораларини кўриш, давлат бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъволар тақдим этиш, шунингдек, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жўнатиш ҳам бевосита кўмитанинг юридик хизмати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг Низомидан мазкур давлат бошқарув органига давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ваколатлари берилганлигини кўриш мумкин. Бироқ бундан бошқа давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида иштирок этмайди ва шунинг учун уларнинг юридик хизмати мазкур йўналишда фаолият олиб бормайди, деган фикрга бормаслик лозим. Бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳам ўзларининг функциялари ва вазифаларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-136-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисида”ги Низомда вазирликнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги функциялари санаб ўтилган. Улардан бири йирик корхоналарни хусусийлаштириш бўйича танловлар ташкил этишда қатнашишдир. Айнан вазирликнинг ёрдами орқали хусусийлаштириш жараёнига чет эл инвесторлари жалб этилади. Вазирликнинг юридик хизмати эса хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш истагини билдирган хорижий инвесторларни зарур бўлган ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлайди ва энг муҳими чет эллик инвестор иштирок этаётган танловларнинг қонуний ўтказиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-66-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомда ҳам қўмитага давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича муайян вазифалар юклатилган. Бу вазифаларга қуйидагилар киради:

-йирик монополистик корхоналарни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш, улар негизида ички ва ташқи бозорларда самарали рақобат қила оладиган хусусий мустақил ишлаб

чиқаришларни ташкил этиш бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-табiiй монополия тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва улардан рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсата оладиган корхоналарни ажратиб олиш ҳамда хусусийлаштиришни назарда тутадиган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Мазкур вазифаларни бажарилишини ҳуқуқий таъминлаш қўмита юридик хизмати томонидан амалга оширилади.

Хўжалик бошқаруви органларининг ваколатлари давлат бошқаруви органларининг ваколатларидан тубдан фарқ қилганлиги боис уларнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки ўзига хос хусусиятга эга. Мазкур хусусият шундаки, хўжалик бошқаруви органларига мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ваколатлари берилмаган, аммо хўжалик бошқаруви органлари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида икки хил шаклда, яъни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ҳамда у бўйича ишлаб чиқиладиган дастурларга таклифлар киритиш орқали ёки давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектларини сотиб олиш (яъни давлат корхоналарининг акцияларини ёки давлат корхонасини мулкый комплекс асосида сотиб олиш) орқали иштирок этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва уни хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатиш борасидаги имкониятларини янада ривожлантириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ижтимоий соҳа объектлари ва йирик корпоратив мижозларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонавий ахборот технологияларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш жараёнига хорижий иштирокчиларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг “UzPAK” маълумотларни узатиш давлат тармоғи корхонасини “Ўзбектелеком” акциядорлик

компаниясига қўшиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, дейилган. Бу ердан кўриниб турибдики, хўжалик бошқаруви органи бўлган “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси бошқа давлат бошқаруви органлари билан бирга давлат корхонасини хусусийлаштириш таклифи билан чиққан ва бу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган. Мазкур қарорда, шунингдек “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “UzPAK” корхонасининг шартномалари ва мажбуриятлари ҳамда молия институтларидан олган кредитлари бўйича ҳуқуқий вояси эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, қарор билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига “UzPAK” корхонаси мулкини “Ўзбектелеком” АК устав жамғармасига топширишни расмийлаштириш вазифаси юклатилди. Мазкур вазифаларни қонун талабларига мувофиқ бажариш хўжалик бошқаруви органи юридик хизмати томонидан амалга оширилади.

Хўжалик бошқаруви органлари ёки уларнинг таркибига кирувчи корхоналар мулкни оловчи субъектлар сифатида хўжалик ширкати ва жамиятларига айлантирилган давлат корхоналарининг устав фондидаги улушларини ва акцияларини харид қилиш ёки давлат корхоналарини мулкый комплекс сифатида сотиб олиш орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишлари мумкин. Бундан ташқари, хўжалик бошқаруви органларининг вакиллари давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) бўйича тузиладиган Комиссиялар таркибига киритилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2002 йил 13 майдаги ИУ-01/52-сон қарори билан тасдиқланган “Инвестиция мажбуриятлари қийматини объектнинг нархига қўшиш шарти билан икки ва ундан ортиқ йил мобайнида сотилмаган корхона ва яхлит объектларнинг акцияларини, улушларини(пайларини) инвесторларга сотиш тўғрисида”ги Низомнинг 5-6-бандларида мазкур тоифадаги объектларни сотиш Давлат мулки қўмитаси томонидан ташкил қилинадиган тендер Комиссияси томонидан амалга оширилиши ва мазкур тендер комиссияси таркибига тармоқ ассоциациялари, концернлари ва корпорациялари жалб этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат корхонасини хўжалик ширкати ёки

жамиятига айлантириш, давлат мол-мулкани танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки қуйидагиларда намоён бўлади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурлар ҳамда таклифларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлигини таъминлаш.

- давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқаришга (хусусийлаштиришга) тайёрлашни амалга оширувчи комиссиянинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ёки уларнинг фаолиятида иштирок этиш;

- ваколатли давлат бошқаруви органларининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва уларга виза қўйиш;

- давлат тасарруфидан чиқариладиган (хусусийлаштириладиган) объектларнинг қийматини аниқлашда қонунийликни таъминлаш;

- давлат мулки объектларининг янги мулкдорларига хусусийлаштириш (олди-сотди) шартномаси шартлари бажарилмаслигининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш;

- давлат тасарруфидан чиқариладиган (хусусийлаштириладиган) объектлар бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

- хусусийлаштирилган объектлар бўйича мулкни олувчи (яъни, инвестор) томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганида уларга расмий тақдимнома юбориш орқали шартнома шартларининг ижро этилишини таъминлаш;

- инвестор томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда судга даъво қўзғатиш орқали хусусийлаштириш юзасидан тузилган шартномани бекор қилиш бўйича чора кўриш;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича мансабдор шахслар томонидан чиқарилган ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш чораларини кўриш;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида қонун бузилишлари ҳолатларини олдини олиш ҳамда айбдор

мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга тақдим этиш.

6-§. Юридик хизмат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматининг асосий вазифаларидан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олинишини ва уларнинг сақланишини ташкил этишдан иборат. Мазкур вазифа қанчалик яхши ташкил этилган бўлса, юридик хизмат шунчалик самарали фаолият кўрсатади, яъни бунда ҳуқуқий масалани ҳал этиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тезда топиш имконияти яратилади. Бу эса юридик хизмат ходимининг вақтини тежайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати асосан ўзларининг соҳасига тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олинишини таъминлайди ҳамда уларнинг сақланишини ташкил этади. Муайян давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ тартибли ҳисобга олинишини фақатгина шу органларнинг юридик хизматлари амалга ошира олади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олиш ва сақлаш уларнинг юридик кучидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунда қонунлар, фармонлар, қарорлар, давлат

бошқаруви органларининг ҳужжатлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибли ҳисоби бир-биридан ажратилган ҳолда амалга оширилиши керак. Шу билан биргаликда давлат бошқаруви органларининг сони кўп бўлганлиги сабабли, улар томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисоби ҳам бир-биридан ажратилган ҳолда юритилиши ва сақланиши лозим, яъни Молия вазирлиги томонидан чиқарилган ҳужжатлар Давлат солиқ қўмитасининг ёки Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳужжатлари билан қўшиб юборилмаслиги лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки хил кўринишда тартибли ҳисобини амалга ошириш мумкин. Биринчисида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисоби уларнинг қабул қилинган вақти ҳамда тартиб рақамига мувофиқ юритилади.

Иккинчисида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисоби муайян соҳалар бўйича юритилади. Масалан, солиқ қонунчилиги, молия қонунчилиги, хўжалик шартномалари билан боғлиқ қонунчилик, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ва шу кабилар. Бунда керакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни топиш учун у қабул қилинган вақт ва санани билиш талаб этилмайди, балки шу норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайси муносабатларни тартибга солишини билишнинг ўзи етарли бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муайян соҳалар бўйича тартибли ҳисобини юритиш айрим ҳолларда қийинчилик туғдириши мумкин. Масалан, аксарият ҳолларда битта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бир нечта соҳага оид қоидалар ўз аксини топган бўлади. Бундай вазиятда юридик хизмат ходими уни қайси соҳага жойлаштиришга иккиланиб қолади. Мазкур вазиятда бир нечта соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибли ҳисобини ҳар бир соҳа бўйича алоҳида-алоҳида юритилиши мақсадга мувофиқ.

Юридик хизмат фақатгина расмий манбаларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисобини юритишлари лозим. Амалдаги қонунчиликка кўра “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларининг тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг расмий нашри Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий нашрлар бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда кенг тарқалаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон вариантлари расмий манба бўла олмайди.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожлангани сайин амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб боришга эҳтиёж туғилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш уларнинг матнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларнинг янги таҳририни қабул қилиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисобини юритишда уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда юридик хизмат муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатини олиши билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни белгилаб қўйиши лозим. Мазкур ҳолатда юридик хизмат ўзгартириш ва қўшимча киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аввалги матнини, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолатдаги матнини ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатининг матнини биргаликда сақлаши мақсадга мувофиқ. Агарда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинган ҳолатда ҳам унинг эски, яъни ўз кучини йўқотган таҳрири сақлаб қолиниши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эски таҳририни сақлаб қолишдан мақсад айрим ҳолларда бир неча йил ёки бир неча ой аввал бўлиб ўтган ҳуқуқий муносабатлар бўйича низолар келиб чиқиши мумкин.. Бироқ айрим ҳолларда мазкур муносабатларни шу пайтда тартибга солган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнига ўзгартириш ва қўшимча киритилган бўлади ёки ўша ҳужжат ўз кучини йўқотган бўлади. Бундай ҳолатда келиб чиққан низони ҳал этиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг эски матнига ёки ўз кучини йўқотган

матнига мурожаат этиш талаб этилади. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Демак, қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эски матнлари билан тартибга солинган муносабатлар юзасидан келиб чиққан низоларни шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ёки янги таҳрири матни қоидалари асосида ҳал этишга йўл қўйилмайди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати ўзларининг тармоқларига оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон базасини яратиб боришлари уларнинг иш фаолиятларини енгиллаштиришга олиб келади. Ҳозирги пайтда аксарият давлат бошқаруви органларининг юридик хизмати тижоратчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатларининг электрон базасидан фойдаланишмоқда. Бироқ мазкур ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган қонун ҳужжатларининг электрон базасини расмий ва мукамал деб бўлмайди.

Қонун ҳужжатларининг расмий ҳисобланган базасини шакллантириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигига топширилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Адлия вазирлиги мазкур вазифани қуйидаги функцияларни бажариш орқали амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини туркумлаш ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкини (фондини) шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси тармоқ қонунчилигининг умумҳуқуқий классификаторини ривожлантирилишни амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар бериш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилаш ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг улардан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга ошириш;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилаш, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чоратадбирларини кўриш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисобини юритиш ишларини адлия органлари билан ҳамкорликда олиб боришлари лозим.

VI БОБ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ЮРИДИК ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳаллий вакиллик ҳамда ижроия ҳокимиятидан иборат бўлиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари эса ижроия ҳокимият органи ҳисобланади. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига мувофиқ қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида уларнинг ваколатлари аниқлаштирилиб, унга кўра халқ депутатлари Кенгаши қуйидаги асосий ваколатларга эга:

- ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболига мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

- амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

- ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини тинглаш;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;

- халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

- халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш;

-қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;

-ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа тузулмавий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;

-халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

-ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

- ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик тузулмасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш киради.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари эса қуйидаги ваколатларга эга:

- қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этиш;

- жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан

боғлиқ чора-тадбирлар кўриш, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этиш;

- вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этиш;

- ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти таркибий бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этиш;

- ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

- қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилиш ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

- раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти таркибий бўлинмаларининг ишини назорат қилиш;

- халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритиш;

- давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқиш ва таклифлар киритиш;

- республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўриш;

- аҳолини қабул қилишни ташкил этиш, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқиш.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкани бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл

хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига амалдаги қонунчилик бўйича берилган ваколатлардан уларнинг фаолияти жуда кенг қамровли эканлигини кўриш мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонунийликни таъминлаш ва бошқа ҳуқуқий ишларни амалга ошириш мақсадида ҳокимлик аппарати тузилмасида юрисконсулт лавозими назарда тутилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг юқорида санаб ўтилган ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал этишга қаратилган барча фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб беришни ташкил қилиш лозим. Бунда юридик хизмат асосан қуйидаги йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширади:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мулкни сақлаш, молиявий ресурсларини шакллантириш, мулкни хусусийлаштиришда ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қонунийликни таъминлаш;

- шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ва бошқа органларда ҳимоя қилиш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган ёки чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- биринчиси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар;

- иккинчиси, ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган қарор ҳамда фармойишлар.

Халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари уларнинг асосий иш шакли бўлмиш сессиялари даврида қабул қилинади. Сессия муҳокамасига киритилаётган қарор лойиҳалари Кенгашнинг комиссиялари ва ҳокимликнинг бошқа тузилмалари томонидан

юримдик хизмат иштирокида тайёрланади ва сессиядан олдин депутатларга тарқатилади.

Иккинчиси, бу ҳокимлар томонидан қонунлар ва юқори турувчи давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ижросини ҳамда шу ҳудуддаги муҳим ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш юзасидан қабул қилинадиган қарорлар ҳамда кундалик, маъмурий, ҳўжалик ва шахсий таркибга оид масалаларни ҳал қилиш учун чиқариладиган фармойишлардир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 104-моддасида ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни қабул қилишлиги белгилаб қўйилган. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 8 майдаги 272-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари бажарилишини ташкил қилиш тартиби” тасдиқланди. Унга мувофиқ фармон ва қарорларнинг бажарилиши қуйидагича ташкил этиладиган бўлди:

- шаҳар ҳокими ўринбосарлари Фармон ва қарорлар келиб тушиши билан 3 кун муддатда уларда қўйилган вазифаларни амалга оширилишини таъминловчи зарур таклифлар, аниқ чора-тадбирлар режаси, фармойиш ва қарор лойиҳасини пухта тайёрланишини таъминлашлари (агар фармон ва қарорларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса), қабул қилинган ҳужжатлар туман ҳокимликлари, ҳокимият тузилмасидаги бошқарма, бўлим, корхона ва ташкилотларга бир кеча-кундузда юборилиши лозим;

- туман ҳокимлари, бошқарма ва бўлимлар Тошкент шаҳар ҳокими қарори, фармойиши келиб тушиши билан 2 кун муддатда уларда қўйилган вазифаларни амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар режаси, фармойиш, қарор ёки буйруқ қабул қилишлари (агар шаҳар ҳокими ҳужжатларида бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса), қабул қилинган ҳужжатлар шу куни тегишли ҳоким ўринбосарлари, ҳокимият ва ўзларининг тузилмаларидаги бўлим, корхона ва ташкилотларга юборилиши лозим;

- бўлим, корхона, ташкилот ва муассасалар туман ҳокими қарори, фармойиши ёки бошқа юқори орган буйруғи келиб тушиши билан 2 кун муддатда уларда қўйилган вазифаларни амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар режаси, буйруқлар

қабул қилишлари (агар юқори ташкилот ҳужжатларида бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса), қабул қилинган ҳужжатлар шу куни ўзларига бўйсунувчи бўлинмалар, цехлар, хизматларга, меҳнат жамоаларига етказилиши, бажарилган ишлар тўғрисида тегишли юқори бошқарма, корхона ва ташкилотларга маълумот юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига киради.

Юридик хизмат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларнинг қабул қилинишида қонунийликни таъминлаш учун халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарор ва фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни ҳуқуқий баҳолайди ва виза қўяди. Зарурат бўлганда ҳокимга унинг қарор ва фармойиш лойиҳалари юзасидан таклифлар киритади. Бунда юридик хизмат қуйидагиларни эътиборга олмоғи лозим:

-тақдим этилаётган ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, уларни ҳужжатни қабул қилаётган орган ваколатларига кириши, улар шу ҳудуддаги фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларига зид эмаслигини;

-қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда тузилганлиги, уларни тузишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя этилганлигини;

-ҳужжатни қабул қилинишига асос бўлувчи юқори турувчи органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ёки топшириқларининг мавжудлиги, уларда ҳал этилиши кўрсатилган масалаларнинг лойиҳада тўлиқ ўз аксини топганлигини;

-ҳужжат қабул қилиниши зарурлигини асословчи тушунтириш хатининг мавжудлиги (тушунтириш хати ҳужжатни тайёрлаган орган томонидан тузилиб, унинг мансабдор шахслари томонидан имзоланади), уларнинг асослилигини;

-ҳужжатда белгиланган масалаларнинг бажарилиши юклатилаётган ижрочилар ва уларни ижро этиш муддатлари тўғри белгиланганлигини;

- ҳужжат лойиҳаси уни ижро этиш белгиланаётган манфаатдор ташкилотлар билан келишилганлиги, уни юзасидан уларнинг хулоса ва эътирозлари мавжудлигини;

- мазкур ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан аввал қабул қилинган ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришларни тўғри киритилаётганлиги, ўз кучини йўқотган ҳужжатларни ўрнатилган тартибда бекор қилинишини;

-ҳужжатда унга виза қўйиши шарт бўлган мансабдор шахсларнинг визалари мавжудлигини.

Юридик хизмат ҳужжат лойиҳасини текшириш жараёнида:

- камчиликлар аниқланган тақдирда лойиҳани киритган органга асосланган эътирозлар тайёрлаш, улар бартараф этилмаган тақдирда тегишли ҳокимга маълумот тақдим этиш;

- ҳужжат қабул қилинганидан сўнг уни ўрнатилган тартибда рўйхатга олинишини, тегишли мансабдор шахслар ва манфаатдор ташкилотларга жўнатилишини, унинг асосий нусхаси ва уни қабул қилинишига асос бўлган ҳужжатларни сақлаш учун тўлиқ топширилганлигини назорат қилиш;

- ҳужжат ўрнатилган тартибда қабул қилинганидан сўнг, у юзасидан тушунтиришлар бериш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Мазкур жараён сермашаққат ва мураккаб бўлганлиги учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизмати ходимларидан юқори малака, чуқур билимлар ва тажрибага эга бўлишини талаб этади.

2-§. Юридик хизматнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мулкни (муниципал мулкни) сақлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қонунийликни таъминлашдаги фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки (муниципал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкни чегаралаш натижасида ўзига

берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аниқ мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари вилоят, туман, шаҳар мулкни ташкил этади. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган муҳандислик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар мулки бошқа манбалардан ҳам шаклланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 191-моддаси эгасиз ашёлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Ушбу моддага мувофиқ эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига оловчи орган томонидан ҳисобга олинади. Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олингандан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколатли бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисида талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Юридик хизматнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мулкни (муниципал мулкни) сақлашдаги фаолияти қуйидаги ишларни бажариш орқали амалга оширилади:

- маҳаллий давлат ҳокимияти тасарруфидаги мол-мулкни баҳолаш ва сотишда қонунийликни таъминлаш;

- моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳасига ҳуқуқий хулоса беради;

- мулкка зарар етказилиши жиноий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлса, суд ва тергов органларига юбориш учун материалларни расмийлаштириш;

- мулкни сақлашни таъминлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини ташвиқот қилиш;

-эгасиз ашёларни маҳаллий давлат ҳокимияти мулкига ўтказиш бўйича ташкилий ишларни ҳуқуқий таъминлаш;

-бошқа ҳудудий давлат бошқаруви органлари билан биргаликда муниципал корхона ва ташкилотларда ўғирлик, камомад ва самарасиз харажатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш;

-муниципал корхона ва ташкилотларга етказилган зарарларни ундириш чораларини кўриш ёки бу борада мазкур ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига услубий раҳбарликни амалга ошириш.

Вилоят, туман ва шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Вилоят, туман ва шаҳар бюджетининг даромадлари қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;

-вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;

-қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларнинг муайян қисми ва қонунларда назарда тутилган бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 7-моддасида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг рўйхати келтирилган. Айнан мазкур моддада маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Вилоят, туман ва шаҳарнинг бюджетдан ташқари фондларининг даромади қуйидагилардан шаклланади:

-фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялари;

-Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималар ва бошқа маблағлардан.

Бюджет маблағлари фақатгина олдиндан белгилаб қўйилган мақсадлар учун ишлатилиши лозим. Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари эса фақатгина тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади.

Вилоят, туман ва шаҳарнинг молиявий ресурсларини шакллантиришда юридик хизмат куйидаги кўринишдаги ишларни амалга оширади:

- маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўз вақтида маҳаллий бюджетга келиб тушишини таъминловчи ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқишда;

- вилоят, туман ва шаҳар мулкларини ижарага беришдан ва сотишдан келадиган пул маблағларини ўз вақтида бюджетга келиб тушишини таъминлаш бўйича ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш чора-тадбирларини кўради;

- қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этилганда маҳаллий бюджет даромадига ўтказиладиган молиявий маблағларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришда иштирок этади;

- вилоят, туман ва шаҳарнинг бюджетдан ташқари фондларини шакллантирилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда қатнашади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида муниципал мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига берилганлиги белгиланган. Шунинг учун ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари оммавий мулкни тасарруф этувчи субъектлар қаторига киради. Юқоридаги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг оммавий мулк объектларини тасарруф этувчи томонидан махсус комиссия тузилади. Ушбу комиссия таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, корхона маъмуриятининг, меҳнат жамоасининг, жамоат ташкилотларининг, молия идорасининг, банкнинг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг вакиллари ва бошқа мутахассислар жалб этилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектининг сотув нархини оммавий мулк объектларини тасарруф этувчи белгилайди. Сотув нархини белгилашда объектнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтидаги қийматига асосланади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтда қарор топган ҳақиқий баҳоси ҳисобга олиниши лозим.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида оммавий мулк объектларини тасарруф этувчи билан янги мулкдор

ўртасида ўзаро мажбуриятлар ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган объект фаолиятининг шартлари тўғрисида шартнома тузилиши мумкин. Унда янги мулкдорга муайян давргача корхона ихтисосини, ишлаб чиқариш ҳажмини ва иш жойларини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятлар юкланади.

Хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Масалан, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2003 йил 18 январдаги 01/07-81-сонли қарори билан тасдиқланган “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади. Мазкур Низомга мувофиқ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳаси туман(шаҳар) ҳокимиятининг қарори асосида амалга оширилади.

Давлат мулкни хусусийлаштиришда қонунийликни таъминлаш учун юридик хизмат қуйидаги ишларни амалга оширади:

- мулкни хусусийлаштириш юзасидан чиқарилаётган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатларнинг қонунийлигини текширади;

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан тузилган комиссиянинг иш фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштирок этади;

- давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган мулкнинг баҳоси қонун асосида белгиланганлигини текширади.

- оммавий мулк объектларини тасарруф этувчи билан янги мулкдор ўртасида ўзаро мажбуриятлар ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган объект фаолиятининг шартлари тўғрисида шартнома тузилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштирок этади, шунингдек, мазкур шартнома шартларига риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқий механизминини ишлаб чиқишда қатнашади. Шартнома шартлари бузилганда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатни бекор қилиш чораларини кўради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва тугатишда

иштирок этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги иштироки қуйидагиларда намоён бўлади:

- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда;
- уларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лицензиялар беришда;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ер участкаларини ажратишда;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишда;
- айрим хўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб топиш жараёнида иштирок этишда ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

Юридик хизматнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қонунийликни таъминлашдаги фаолияти қуйидаги ишларни бажариш орқали амалга оширилади:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш юзасидан чиқарган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланувчи тузилмаларининг юридик хизматига услубий раҳбарликни амалга ошириш;
- тадбиркорлик субъектларига лицензиялар берилишида қонунийликни таъминлашда қатнашиш. Лицензия талабгоридан қўшимча ҳужжатларни талаб этилишига йўл қўймаслик ёки лицензия талаблари ва шартларига жавоб бермайдиган тадбиркорлик субъектига лицензия бермаслик чораларини кўриш;
- айрим тоифадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакили сифатида иштирок этиш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда шартномавий муносабатларда унчалик даражада кўп иштирок этмасда, бироқ айрим қонун ҳужжатлари билан унга шартномавий муносабатларда иштирок этиш билан боғлиқ вазифалар юклатиб қўйилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари шартномавий муносабатларда унинг бевосита иштирокчиси сифатида ҳамда ўз ҳудудларида хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ривожлантиришга

қаратилган чора-тадбирларни кўриш ва бу ишларни мувофиқлаштириб бориш орқали иштирок этиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномавий муносабатларнинг бевосита иштирокчиси сифатида иштирок этишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида ўз ифодасини топган. Унда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўзларига берилган ваколатлар доирасида умумманфаатни ифодаловчи тадбирлар ўтказиш, қўшма корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун ҳамда турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатишга ҳақли эканлиги ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Қонунинг 11-моддасида вилоят, туман шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, шу жумладан ҳудудлараро дастурларни пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири)да маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бевосита шартномавий муносабатларнинг субъекти сифатида намоён бўладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, мазкур қонуннинг 11-моддасига мувофиқ фермер хўжалигини ташкил этишда ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи билан туман ҳокими ўртасида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб бориш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни ривожлантириш учун шароит яратиш билан боғлиқ чора-тадбирларни кўриши белгилаб

қўйилган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштирок этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати томонидан амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ мазкур тоифадаги шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилади. Айнан ушбу тоифадаги шартномаларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида ўз вақтида тузилиши, рўйхатдан ўтказилиши ҳамда ижро этилишини туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан биргаликда мувофиқлаштириб бориш ишлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати томонидан амалга оширилиши лозим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида шартномавий муносабатларни яхши йўлга қўйиш учун ушбу муносабатларни тартибга солиш юзасидан локал ҳужжат (низом ва йўриқнома)ларни ишлаб чиқилади.

Унда белгиланиши лозим бўлган қоидалар дарсликнинг 7 бобида батафсил кўрсатилган.

3-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ва бошқа органларда ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларга берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) 9-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек, ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва қадр қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур ҳуқуқлар асосида фуқаролар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёки бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлари ёхуд мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида ўзларининг ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобласалар суд органларига даъво аризалари билан мурожаат этишлари мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизмати ходимлари судда, хўжалик судида, бошқа ташкилотларда ҳуқуқий ишлар кўрилаётганда, даъвогар ёки жавобгарнинг вакили ёки учинчи шахс сифатида иштирок этадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизмати хўжалик судида жавобгар вакили сифатида иштирок этаётганда, давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилаётганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилишини эътиборга олишлари лозим ҳамда унинг қонунийлигини исботлаш бўйича зарур бўлган далилларни судга тақдим қилишлари шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунийликни таъминлаш ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳудудларида қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан судларга даъво аризалари билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Даъво ишларини олиб бориш ҳам муҳим жараён бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: даъво материалларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш ва уни тегишли судга топшириш; вакил сифатида суд мажлисида иштирок этиш, иш юзасидан сўзга чиқиш; даъвогар фойдасига чиқарилган ҳал қилув қарорининг ижросини назорат қилиш ва унинг тезроқ бажарилиши учун чоралар кўриш; ҳал қилув қарори ёки ажримнинг қонуний ва асослилигини текшириш юзасидан юқори инстанция судларига мурожаат этиш.

Юридик хизматнинг судда иштироки ва уларнинг ваколатлари дарсликнинг 7- бобида батафсил ёритилган.

Юридик хизмат томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бошқа органларда ҳимоя қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараён ўз ичига давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси), юқори турувчи ҳокимликлар, прокуратура, адлия ва бошқа ваколатли органлар томонидан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи фаолиятида қонунийлик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилаётганда, шунингдек, улар фаолиятига оид қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама этилаётганида юридик хизматнинг иштирок этишини ўз ичига олади.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зидлиги юзасидан прокурор томонидан протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким томонидан қайта кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрир) 38-моддасида прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқи ва протестни кўриб чиқиш, унинг натижалари ҳақида маълумот бериш муддатлари белгилаб қўйилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизмати прокурор томонидан келтирилган протестни кўриб чиқиш, унда кўрсатилган қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш, ушбу ишларни белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлашда бевосита иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, юридик хизмат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари манфаатларини суд ва бошқа органларда ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш орқали уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

4-§. Юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибли ҳисобини юритиш ва сақлашни ташкил қилиш бўйича фаолияти

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг энг асосий вазифаларидан бири қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг

қарорлари, фармойишларини тартибли ҳисобини юритиш ва сақлашни ташкил қилишдир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ маҳаллий давлат ҳокимиятида юридик хизмат томонидан мазкур вазифани бажариш бир мунча мураккаброқ. Мазкур мураккаблик маҳаллий давлат ҳокимияти юридик хизмати томонидан тартибли ҳисоби юритиладиган ҳамда сақланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миқдори кўплигидадир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати юридик хизмати томонидан асосан уларнинг ўзлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисоби юритилса, хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати томонидан фақатгина унинг фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисоби юритилади ва сақланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан эса деярли барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисоби юритилиши ва сақланиши талаб этилади. Мазкур талаб бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифаларидан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини ҳамда давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жойларда қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларни ҳамда юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларини ижросини таъминлашлари лозимлиги мустаҳкамланган.

Айнан мазкур вазифалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли даражада бажарилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ходимлари қабул қилинган, амалда бўлган, шунингдек ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида етарли даражада маълумотга эга бўлишлари талаб этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида етарли ва тўлиқ маълумотга эга бўлишни осонлаштириш учун доимий равишда уларнинг

тартибли ҳисобини юритиб бориш ҳамда уларни сақлашни ташкил этиш талаб этилади. Мазкур вазифа маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати томонидан амалга оширилади. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари юридик хизмати томонидан норматив-ҳукуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобини олиб бориш ва сақлаш қандай тартибда амалга оширилса, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати томонидан ҳам шундай тартибда бажарилиши лозим. Шундагина муайян масалалар бўйича зарур бўлган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни юридик хизмат томонидан тезда топиш имкони яратилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматин қонунлар, бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ҳамда халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорлари, фармойишларини тартибли ҳисобини юритиш ва сақлашни ташкил қилиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг услубий раҳбарлиги остида амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомда вазирликнинг давлат органларининг ҳукуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш соҳасидаги функциясига давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириши белгилаб қўйилган.

5-§. Юридик хизматнинг ҳукуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ишларини ташкил қилишнинг шакл ва услублари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ҳукуқий таъминлашнинг асосий усулларида бири уларнинг ходимларига ёки бошқа шахсларга ҳукуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беришидир. Юридик хизмат томонидан ҳукуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш оғзаки ва ёзма шаклда амалга оширилиши мумкин. Ҳукуқий масалалар бўйича бериладиган маслаҳатнинг қандай шаклда бўлиши маслаҳат сўраб мурожаат этган ходимнинг талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жиддий ва

муаммоли бўлган ҳуқуқий масалалар юзасидан доимо ёзма равишда маслаҳат олиш мақсадга мувофиқ.

Юридик хизмат томонидан ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш бир неча услубларда амалга оширилиши мумкин.

Булар қуйидагилардир:

биринчиси, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат олиши керак бўлган шахс бевосита ўзини қизиқтирган масала юзасидан юридик хизмат ходимиغا мурожаат қилиши орқали;

иккинчиси, бирорта ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиққан ходимга уни юридик хизматда экспертизадан ўтказиш жараёнида унга ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бериш орқали;

учинчиси, юридик хизмат ходими билан бошқа бўлим ходими биргаликда муайян ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётганида лойиҳага тааллуқли масалалар ечимини топиш орқали;

тўртинчиси, юридик хизмат томонидан ҳуқуқий масалалар юзасидан давра суҳбатлари орқали ўтказиш жараёнида ходимларга ва бошқа фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши мумкин;

бешинчиси, юридик хизмат ходими томонидан ҳуқуқий мавзуларда маърузалар ўқиш даврида маҳаллий давлат ҳокимияти ходимларига ҳамда бошқа фуқароларга ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар берилиши мумкин.

Ҳуқуқий масалалар юзасидан берилаётган маслаҳатлар тўлиқ, батафсил ва аниқ бўлиши лозим. Айрим ҳолларда ҳуқуқий маслаҳат сўралаётган масала юзасидан бир нечта қонун ҳужжати қабул қилинган бўлади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий маслаҳат бериш лозим. Ушбу моддага мувофиқ агарда битта масала юзасидан бири-бирига зид бўлган ёки тўғри келмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда бўлса, у ҳолда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилади. Агарда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тенг юридик кучга эга бўлса кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат

қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатиға нисбатан юқориқ юридик кучға эға бўлади.

Аксарият ҳолларда сўралаётган масалани тартибға солувчи нормаларда ҳаволаки нормалар учраб туради. Бундай ҳолатда юридик хизмат ходими албатта маслаҳат олаётган шахсға ҳавола қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот бериши лозим. Акс ҳолда сўралган масала юзасидан тўлиқ маслаҳат берилмаган бўлади ва бу келажакда муайян ҳуқуқий низоларға сабаб бўлиши мумкин.

Баъзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни тушунарсиз ифодаланган бўлади. Бундай ҳолатда юридик хизмат ходими сўралган масала юзасидан аниқ ва ишонарли ҳуқуқий маслаҳат бериши учун Конституциявий суд амалиёти материалларидан фойдаланиши лозим. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари нормаларига шарҳ бериш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатларидан бирига киради. Агарда Конституциявий суд амалиётида юридик хизмат ходимини қизиқтирган ҳуқуқ нормаси бўйича шарҳ берилмаган бўлса, унда мазкур ҳуқуқ нормасини шарҳлаб беришни сўраб Конституциявий судға мурожаат этиш лозимлиги тушунтирилиши керак.

Агарда ҳуқуқий маслаҳат сўралаётган масала бирорта ҳам ҳуқуқ нормаси билан тартибға солинмаган бўлса ёки қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқ туфайли ҳуқуқий маслаҳат бериш имкони мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-6-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий маслаҳат бериш лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-моддасига мувофиқ ижтимоий муносабатлар қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибға солинмаган ҳолларда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибға солувчи нормаси қўлланилади (қонун ўхшашлиги). Агарда кўрсатиб ўтилган ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган нормаларни ўхшашлик бўйича қўлланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 6-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади. Тегисли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилмайди.

Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беришда Конституциявий суднинг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳужжатларда қонун нормаларини қўллаш ва муайян масалани ҳал этишда қонунчиликда ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд бўлса қайси қонун ҳужжатларидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида кўрсатмалар берилган бўлади.

Бундан ташқари судлар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорларини, ажримларни, қарорларни ҳамда ҳукмларни ўрганиб бориш ҳуқуқий масалалар бўйича бериладиган маслаҳатларнинг сифатини оширади.

VII БОБ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ЮРИДИК ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли

Юридик хизматнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишлари – унинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг бу йўналишдаги фаолияти қуйидаги функцияларни: **назорат, ҳуқуқий тарбия, норматив-ҳуқуқий, локал ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома** ишларини олиб бориш орқали амалга оширади.

Юридик хизматнинг **назорат функцияси** – у бажарадиган вазифалар ҳажми ва ваколат доираси бўйича асосий функция ҳисобланади.

Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши унинг қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолиятида мустақиллигини кучайтиришга йўналтирилаётганлигини кўрсатмоқда. Натижада юридик хизмат ходимлар нафақат хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсларга ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар беради, балки қонунийликка риоя қилиш устидан назорат қилиш функциясини ҳам кенг кўламда амалга оширади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тааллуқли бўлган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, юқори турувчи бошқарув органлари ҳуқуқий ҳужжатлари, хўжалик юритувчи субъектлар локал ҳужжатлари ижроси устидан назоратни олиб боради.

Юридик хизматни назорат функцияси – ички идоравий назоратнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

юридик хизмат хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа

ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди;

ҳўжалик юритувчи субъектнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширади ва бундай ҳужжатнинг қонунга зидлиги аниқланса, юридик хизмат томонидан ушбу ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича тегишли чоралар кўрилади;

ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш, талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

ҳўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганади ва умумлаштиради.

Мансабдор шахслар ва ходимларни ҳуқуқий тарбиялаш ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги асосий шакллари фарқланади: ҳуқуқий таълим (ўқитиш ёки ўқиш); ҳуқуқий тарғибот (оғзаки ва оммавий ахборот воситалари орқали); қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири; ҳуқуқий ташвиқот, ҳуқуқий ахборот бериш, шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш. Бу ҳақда бешинчи бобда батафсил тўхталиб ўтилган.

Юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий, локал ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишлари бошқарув органлари юридик хизматининг бу борадаги функциясидан қуйидагилар билан фарқланади:

биринчидан, юридик хизмат тегишли соҳага оид эмас, балки фақатгина мазкур ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини ташкил қилади;

иккинчидан, ҳўжалик юритувчи субъектнинг локал ҳужжатлари, яъни унинг таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси), ички меҳнат тартиби қоидалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар ва бошқа ҳужжатларни ҳам тартибли сақланишини ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз вақтида белгилаб боришни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, юридик хизматнинг корхона фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида олиб борадиган ишлари қонун устунлигини, яъни давлат, унинг органлари,

мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ хатти-ҳаракат қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

2-§. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишларда иштироки

Мустақил мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар, маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни ва биринчи навбатда ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари ўрнатишнинг бозор муносабатларига мос шакл ва услубларни яратишни тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шароитида шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек, тадбиркорлар ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Шартномаларнинг етакчилик роли ва иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг янги тамойиллари ҳуқуқий жиҳатдан мулк, ижара, тадбиркорлик фаолияти, фермер хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари, банклар фаолияти, чет эл инвестицияларига оид ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2000 йил 1 февралдаги “Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги қарорида шартнома муносабатларининг аниқ ва тушунарли механизмини амалда шакллантириш, шартнома мажбуриятларининг қатъий бажарилиши учун назорат ва масъулиятни кучайтириш устувор йўналиш сифатида қайд қилинган.

Хўжалик юритувчи субъектда шартнома-ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унда деярли хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмалари иштирок этади. Шунинг учун ҳам бу ишни ташкил қилиш бўйича хўжалик юритувчи субъектда локал ҳужжат (низом, йўриқнома ва х.к) ишлаб чиқилади.

Ушбу ҳужжатда қуйидагилар назарда тутилади:

- шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг таркибий бўлинмалар (тегишли мутахассислардан) ўтиш тартиби ва муддатлари;

- шартномани расмийлаштириш учун масъул бўлган тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва мутахассислар вазифаларини тақсимлаш;

- шартнома лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартиби, шунингдек, шартнома шартларини тегишли бўлинма ва хизматлар билан келишиш тартиби;

- шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида вужудга келган келишмовчиликларни контрагентлар билан ҳал қилиш бўйича бўлинма, хизматлар ва мансабдор шахсларнинг вазифалари;

- шартномалар ва бошқа шартномавий ҳужжатларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби;

- шартнома бажарилишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект таркибий бўлинмаларига шартнома шартларини етказиш тартиби;

- шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш тартиби;

- шартномавий ишлар таҳлили ва уларни мукаммаллаштириш бўйича таклифлар киритиш тартиби;

- шартнома интизомини мустаҳкамлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект таркибий бўлинмаларини моддий рағбатлантириш ва иқтисодий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби.

Бу вазифаларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юридик хизмат муҳим ўрни тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом” ва бошқа бир қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда юридик хизматнинг шартномаларни тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ижросини таъминлашда иштироки аниқ белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати:

- хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек, талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

- хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

- хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

- тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари юридик хизматнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади:

- хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

3-§. Юридик хизматнинг талабнома-даъво ишларини

**ташқил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя
қилишдаги роли**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий ишларнинг асосий босқичларидан ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини

ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг самарали воситаларидан бири талабнома ва даъво ишларини тўғри ва ўз вақтида юритишдир.

Талабнома ва даъво ишлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлсада, ҳар бирининг мустақил роли, вазифалари, аҳамияти ва амалга оширишнинг алоҳида тартиби мавжуд.

Талабнома ишларини юритишни тўғри ташкил этиш хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этгандан кейингина хўжалик судида даъво қўзғатиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом”да (9 “е”-банди) юридик хизмат ходимларининг талабнома ишларини юритишда икки хил шаклда иштирок этишлари белгиланган: талабнома ишларини бевосита юридик хизмат ходимлари томонидан юритилиши; талабнома ишларини бошқа таркибий бўлинмалар томонидан юритилганда, мазкур ишга раҳбарлик қилиши.

Юридик хизмат ходимлари томонидан олиб бориладиган талабнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) талабномани расмийлаштириш учун керакли бўлган маълумот ва ҳужжатларни йиғиш, талабнома ёзиш ва уни расмийлаштириш ҳамда тегишли хўжалик юритувчи субъектларга юбориш;

б) хўжалик юритувчи субъектга келиб тушган талабномаларни кўриб чиқиш, улар бўйича керакли ҳужжатларни ўрганиб, талабномани тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш ҳақида ҳулоса бериш ва жавобни расмийлаштириб, уни жўнатиш;

в) юборилган ва келиб тушган талабномалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, уларни таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш, хўжалик, молия, ҳисоб-китоб, меҳнат интизомининг бузилиши каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таклифлар киритиш ва чора-тадбирлар белгилаш.

Талабнома ишлари бошқа таркибий бўлинмалар (бухгалтерия, молия, таъминот, маҳсулотларни реализация қилиш ва ҳ.к.) томонидан олиб борилганда юридик хизмат ходимлари талабнома ишларига қуйидагича раҳбарлик қиладилар:

- бошқа бўлинмалардаги талабнома ишларини юритувчи ходимларга иш юритиш тартибини тушунтирадilar;
- амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан таништирадilar;
- зарур ҳолларда уларни ҳуқуқий тайёргарликдан ўтказадilar;
- вақти-вақти билан уларнинг талабнома ишларини текшириб турадилар ва уларга амалий ёрдам берадилар;
- мураккаб масалалар бўйича талабномаларни тайёрлашда уларга зарур маслаҳатлар берадилар;
- талабнома юритиш ишини тегишли бўлинмалар билан яхшилаш юзасидан хўжалик юритувчи субъект раҳбарига таклифлар киритадилар.

Хўжалик низосини судгача ҳал қилиш - талабнома юбориш ва унга ўз вақтида жавоб бериш орқали ҳал қилиш ҳар икки тараф учун ҳам фойдали. Бунда, биринчидан, талабнома юборувчи томон ўзининг бузилган ҳуқуқи ёки қонуний манфаатларини қисқа муддатларда тиклашга эришиши; иккинчидан, хўжалик муносабатларига киришган тарафлар даъво аризасини расмийлаштириш ва уни хўжалик судига тақдим этиш, хўжалик судида ишни кўриш жараёнида иштирок этиш ва ҳоказо ҳаракатлар учун сарфланадиган вақт ва харажатларни тежайдилар; учинчидан, давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашга кетадиган маблағлар, яъни самарасиз сарф-харажатлар олди олинади; тўртинчидан, шартномавий муносабатларга киришган тарафларнинг бири-бирига бўлган ишончи ортади ва ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга ортиқча монелик бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом”да қайд қилинганидек, даъво ишларини олиб бориш, хўжалик судида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юридик хизмат зиммасига юклатилган.

Даъво ишларини олиб бориш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- даъво аризаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни хўжалик судига тақдим қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектга даъво аризасининг нусхаси тушганда у ҳақда ёзма фикр билдириб, уни тегишли хўжалик судига ва даъвогарга юбориш;

хўжалик юритувчи субъект вакили сифатида суд мажлисида иштирок этиш, иш юзасидан сўзга чиқиш;

хўжалик судининг ҳал қилув қарори, қарори ёки ажримининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида апелляция ва кассация шикоятларини, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга аризаларни тайёрлаш ва тегишли хўжалик судига, мансабдор шахсларга юбориш;

хўжалик юритувчи субъект фойдасига чиқарилган ҳал қилув қарорининг ижросини назорат қилиш ва уни тезроқ бажарилиши учун барча қонуний чораларни кўриш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати даъво аризалари ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлашни, агар талабнома юбориш қонун ёки шартномада кўрсатилган бўлса, талабнома ва унга келган жавобларни ўрганишдан бошлайди. Агар талабнома бошқа бўлинмаларда бўлса, улардан талабнома материаллари билан бирга барча иловалар ҳамда хўжалик судига ва жавобгарга юбориш учун зарур нусхаларни талаб қилиб олади.

Даъво аризасига қандай ҳужжатларни илова қилиш, улар нусхасининг сони, давлат божи миқдори, қайси хўжалик судида даъво кўзғатиш ва бошқа масалалар бўйича ишлар юридик хизмат томонидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилади.

Зарур ҳолларда, даъво материалларини тузишда мутахассис иштирок этиши ёки хўжалик судида унинг қатнашиши тақозо қилинса, юридик хизмат хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан келишган ҳолда уларни бу ишга жалб қилиши мумкин.

Иш бўйича жавобгар сифатида қатнашиш учун ҳам тегишли тайёргарлик кўриш зарур. Бунинг учун юридик хизмат даъвогарнинг дастлабки талабномасини; талабномага ёзилган жавобни; даъво аризасида баён қилинган талабларни чуқур ўрганиши; ушбу ишга тааллуқли барча материаллар билан, жумладан, низо келиб чиққунгача даъвогар билан жавобгар ўртасидаги ёзишмалар, шартномага киритилган ўзгартиришлар, ўз мажбуриятини бажариш учун кўрган чора-тадбирларга қарамасдан объектив сабаблар билан уни бажариш имкони бўлмаган ҳолатларни исботловчи ҳужжатлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан танишиши; даъво аризаси ҳақидаги ёзма фикрни тайёрлаши, уни даъвогарга ва хўжалик судига юбориши, хўжалик суди мажлисида қатнашиши лозим.

Юридик хизмат ходимиға даъвогар ёки жавобгарнинг вакили сифатида хўжалик судида ишда иштирок этиши учун хўжалик юритувчи субъект томонидан ишончнома берилиши лозим. Ишончномага хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган шахс имзо чекади ва бу имзо хўжалик юритувчи субъектнинг муҳри билан тасдиқланади.

Юридик хизмат ходимининг ишда иштирок этувчи тарафларнинг (даъвогар ёки жавобгарнинг) вакили сифатидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 35 ва 52-моддаларида белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш; рад қилиш тўғрисида арз қилиш; далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш; саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш; хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш; ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш; ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш; суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш.

Агар хўжалик юритувчи субъект ўз вакили – юридик хизмат ходимиға қонунга мувофиқ берган ва расмийлаштирган ишончномасида: даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлар судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсларга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколатлари махсус назарда тутилган бўлса, улар бу ҳаракатларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

4-§. Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш

Бозор тизимиға ўтиш кўп жиҳатдан мулкчиликнинг турли шакллариға, уларнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрниға бўлган муносабатларнинг ўзгариши билан юзага келади. Аввало, хусусий мулкчиликнинг “реакцион хусусияти”, давлат ва колхоз-кооператив мулкчининг яқинлашуви ва тўлиқ қўшилиши тўғрисидаги назариянинг асоссизлиги намоён бўлди. Деярли барча ишлаб чиқариш

воситаларини, жамоат мулкининг улкан қисмини қамраб олган “мулкчиликнинг умумхалқ шакли” амалда ҳўжасиз ва эгасиз бўлиб чиқди. Давлат мулкининг алоҳида имтиёзли мақомининг қонунчилик тартибида мустаҳкамланиши ва уни муҳофаза қилиш бўйича оғир жиноий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий жазолаш чоралари амалда ҳамма вақт ҳам ижобий натижа бермас эди.

Бирор-бир мулкчилик шаклининг монопол ҳолати бозор иқтисодиётига хос эмас. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”- дейилган. Бу тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очиб берди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида иқтисодиётда давлат мулки улушини тобора камайтириш жараёни бошлаб юборилди. Бироқ бу давлат мулки бутунлай йўқ бўлади деган маънони англатмайди. Чунки давлат тасарруфидан чиқариб ва хусусийлаштириб бўлмайдиган давлат мулки объектлари ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нафақат давлат мулки, балки бошқа барча шаклдаги мулклар ҳам жамият фаровонлигини мунтазам ошириш ва кўтариш манбаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча шаклдаги мулкларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кўпайтириш лозим, бу ўз навбатида уларнинг сақланишини зарур даражада таъминлашга боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъектлар мулкни, у қандай шаклда бўлишидан қатъи назар ҳуқуқий воситалар билан сақлашни ташкил этишда юридик хизмат муҳим рол ўйнайди.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом”га мувофиқ юридик хизмат мулкни сақлашни ҳуқуқий таъминлаш ишларини қуйидаги шаклларда амалга оширади:

мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунга мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда ўғирлик, камомад ва самарасиз харажатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ва уларни бартараф қилиш тадбирларини амалга оширади;

моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаси ҳамда бузилишлар ва суиистеъмолликлар аниқланган аудиторлик текширувлари ва қайта рўйхатга олиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

ҳўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўради;

дебиторлик қарзларини тугатиш ишларида қатнашади;

суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомоди ва уларни ўғирлашлар бўйича материалларни расмийлаштиради;

мулкни сақлашни таъминлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини ташвиқот қилади.

Юридик хизмат бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда ҳўжалик юритувчи субъектга келиб тушадиган моддий бойликларни қабул қилишни ташкил қилиш, уларни омбордан ишлаб чиқаришга ўтказиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳисобини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини юритишни; ҳўжалик юритувчи субъектга моддий зарар етказилган ҳолатлар аниқланганда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгиловчи буйруқ (йўриқнома) лойиҳасини тайёрлайди. Мазкур буйруқда юқоридаги вазифаларни бажариш учун масъул бўлган шахслар аниқ кўрсатилади

Юридик хизмат маҳсулотларни сони ва сифати бўйича қабул қилишни ҳўжалик шартномасида ва қонунчиликда белгиланган тартибига риоя қилиниши, қабул қилиш далолатномаларини тўғри тузилиши устидан назоратни олиб боради.

Хўжалик юритувчи субъектда мулкни сақлашни таъминлашда моддий жавобгар шахслар алоҳида рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам юридик хизмат бундай лавозимга илгари қасддан жиноят содир қилган ва суд томонидан моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларни қабул қилмаслик; моддий жавобгар шахслар билан ўз вақтида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузиш; ҳар бир моддий жавобгар шахсни лавозими бўйича ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги мансаб йўриқномаси билан тилхат орқали

мажбурий таништириш; моддий жавобгар шахсларга ҳар йили моддий бойликларни топшириш йўли билан меҳнат таътили бериш чораларини кўришга эътиборини қаратади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектда аниқланган ўғрилиқ, камомад ва самарасиз харажатлар бўйича материалларни тергов ва суд органларига топшириш билан чекланиб қолмасдан, балки бунга йўл қўйган шахсларни тегишли жазога тортилиши ҳамда етказилган зарарни тўлиқ ва тезроқ ундирилишини таъминлаш чораларини ҳам кўради.

Хўжалик юритувчи субъектларда уларнинг мулкани сақлашни ҳуқуқий таъминлаш, аввало, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини шакллантиришга, мулк эгаси бўлган тадбиркорлар, акциядорлар ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса жиноят ва етказилган зарар учун жазони муқаррарлигини таъминлаш хизмат қилади.

5-§. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка амал қилишни таъминлаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш хўжалик юритувчи субъект юридик хизмати бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда амалга оширадиган ҳуқуқий ишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг бу борадаги асосий ишлари қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектнинг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини – жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, мукофотлаш ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги низомларни – ишлаб чиқишда қатнашиш;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш;

меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга келмаганлик, кечикиш ва ишлаб чиқаришдаги бошқа тартиб ва интизомни бузганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини тўғри

қўллашда хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектда меҳнат ҳақидаги қонунчилик ва корхона ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини назоратда тутишни тартибли ҳисобга олиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

меҳнат жамоасидаги мавжуд касба уюшмаси қўмитаси, меҳнат низолари комиссияси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

меҳнат жамоаси аъзоларига меҳнат қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтириш.

Хўжалик юритувчи субъектда меҳнат қонунчилигини қўллаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни юридик хизмат тегишли таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда, айрим ҳолларда мустақил тайёрлайди.

Жамоа шартномаси – хўжалик юритувчи субъектда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи локал ҳужжатдир.

Юридик хизмат жамоа шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш ва уни тузиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаши лозим.

Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) эга эканлиги назарда тутилиши шарт.

Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали, иккинчи тарафдан, бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

Юридик хизмат жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкинлигига эътибор бериши лозим:

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари;

иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари;

ходимларнинг, шу жумладан, аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш;

хўжалик юритувчи субъектга қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

ишни таълим билан қўшиб олиб боровчи ходимлар учун имтиёзлар;

ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;

жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш.

Юридик хизмат жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкинлиги тўғрисида тарафларга ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

Башарти амалдаги қонунларда норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилиши лозимлиги ҳақида юридик хизмат белгиланган тартибда таклиф киритади.

Юридик хизмат нафақат жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлашда, балки уни хўжалик юритувчи субъектнинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиш, билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб, такомилига

етказиш ҳамда лойиҳани меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокамасига қўйиш каби ташкилий ишларда ҳам фаол иштирок этади.

Жамоа шартномаси юридик кучга эга бўлиши ва амалда қўлланиши учун юридик хизмат куйидагиларга:

жамоа шартномасини муҳокама қилаётган меҳнат жамоасининг йиғилиши, башарти унда ходимларнинг ярмидан кўпроғи, меҳнат жамоасининг конференцияси эса, башарти унда делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланишига;

жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқуллаган ҳисобланишига;

жамоа шартномаси имзоланган вақтдан (у умумий йиғилишда (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари томонидан уч кун ичида имзоланади) эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киришига ҳамда тарафлар белгилаган муддат давомида амал қилишига;

белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлишига;

жамоа шартномаси иш берувчи ва мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилишига;

хўжалик юритувчи субъект қайта ташкил этилганда шу қайта ташкил қилиш даврида жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолишига, шундан кейин тарафлардан бирортасининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилиши мумкинлигига;

хўжалик юритувчи субъект таркиби, тузилиши, бошқарув органининг номи ўзгарган, хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолишига;

хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг эгаси ўзгарганда жамоа шартномаси ўз кучини олти ой мобайнида сақлаб қолишига;

хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида тугатилаётганда жамоа шартномаси бутун тугатиш ишлари олиб борилаётган муддат давомида ўз кучини сақлаб қолишига эътиборни қаратади.

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш ҳуқуқига эга бўлган органлар меҳнат қонунчилигида белгиланган бўлиб, улар: тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигидир.

Юридик хизмат жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб туришлари ҳақида меҳнат жамоасига тушунтиришлар беради.

Меҳнат қонунчилигини қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳисобланади. Унда, жумладан, иш берувчи ва ходимнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъект Ички меҳнат тартиби қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этар экан, мазкур хўжалик юритувчи субъект иши хусусиятини иложи борица тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаши керак. Шу мақсадда тегишли таркибий бўлинма мутахассисларини мазкур ҳужжатни тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида таклиф киритиши ва Ички меҳнат тартиби қоидалари иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланишига эътиборни қаратиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш юридик хизматнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бу вазифани бажарар экан юридик хизмат, биринчи навбатда, қуйидагиларни аниқлайди: хўжалик юритувчи субъект раҳбари мазкур масала бўйича буйруқ чиқаришга ҳақлими ёки лойиҳада кўзда тутилган масалаларни ҳал қилиш бошқа органларга тегишлими; мазкур лойиҳа касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишишни талаб қиладими; қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўғри таянилганми.

Хўжалик юритувчи субъектнинг деярли ҳар кунлик фаолиятида қабул қилинадиган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқдир.

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Юридик хизмат меҳнат шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш жараёнида – унинг ёзма шаклига риоя қилинган-қилинмаганлигини; унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлар: иш жойи (хўжалик юритувчи субъект ёки унинг бўлинмаси), ходимнинг меҳнат вазифаси-мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати, меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари ёритилган-ёритилмаганлигини кўриб чиқиб, у тўғри расмийлаштирилган бўлса, меҳнат шартномасининг хўжалик юритувчи субъектда сақланадиган нусхасига виза қўяди.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаларини текширишда юридик хизмат қуйидагиларни аниқлаши лозим: буйруқ лойиҳасига тузилган меҳнат шартномаси асос қилиб олинганми, унинг мазмунига тўла мувофиқ келадими, синов муддати уч ойдан ошиб кетмаганми ва ҳ.к.

Юридик хизмат ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ лойиҳасини текширишда қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши зарур:

агар ходим бошқа доимий ишга ўтказилаётган, яъни унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид иш топширилаётган бўлса, у бунга розими, янги иши бўйича барча шартлар билан танишми;

меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилганми, буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилганми;

агар бошқа ишга ўтказиш вақтинча, ишлаб чиқариш зарурияти билан ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан амалга оширилаётган бўлса, унда ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар, бошқа ишга ўтказиш муддати, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори белгиланганми.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқларни текширганда юридик хизмат ишдан бўшатишнинг қонуний ва асосланганлигига эътибор беради. Шу мақсадда ходимни бўшатилишида қонун белгилаган тартибга риоя қилинганлигини

текшириш керак. Жумладан, ишдан бўшатишга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олинганми (жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда), меҳнат шартномасини бекор қилишда ходим қонунда белгиланган муддатларда ёзма равишда огоҳлантирилганми; маълум тоифадаги ходимлар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ҳисобга олинганми; буйруқда қонуннинг тегишли модда ва бандлари тўғри кўрсатилганми.

“Бизда интизом бўлмас экан, - деган эди И.А.Каримов, - биз олдимизга қўйилган мақсадларга эриша олмаймиз”. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш-жамоат бойлигининг сармоя сарфлашни талаб қилмай, улкан самара берадиган захирасидир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, саноатда иш вақтининг йўқотилишини икки баравар қисқартириб, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналиш ва услублари қонун ҳужжатларида белгиланган. Улар интизомни мустаҳкамлашга комплекс ёндашишни, интизомни бузиш ҳисобини такомиллаштиришни, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бўлинмалари раҳбарларининг интизом аҳволи учун жавобгарлигини оширишни, интизомни бузувчиларга мурасасозлик билан ёндашиш фактларини йўқотишни, бу мақсадларда амалдаги қонунчилик меъёрларидан самарали фойдаланишни, сидқидилдан қилинган меҳнат учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кенг қўллашни, меҳнат жамоалари ва жамоатчилик ташкилотлари ролини оширишни, уларнинг ҳуқуқларидан самарали фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича иш ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Бунинг учун юридик хизмат кадрлар бўлими билан ҳамкорликда иложи борица жамоатчилик ташкилотлари иштирокида ҳам бутун хўжалик юритувчи субъект, ҳам алоҳида таркибий бўлинмалар бўйича меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари ҳақидаги маълумотларни вақти-вақти билан таҳлил қилиши, бу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаши ва уларни бартараф этишда ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш борасида таклифлар киритиши керак.

Юридик хизмат меҳнат интизомини бузувчиларга қонунчилик нормаларини қўллаш тажрибаларини умумлаштиришда иштирок этади. Бунда ҳуқуқий чораларни жамоатчилик таъсири тадбирлари билан моҳирона қўшиб қўллаш, ишга келмайдиган ва бошқа меҳнат интизомини бузувчиларга интизомий чоралар қонунчиликда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида) кўзда тутилган жазоларни (жумладан -“хайфсан”, “ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима”, “меҳнат шартномасини бекор қилиш”) қўллашга, қўлланган чоралар ҳақидаги ахборотни жамоа аъзоларига етказилишига, яъни ошкораликка эътибор бериши лозим. Чунки, интизомий жазо чорасининг нотўғри қўлланилиши ёки қонунда кўрсатилмаган чоранинг (масалан, “танбех”, “огоҳлантириш”, “қаттиқ хайфсан” каби) қўлланилиши, бундай чораларни бекор қилиш ёки ноқонуний деб топишга олиб келади. Натижада, меҳнат интизомини бузган ходим ҳақиқатда жазосиз қолиши мумкин, чунки кўпчилик ҳолларда интизомий жазо қўллашнинг бир ойлик муддати ўтиб кетади. Бу ўз навбатида жамоада меҳнат интизомини бўшашиб кетишига олиб келади.

Юридик хизмат томонидан ташкил этиладиган семинарларда ҳўжалик юритувчи субъектда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартиб учун барча ҳуқуқий воситалар ҳамда қонун кучидан фойдаланиш зарурлигини ҳар томонлама таъкидлаш муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишни таъминлаш ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимояланишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

VIII БОБ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРГА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ

1-§. Хўжалик юритувчи субъектларга давлат органлари томонидан юридик ёрдам кўрсатиш

Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишларини такомиллаштириш ҳамда юридик хизматни ривожлантиришда давлат органлари алоҳида ўрин тутади.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш адлия органларининг асосий ва энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Адлия органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги, 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги, 2003 йил 2 майдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2003 йил 27 августдаги қарорлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги тўғрисида”ги Низомда, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширилишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

адвокатура ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юридик шахслар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Адлия органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятини шартли равишда қуйидагича уч йўналишга ажратиш мумкин

1. Хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

2. Хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарга юридик ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

3. Хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда юридик ёрдам кўрсатиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш.

Адлия органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиши учун вазирлик ва унинг бошқармаларида махсус таркибий тузилмалар ташкил қилинган. Масалан, Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида, жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармалари, шунингдек, жойларда эса тегишли бўлимлар ташкил қилинган.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва жойлардаги бўлимларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

янги ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

назорат органлари ўтказаятган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш;

корхоналар, хусусий тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш, давлат тузилмалари ва амалдорлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан зимдан қаршилик кўрсатишнинг барча ҳоллари устидан мониторингни амалга ошириш. Ҳар бир ҳолат бўйича айбдор шахсларни жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритиш .

Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун адлия органларига:

барча вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш;

кўрсатиб ўтилган органлар раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, бузилиш сабабларини, сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларини ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судларга, шу жумладан, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш каби ҳуқуқлар берилган .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан эса адлия органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш ваколатлари янада кенгайтирилди. Мазкур қарорга мувофиқ Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юкланди ва ушбу вазифани амалга ошириш учун унга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиной, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

вазирликлар, идоралар ва назорат органлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари, қонун бузилишини ва унга олиб келувчи шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф қилиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

мансабдор шахслар томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда, шунингдек, адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар

томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдига қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарорлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан бажарилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Адлия органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши - хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда юридик ёрдам кўрсатиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонида биноан Адлия вазирлигига хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, уларнинг мансабдор шахслари шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қонунчиликда белгиланган чораларни қўлланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бу ишда расмийлик ва ҳуқуқий саводсизликка барҳам бериш; шартномалар, шу жумладан қишлоқ хўжалигида контракция шартномаларини тузиш ва ижро қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятларини бажаришнинг аҳволини

мунтазам ўрганиш ва ҳўжалик субъектларининг жавобгарлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорида эса Адлия вазирлигига шартномалар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда ҳўжалик судларида даъво қўзғатиш, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида йўл қўйилган зарарни қоплаш юзасидан бир ой муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритиш; адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда ҳўжалик шартномаларини, шу жумладан, контрактация шартномаларини тузиш ва уларни бажариш масалалари юзасидан раҳбарлар ва мутахассисларни ўқитиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи семинарларни мунтазам равишда ўтказиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар вакиллари учун юридик маслаҳатлар беришни вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари амалиётига киритиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Адлия вазирлигининг ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси ҳамда жойлардаги тегишли бўлимларига ҳўжалик юритувчи субъектларга шартномалар, шу жумладан, контрактация шартномалари тузишда мунтазам равишда юридик ва услубий ёрдам кўрсатиш, қонунда белгиланган тартибда ҳўжалик юритувчи субъектларни ва энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш вазифалари юклатилди.

Прокуратура органларининг ҳўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Ушбу конституциявий нормалар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда янада ривожлантирилган ва мазмунан бойитилган. Унга кўра прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ прокуратура органлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради. Қонуннинг 6-моддасида эса прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар ҳусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу моддада прокуратура органларининг ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилиши ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича таркибий бўлинмалар ташкил қилинган.

Мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифалари этиб, жумладан, қуйидагилар белгиланган:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-торож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларини олдини олиш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, қонунчиликни кенг кўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

Прокуратура органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундай ёрдам улар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари давлат органлари ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузилганда ёки хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида қонун бузилиши рўй берганда амалга оширилади.

Юридик ёрдам хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига мувофиқ ёки бевосита прокуратура органининг ташаббуси билан кўрсатилади. Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади. Прокуратура органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида”ги 37-сонли буйруғи асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишнинг шаклларида бири прокуратура органлари уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари ва бошқа мансабдор

шахслари томонидан бузилганлик ҳолатларини аниқлаганда тегишли чораларни кўриш ҳисобланади.

Прокуратура органлари аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув каби ҳужжатларни чиқаради.

Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Такдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Такдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Прокуратура органлари хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини судга, шу жумладан, хўжалик судларига даъво ариза билан мурожаат қилиш орқали ҳам юридик ёрдам кўрсатади.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди. Мазкур Низомнинг 2-бўлимида хўжалик судларида ишлар кўришда прокурор ваколатини таъминлаш бўлимининг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, улардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда хўжалик судининг барча босқичларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокини ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганишни ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11-майдаги “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 23-сонли буйруғига мувофиқ қуйидаги низоларнинг хўжалик судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки мажбурий қилиб белгилаб қўйилган:

- прокурор даъвоси билан қўзғатилган ишлар;
- давлат мулкани ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар;

- юримдик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш;
- халқаро ва давлатлараро шартномалар, келишувлар бўйича ишлар;
- банкротлик тўғрисидаги ишлар;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини зи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар;
- давлат назорат органларининг пул маблағларини акцептсиз тартибда ундириш ҳақидаги ҳужжатларини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- контракция ва ер ижараси шартномалари билан боғлиқ низолар;
- табиатга зарар етказишдан келиб чиқадиган низолар.

Демак, прокуратура органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиши қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- а) қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан умумий назоратни амалга оширишда;
- б) хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга, шу жумладан, хўжалик судларига даъво аризалари тақдим қилишда;
- в) ишларни судда кўришнинг барча босқичларида прокурор ваколатини таъминлашда;
- г) хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўришда;
- д) хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари ва мансабдор шахсларини қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқишда;
- е) хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилишда.

Монополияга қарши давлат органларининг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, табиий монополия корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, рақобат муҳитини шакллантириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор тизимини яратиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сон фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди. Мазкур фармонда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қўмита фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

Монополистик фаолиятни амалга ошириш ҳамда рақобатни чеклаш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларда қўмита томонидан ҳуқуқи бузилган тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бунда қўмита томонидан монополистик фаолиятни чеклашга ва рақобатни ривожлантиришга қаратилган қонунларни бузаётган давлат органи ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма берилиши ёки айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарларни ундириш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этилиши мумкин. Қўмита тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан хўжалик судларига давлат божини тўламасдан даъво аризалари билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

2-§. Адвокатура томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатишлиги белгилаб қўйилган. Адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан

шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура институти орқали хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги қонунида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларида ўз ифодасини топган.

Адвокатура адвокатлик фирмалари, ҳайъатлари ҳамда бюрolari шаклида фаолият кўрсатади.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида адвокатлик фаолиятининг турлари кўрсатилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

-ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш;

-ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш;

-фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириш;

-жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;

-тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар билан адвокатура (адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва бюрolari) ўртасида кўрсатиладиган юридик ёрдам ҳажми, муддатлари ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда уч хил кўринишдаги шартнома тузилиши мумкин. Булар қуйидагилардан иборат:

а) ахборот- юридик ёрдам кўрсатиш;

б) алоҳида топшириқлар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш;

в) барча масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш.

Ахборот-юридик ёрдам кўрсатиш шартномаси бўйича адвокатлар хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мутахассисларини ҳамда тадбиркорларни амалдаги қонун ҳужжатлари билан таништирадilar ва уларни амалда тўғри қўллаш бўйича маслаҳатлар берадилар. Бундай шартнома маълум бир муддатга (масалан, бир йилга) ёки бир марта ахборот олиш учун тузилиши мумкин.

Алоҳида топшириқлар бўйича юридик хизмат кўрсатиш шартномасига кўра хўжалик юритувчи субъектлар адвокатларга, жумладан маълум шартномани тузишда ёзма ҳуқуқий хулоса беришни ёки хўжалик низоси бўйича унинг вакили сифатида судда қатнашишни таклиф қилишлари мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Алоҳида топшириқлар бўйича юридик кўрсатиш шартномаси бир марталик хусусиятга эга бўлиб, у ижро этилгандан кейин ўз кучини йўқотади.

Барча масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш шартномаси, одатда, муайян муддатга (бир йил ёки ундан ортиқ муддатга) тузилади ва адвокатура хўжалик юритувчи субъектнинг барча фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш мажбуриятини олади ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юзага келадиган барча ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади. Мазкур шартномага мувофиқ адвокатура Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом асосида корхонанинг юридик хизматига юклатилган вазифаларни бажаради ва уларга тақдим этилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Мазкур юридик ёрдам кўрсатиш шартномасида адвокат хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш ҳамда рўй бераётган ҳуқуқбузарликларни ва келиб чиқаётган низоларни таҳлил этиш орқали уларни олдини олиш чораларини кўришдан манфаатдор бўлади. Акс ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ва хўжалик низолари кўпайиши, адвокатнинг иш ҳажмини ортишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектга юридик ёрдам кўрсатаётган адвокат “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан ташқари, адвокат сифатида махсус ҳуқуқларга эга. Мазкур ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

тегишли масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

судларда, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан давлат органларидан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини миждознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш;

унга ваколат берган ёки унинг ҳимоясида бўлган шахсга нисбатан иш юритаётган судга ва бошқа давлат органларига тўпланган материалларни тақдим этиш;

мансабдор шахсларга илтимоснома ва шикоят бериш ҳамда улардан ёзма тарзда далил-исботли жавоб олиш.

Мазкур ҳуқуқлар адвокатуранинг мавқеини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши адвокатура фаолиятини жонлантириш ва у томонидан юридик ёрдами кўрсатиш сифати яхшиланишига имконият яратди.

Хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида адвокатура асосий юридик ёрдам кўрсатувчи ташкилот бўлиб қолмоқда. Чунки, хўжалик юритувчи субъект ташкил этилиш жараёнида ўзининг юридик хизмат ходимиغا эга бўлмайди.

Ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектларининг аксарияти хўжалик низоларини ҳал этиш учун ҳамда хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун адвокатура хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Бугунги кунда республикада адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун жами 3000 нафардан зиёд адвокат лицензия олган. Улар 20 та адвокатлик ҳайъати, 110 та адвокатлик фирма ҳамда 148 та бюроларга бирлашиб фаолият кўрсатишмоқда.

3-§. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатишда адвокатура билан бир қаторда, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги Қонунининг 2-моддасига биноан нодавлат нотижорат ташкилоти - бу жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмалари мисолида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларидан бири тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жумладан, рўйхатга олиш, маҳсулотни сертификатлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларини судларда кўриб чиқиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида Палатанинг ҳуқуқлари белгилаб берилган бўлиб, улардан қуйидагилари бевосита хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ:

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлашда, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

ҳалқаро ва чет эл ташкилотларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳада Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шу жумладан, халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

палата аъзоси бўлмиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

давлат божи тўламасдан судга Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2004 йил 21 сентябрда бўлиб ўтган таъсис Конференциясида тасдиқланган уставига мувофиқ у хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тадбиркорлик субъектлари манфаатларига дахлдор қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда қатнашиш;

Палата аъзолари-тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқарув органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

ўз аъзоларининг манфаатини Халқаро савдо палатасида, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бошқа халқаро ташкилотларда ифода этиш;

ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари томонидан тузилган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига дахлдор масалалар бўйича идоралар, идоралараро ва бошқа комиссиялар, эксперт кенгашлари ва бошқа орган ва ташкилотларнинг ишларида иштирок этиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ахборот таъминоти, юридик ва консултив ёрдам бериш ҳамда бошқа турли хилдаги масалаларда ёрдам ва кўмак бериш;

Палатага юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш зарурати юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти органларидан ахборотлар олиш;

замонавий талаб ва стандартлардан келиб чиқиб тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

Савдо-саноат палатаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, Палата фақатгина унга аъзо бўлган ва доимий равишда аъзолик бадалларини тўлаб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга текинга ёки имтиёзли шартларда юридик ёрдам кўрсатади. Палатага аъзо бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларга ҳам шартнома асосида Палата юридик ёрдам кўрсатиши мумкин, бироқ бунда давлат божи тўламасдан судга даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Савдо-саноат палатаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш, таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ;

шартномаларни, шу жумладан, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш ;

даъво ишларини юритиш ;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек, судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш ;

ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш;

Палата аъзоси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иштирок этиш.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси хўжалик юритувчи субъектларга юридик кўрсатишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уюшма уставида белгиланган.

Қонуннинг 25-моддасида фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси фермер хўжаликларини шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бирлаштиради, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

Уюшма ва унинг ҳудудий вакилликлари фермер хўжаликларининг манфаатларини давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қиладилар ва ифодалайдилар, ўз фаолиятларини уставларга мувофиқ, тўлиқ хўжалик ҳисоб-китоби принципларида ташкил этадилар.

Уюшма ўз аъзолари билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларини устав ҳамда хўжаликлар томонидан Уюшманинг туман вакилликлари билан тузиладиган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг ўзаро жавобгарлигини ва

манфаатларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади.

Уюшманинг хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифаларига қуйидагилар киради:

фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга юридик ёрдам олишда кўмаклашиш.

IX БОБ

ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАР ВА ХОДИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

1-§. Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўллари

Демократик ҳуқуқий давлат куриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини куриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир”.

Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданияти деганда, уларнинг ҳуқуқни билиши, тушуниши ҳамда унинг қоидаларини англаган ҳолда бажаришлари тушунилади. Уларнинг ҳуқуқий маданияти асосий юридик билимларни ўзлаштирганликларида, қонунни ҳурмат қилишида, ҳуқуқ нормаларини онгли равишда бажаришларида, юридик жавобгарликни тушунишларида ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг муқаррарлигини англашларида намоён бўлади. Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш ҳуқуқни ташвиқот қилиш ҳамда қонунийликни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш воситалари орқали рўёбга чиқарилади.

Мустақиллик йиллари мобайнида аҳолининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинди. Ушбу Миллий дастурда фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш; уларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш; давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини

ошириш; юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш каби масалалар ўз аксини топган.

Ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий онгдан фарқли жиҳати – ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти ҳам демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир.

Агар ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали жумладан, қонунчилик ва локал ҳужжатларга, (масалан, ички меҳнат тартиби қоидаларига) риоя қилинишига эришилса, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали эса жумладан ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши олди олинishiга ҳам эришилади.

Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданияти оширишда юридик хизмат ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги шаклларида кенг фойдаланади: ҳуқуқий таълим (ўқитиш ёки ўқиш); ҳуқуқий тарғибот (оғзаки ва оммавий ахборот воситалари орқали); қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири; ҳуқуқий ташвиқот; ҳуқуқий ахборот бериш; шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш.

2-§. Юридик хизмат томонидан мансабдор шахслар ва ходимларнинг ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил қилиш

Ҳуқуқий маданиятга эришишнинг асосий йўналишларидан бири – *ҳуқуқий тарбиядир*. Юридик адабиётларда ҳуқуқий тарбия тушунчасига ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий ғоя ҳамда низоларни ҳал этиш механизмини жамиятдаги бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказиш билан боғлиқ мақсадга йўналтирилган фаолият деб таъриф берилган. Ҳуқуқий тарбиядан мақсад инсоннинг ҳуқуқий онгини ва умуман жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Ҳуқуқий таълим мансабдор шахслар ва ходимларни ҳуқуқий тарбия ишида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳуқуқий таълим икки хил шаклда, яъни ўқитиш ва ўқиш шаклларида амалга оширилади. Ҳуқуқий ўқитишда юридик хизмат томонидан мансабдор шахслар

ҳамда ходимларнинг бевосита уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган мавзуларда ҳуқуқий ўқуви ташкил этилади. Бунда мансабдор шахсларга ва ходимларга амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушунтирилади. Ҳуқуқий ўқитиш бевосита юридик хизмат ходимлари томонидан ёки улар томонидан тақлиф этилган мутахассислар, назарий ёки амалиётчи ҳуқуқшунослар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Мансабдор шахслар ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий ўқуви шартнома асосида махсус ташкилотларда (масалан, Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Республика юристлар малакасини ошириш марказида, турли бизнес мактабларида ва ҳ.к.) ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ўқитишдан фарқли ўлароқ ҳуқуқий ўқишда мансабдор шахс ва ходим мустақил равишда ўзининг ҳуқуқий билимларини оширади. Бунда у ўзининг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган қонун ҳужжатларини, ҳуқуқий мазмундаги мақолаларни, ҳуқуқий адабиётларни, суд амалиёти материалларини ва шунга ўхшаш ҳуқуқий мазмундаги маълумотларни топади ва ўрганиб боради.

Ҳуқуқий таълимни ҳуқуқий тарбияда тутган ўрнини қуйидагича изоҳлаш мумкин, яъни тарбия инсон онгининг эмоционал-иродавий жиҳатларига ҳамда дунёқарашига таъсир кўрсатади. Ўқиш ёки ўқитиш эса инсонга ахборот-танишув таъсирини ўтказди. Бироқ эмоционал-иродавий таъсирлар ҳуқуқий амалиётда сезиларли даражада чекланган, чунки жамиятнинг онгида мавжуд бўлмаган ва фуқароларнинг фаолиятида кузатилмаётган ва фақатгина сўзларда айтилаётган кадриятларни фуқаролар томонидан ҳурмат қилинишига эришиб бўлмайди. Ушбу муаммо фақатгина фуқароларни ҳуқуқий ўқитиш ёки уларнинг ҳуқуқий ўқиши орқали бартараф этилиши мумкин. Бунда фуқаролар амалдаги юридик қоидалар билан ва ҳуқуқий амалиётда (муайян маъмурий ҳудудда ёки ташкилотда ёхуд чет давлатларида) самара бераётган илғор тажриба билан таништирилиб борилади. Президентимиз И.Каримовнинг таъбири билан айтганда, “Одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, уларнинг масъулиятини ошириш, ...қонун ҳукмронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз учун ҳаёт тарзига айланишига эришмоғимиз даркор”.

Ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий билимлар, ғоялар, амалдаги қонун ҳужжатларини, давлат томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни

аҳоли орасида тарғиб этиш ва тушунтиришни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий билимларни, ҳуқуқий ечимларнинг, ҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг, ҳуқуқ-атворларнинг у ёки бу вариантларини танлаш ҳамда уларнинг оқибатларини, ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш, уларни бажариш, муайян нормаларни қўллаш амалиётини оммавий равишда тарқатиш ва тушунтириш орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тарғибот оғзаки шаклда, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат асарлари воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бунда оммавий-ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар чоп этилади, ҳуқуқий адабиётлар нашр этилади, ҳуқуқий мавзуларда турли ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрланади. Ҳуқуқий тарғибот қайси соҳада ўтказилишидан қатъий назар доимо тизимли, тартибли ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Юридик хизмат ходими ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда юқорида айтиб ўтилган барча воситалардан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунда айниқса оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ҳуқуқий мазмундаги мақолалардан ҳамда ҳужжатли фильмлардан кенг фойдаланиш лозим.

Ходимларни ҳуқуқий тарбиялашда *қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири* муҳим ўрин эгаллайди. Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг таркибий тузилмаларида фаолият кўрсатувчи ходимлар бевосита ўзларининг вазифаларини ва функция бажаришлари учун муайян қонун ҳужжатларининг мазмунидан хабардор бўлишни, уларни қўллай олишни ва ҳатто ўзларининг фаолияти билан боғлиқ ишлар юзасидан судларда иштирок этишни тақозо этилади. Қонун ҳужжатларининг мазмунини ўзлаштириш ва уларни қўлланилиши билан боғлиқ юридик амалиёт ўз-ўзидан ходимларнинг ҳуқуқий тарбиясини оширишга олиб келади. Масалан, қонунларда муайян хатти-ҳаракат учун жиноий, маъмурий, иқтисодий, интизомий жазо чораларини белгиланганлиги фуқаролар ва мансабдор шахсларни ноқонуний фаолият билан шуғулланишдан тияди. Шунингдек, судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари (ҳукм, ҳал қилув қарори, қарор ва ҳ.к.) ҳам тарбиявий таъсир кучига эга.

Ҳуқуқий ташвиқот фуқаронинг онгига ва иродасига психологик таъсир этиш усулларида бири бўлиб ҳисобланади. Ташвиқот сўзи “даъват этиш, уйғотиш” маъносини англатади. Ҳуқуқий ташвиқот орқали фуқаролар қонун нормасида белгиланган доирада хатти-

ҳаракат қилишга чақирилади ёки даъват этилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий ташвиқот инсон онгига ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий ташвиқот ўзининг хусусиятлари билан ҳуқуқий тарғиботдан тубдан фарқ қилади. Ҳуқуқий тарғиботдан мақсад ҳуқуқий билимларни тарқатиш ва тушунтириш бўлса, ҳуқуқий ташвиқотда ҳуқуқ субъекти ва унинг ҳуқ-атвори тегишли даражада бўлишга чақирилади. Ҳуқуқий тарғиботда тақдим этиладиган ахборот ҳуқуқий ғоялар ҳамда ҳуқуқий нормалардан иборат бўлса, ҳуқуқий ташвиқотда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ахборот ролини ўйнайди.

Ҳуқуқий ташвиқот орқали, биринчи навбатда, ҳуқуқ субъектининг иродасига, сўнгра онгига инфор­мацион таъсир ўтказилади ва ушбу таъсир фуқарони ҳуқуққа хилоф ҳаракат қилмасликка ва қонуний ҳуқ-атворда бўлишга чорлайди. Ҳуқуқий ташвиқот орқали фуқароларнинг ҳуқ-атвори қонун нормалари талаблари доирасида бўлишига эришилади. Қонун нормаларининг мазмунини эса фуқаролар ҳуқуқий тарғибот ҳамда ҳуқуқий таълим воситалари ёрдамида ўзлаштириб олишади. Ҳуқуқий тарғибот амалдаги қонунчиликни, уни амалиётда қўллашни тарқатиш ва тушунтириш орқали фуқароларда ҳуқуқий дунёқарашни шакллантиради. Шунинг учун ҳуқуқий тарғиботдан мақсад фуқароларда ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш бўлса, ҳуқуқий ташвиқотдан мақсад фуқароларда ҳуқуқ нормалари талабларига жавоб берадиган ҳуқ-атворни шакллантиришдан иборат. Масалан, юридик хизмат корхона ходимларига шартномавий муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши тўғрисида маълумот бериш орқали ҳуқуқий тарғиботни амалга оши­рса, шартнома интизомига риоя қилишининг ижобий жиҳатларини ҳамда шартнома интизомига риоя қилмасликнинг салбий жиҳатларини, шунингдек, уларнинг оқибатларини кенг маънода тушунтириш орқали ҳуқуқий ташвиқотни амалга оширади.

Юридик хизмат томонидан давлат ва хўжалик бошқарув органлари тузилмасидаги ходимларни ўз вақтида ва етарли даражада *ҳуқуқий ахборот* билан таъминлаш уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқий ишлар сифатини ошириш, шартномавий муносабатларда уларнинг манфаатларини юқори даражада ҳимоя қилиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш имкониятини яратади. Маълумки, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг

фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилганлиги учун уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, нефть ва газ соҳасида қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги ёки енгил саноат соҳасидаги ҳужжатлардан ўзининг мақсади, мазмуни ва моҳиятига кўра тубдан фарқ қилиши мумкин. Ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тегишли субъект фаолиятига тўғри ва аниқ татбиқ этишда юридик хизмат муҳим ўрин эгаллайди. Бошқача қилиб айтганда, муайян соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг амалдаги ҳолатини, ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, назорат қилиб бориш (тегишли тартибда тизимлаштириш орқали) ҳамда раҳбарни, шунингдек, тегишли бошқарма (бўлим, хизмат) ходимларини бу ҳақда доимо хабардор қилиб туриш бевосита юридик хизматнинг вазифаларидан бирини ташкил этади.

Ҳуқуқий тарбиялашда *шахсий ҳуқуқий тарбия* муҳим ўрин эгаллайди. Ҳуқуқий тарбиянинг мазкур шакли сезиларли даражада самаралидир. Шахсий ҳуқуқий тарбия фуқаронинг ҳуқуққа бўлган ҳурматини шакллантириш, ўзини ўзи ўқитиш орқали ҳуқуқий қоидаларга қатъий риоя қилиш, ҳуқуқий воқеликни ҳамда шахсий амалиётни мустақил таҳлил этиш орқали амалга оширилади. Шахсий ҳуқуқий тарбия бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, бирорта давлат органининг, муайян ташкилотнинг ёки хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати томонидан маълум бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси кўриб чиқилиб, унга тегишли таклифлар билдириш, ҳуқуқий хатоларини тўғрилаш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд лойиҳанинг амалдаги қонун ҳужжатларга мос эмаслигини асослантирган ҳолда тегишли бошқарма (бўлим, хизмат)га қайтариш, у ердаги мансабдор шахснинг ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини оширишга муайян даражада хизмат қилади. Юридик хизмат томонидан ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига билдирилган фикрлар ва эътирозлар тегишли раҳбар, бошқарма (бўлим, хизмат) бошлиғи ёки мутахассис томонидан қайта кўриб чиқилиб, камчиликлар бартараф этилади. Натижада келгусида улар томонидан бундай хатоларга йўл қўйилмаслик учун замин яратилади.

Х БОБ

ЮРИДИК ХИЗМАТГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

1-§. Юридик хизматга раўбарлик қилиш тушунчаси ва шакллар

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда юридик хизматга раўбарлик қилишни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Юридик хизматга раўбарлик қилиш деганда, ҳўжалик юритувчи субъектнинг юқори турувчи органлари ва адлия органлари томонидан юридик хизмат фаолиятига оид ижро қилиниши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, услубий ва тавсиявий кўрсатмалар бериш орқали раўбарлик қилиш тушунилади.

Юридик хизматга раўбарлик қилишни амалга ошириш усулларига кўра - умумий ва услубий раўбарликка ажратилади.

Юридик хизматга умумий раўбарлик қилиш деганда, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юқори турувчи органлари ва адлия органлари томонидан улар ижро қилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар орқали раўбарлик қилиш тушунилади.

Масалан, юридик хизмат ходимларини адлия органлари томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши ва уларга бу ҳақда тегишли гувоҳнома бериши; вазирлик томонидан тармоқда ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида буйруқ қабул қилиниши.

Юридик хизматга услубий раўбарлик қилиш деганда давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан услубий ва тавсиявий кўрсатмалар бериш орқали раўбарлик қилиш тушунилади.

Масалан, нодавлат нотижорат ташкилот томонидан шартномаларни тузиш тартиби тўғрисида тайёрланган услубий қўлланма; вазирлик томонидан тайёрланган намунавий шартномалар ва х.к.

Услубий раҳбарлик орқали ҳуқуқий ишларни ташкил этиш ва юритишнинг энг самарали усул ва услублари белгиланади ва уларни қўллаш юзасидан тавсия ҳамда кўрсатмалар берилади.

Юридик хизматга раҳбарлик қилувчи органларнинг ваколат доирасига кўра - идоравий (вазирлик, давлат қўмитаси, идора, компания, уюшма ва х.к.) ва идоралараро (адлия органлари) турларга бўлинади.

Юридик хизматга идоравий раҳбарлик деганда вазирлик (давлат қўмитаси, идора, компания, уюшма ва х.к.) томонидан унга бўйсунувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига раҳбарлик қилиш тушунилади.

Идоравий раҳбарликни бошқарув органи апаратининг юқори функционал бўлимлари худди шу бошқарув апаратининг қуйи бўғинларига нисбатан амалга оширади. Масалан, вилоят ҳокимлигининг юридик хизмати туман ёки шаҳар ҳокимлигининг юридик хизматига, давлат ва хўжалик бошқаруви органининг юридик хизмати шу органларнинг жойлардаги ҳудудий тузилмаси ёки уларга тааллуқли бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига нисбатан идоравий раҳбарликни амалга оширади.

Бироқ идоравий раҳбарлик объектив сабабларга кўра барча хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати фаолиятида мавжуд эмас. Идоравий раҳбарлик мавжуд бўлиши учун хўжалик юритувчи субъект бирорта давлат ёки хўжалик бошқарув органига муайян даражада бўйсунган ёки унинг таркибига кирган бўлиши лозим.

Демак, юридик хизматга идоравий раҳбарликни амалга ошириш учун хўжалик юритувчи субъект муайян давлат ёки хўжалик бошқаруви органига маълум даражада бўйсунган ёки унинг таркибига кирган бўлиши талаб этилар экан. Ҳозирги пайтда эркин бозор иқтисодиёти шароити туфайли аксарият хўжалик юритувчи субъектлар мустақил равишда хўжалик фаолиятини юритмоқдалар ва улар давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари таркибига киришмайди. Айнан мана шундай хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати учун идоравий раҳбарлик мавжуд эмас.

Юридик хизматга идоралараро раҳбарлик деганда, адлия органлари томонидан идоравий бўйсунитиши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига раҳбарлик қилиш тушунилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик хизматга идоралар-аро раҳбарлик қилиш вазифаси адлия органларига юклатилганлиги туфайли мазкур раҳбарлик барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига нисбатан амалга оширилади. Масалан, Адлия вазирлиги исталган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига уларнинг фаолиятини такомиллаштириш учун мажбурий ва тавсиявий характерга эга бўлган кўрсатмалар бериш ваколатига эга.

Юридик хизматга идоравий ва идоралараро раҳбарликни амалга ошириш орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, уларнинг тузилмасига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг фаолияти такомиллаштирилиб, улар йўл қўяётган камчиликлар бартараф этиб борилади. Бу эса ўз навбатида ана шу давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги самарадорликни оширишга хизмат қилади.

2-§. Юридик хизматга адлия органлари томонидан раҳбарликни амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомда «...фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш» вазирликнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги қайд этилган. Низомга мувофиқ вазирлик мазкур вазифани қуйидаги функцияларни амалга ошириш орқали бажаради:

-юридик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

-давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштириш, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш амалиётини текшириш ва таҳлил қилиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва

ташкilotлар юридик хизматларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий иш тажрибасини ёйиш, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, уларни аттестациядан ўтказиш.

Вазирликлар, давлат кўмиталар ҳамда идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ҳам идоралараро услубий раҳбарликнинг элементларини кўриш мумкин. Чунки, Адлия вазирлиги республика бошқарув органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал қила туриб, бир вақтнинг ўзида мазкур органларга ва уларнинг юридик хизматига ҳуқуқий ижод фаолиятида юридик ёрдам кўрсатади. Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомда давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий раҳбарликни амалга ошириш вазирликнинг функцияларидан бири эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, вазирликка давлат ва хўжалик органларининг юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда бошқа бошқарув органлари ва корхоналар билан тузилган шартномалар асосида олиб борилиши ҳамда аттестация натижалари ҳақидаги хулосалар тегишли органлар ва корхоналарнинг раҳбарларига юборилиши белгилаб қўйилди. Замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш Адлия вазирлигининг функцияларидан бири эканлиги унинг низомида ҳам бевосита ўз аксини топган.

Адлия вазирлиги шартнома асосида юридик хизматларни қонунчилик материаллари, тўпламлар, ҳуқуқий масалалар бўйича бошқа қўлланмалар, шунингдек, юридик адабиёт билан таъминлайди. Энг асосийси давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади. Бундан ташқари, тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чоратадбирларини кўради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган бўлиб, улардан бири хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга ҳамда юридик хизмат ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашишдир.

Юклатилган вазифаларни ва юқоридаги функцияларни бажариш учун Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1) давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраш ва олиш;

2) давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

3) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга улар томонидан риоя қилиниши, шунингдек, уларнинг қўлланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида, бузилган ҳуқуқларни тиклаш,

етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек, тегишли органлар олдига бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилиши бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва унинг натижалари бўйича тегишли органлар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари зарур даражада қўлланилиши тўғрисида тақдимномалар киритиш;

6) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳуқуқий ишлар ҳолатини, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

7) хизмат мажбуриятларини қўпол равишда бузилишига йўл қўяётган юридик хизмат ходимларига берилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш.

Текшириш натижаларига кўра, ўз хизмат вазифаларини бажармаган давлат бошқаруви идоралари ва корхоналари юридик хизмати ходимлари вазирликнинг тақдимномасига асосан интизомий жавобгарликка тортилади. Юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга мансабдор шахслар томонидан қаршилик кўрсатилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказилса, мазкур мансабдор шахслар юридик жавобгарликка тортиладилар.

Адлия вазирлигининг юридик хизмат фаолиятини яхшилаш масалалари бўйича йўриқнома ва кўрсатмалари Ўзбекистон

Республикаси ҳудудидаги барча вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассаса, ташкилот, корхоналар ҳамда фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

Республика ҳукумати томонидан сўнгги пайтларда адлия органларининг бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ишлари ҳамда юридик хизматига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ваколатлари ва ҳуқуқларини кенгайтириб берилди.

Идоралараро услубий раҳбарлик функцияларини бажариш учун Адлия вазирлиги тузилмасида Халқ хўжалигида ҳуқуқий иш бошқармаси тузилган эди. Ҳозирги вақтда эса бу функция вазирликнинг “Шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш” бошқармаси томонидан амалга оширилмоқда. Бу бошқармага:

- Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектларида фаолият юритаётган юридик хизмат ходимлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- юридик хизмат ходимларининг иш фаолиятини яхшилаш юзасидан тавсияномалар ва услубий қўлланмалар тайёрлаш бўйича таклифларни юрисконсултларни аттестациядан ўтказиш комиссиясига тақдим қилиш;

- юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкил қилиш ва аттестациядан ўтувчи юридик хизмат ходимларининг шахсий ҳужжатларини комиссияга тақдим қилиш;

- аттестациядан ўтган юридик хизмат ходимларининг рўйхатини олиб бориш, уларга аттестациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномалар бериш;

- юридик хизмат ходимлари иштирокидаги семинар-йиғилиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш бўйича таклифларни вазирлик раҳбариятига тақдим этиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг шартномавий муносабатлар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари туман ва шаҳар ҳокимликларида юридик хизматни ташкил этиш, юрисконсулт лавозимиغا тавсия бериш, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- шартномаларни тузиш, даъво аризалари, талабномалар тайёрлаш соҳасида амалдаги қонунчилик юзасидан тушунтириш ишлари олиб

бориш, намунавий шартномаларни ва даъво аризаларни тайёрлаш ҳамла эълон қилиш каби вазифалар юклатилган.

Адлия органлари томонидан юридик хизматга раҳбарлик қилиш ҳўжалик юритишнинг янги усулларига ўтишни ҳукуқий таъминлашда ва норматив-ҳукуқий базасини тартибга солишда юридик хизматлар ролини ошириш имконини яратади.

3-§. Юридик хизматга бошқарув органлари томонидан раҳбарликни амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом”га мувофиқ бошқарув органининг юридик хизмати вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимидаги ҳукуқий ишларга раҳбарликни амалга оширади; ўзига қарашли корхоналарда бу ишларнинг аҳволини текшириб боради; вазирлик, идора, бошқа бошқарув органи раҳбариятига, ҳайъатига ҳукуқий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни муҳокама қилиш учун киритади; вазирлик, идора, бошқа бошқарув органлари тизимидаги ҳукуқий ишларнинг ва юридик хизмат фаолиятининг ижобий тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради, унинг амалда татбиқ этилишига кўмаклашади; ҳукуқий ишлар ва юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқади; корхоналарда юридик умум ўқувни ташкил қилишда тармоқ юридик хизматига ёрдам кўрсатади.

Вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомларда ушбу нормалар тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янада аниқроқ акс эттирилган. Шундай қилиб, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига юқори идоранинг юридик бўлими томонидан услубий раҳбарлик қилиш масалаларини ва тизимида ҳукуқий ишларга ушбу юқори идора томонидан умумий раҳбарлик масалаларини бири-биридан ажратишнинг имкони йўқ ва бу мақсадга мувофиқ ҳам эмас.

Шу сабабли уларни биргаликда кўриб чиқамиз. Ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига раҳбарлик қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-услубий кўрсатма ва тавсияномалар ишлаб чиқиш ва йўллаш;

-тармоқда мавжуд бўлган ҳуқуқий ишнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва ёйиш;

-хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишлар аҳволи ва юридик хизмат фаолиятини текшириш, аниқ чоралар кўрилиши учун таклифлар киритиш;

-хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ходимлари билан семинар-кенгашлар ўтказиш, шунингдек, юридик хизмат ходимларининг марказий (ишчи) аппаратнинг бошқа таркибий бўлинмалари ўтказадиган семинар ва йиғилишларда қатнашишини таъминлаш;

-намунавий хўжалик шартномалари, услубий тавсияномалар ва адлия органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан таъминлаш;

-хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати иши тўғрисида ахборот талаб қилиш;

-жойларга борган ҳолда энг мураккаб ҳуқуқий масалалар (шу жумладан хўжалик ва меҳнат низолари) бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

-бошқа бўлинмалар билан биргаликда юрисконсультлар малакасини ва тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ишини олиб бориш.

Ҳуқуқий ишнинг асосий қисмлари бўйича услубий кўрсатмалар, тавсияномалар ва ахборот хатлари тайёрлаш тармоқнинг барча юридик хизматларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ишда иштирок этадиган бошқа таркибий бўлинмаларини камраб олишга имкон берадиган услубий раҳбарликнинг муҳим шаклидир. Республика бошқарув органларининг юридик хизматлари ишлаб чиққан ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- юридик хизмат учун мулк сақланишини таъминлаш ишларини ташкил қилиш ва талабнома-даъво ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмалар;

- локал ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш, шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мукаммаллаштириш, ҳисобга олиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатма;

-тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда ходимларни ҳуқуқий тарбиялаш ишларини ташкил қилиш бўйича услубий тавсияномалар;

- хизмат текширувларни ўтказиш, моддий бойликлар етишмаган, ўғирланган, йўқотилган, нобуд қилинган ҳолларда, шунингдек, сифатсиз, ностандарт, бут бўлмаган маҳсулотлар тайёрланган вазиятларда материалларни расмийлаштириб тергов ва суд органларига топшириш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалар.

Ушбу услубий ҳужжатларни амалиётга татбиқ қилиш натижасида юридик ва бошқа бўлимларнинг иш фаолиятлари тўғри ташкил этилади ва энг муҳими юридик хизматнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ижобий таъсири кучаяди.

Давлат бошқарув органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ўтказиладиган текширувлар хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳуқуқий ишлар аҳволини назорат қилишнинг энг амалий ва ҳолис шакли бўлиб, у бошқарув органлари юридик хизматлари томонидан қўлланадиган синалган усул ҳисобланади. Юридик хизмат бундай текширувларни бошқарув органига бўйсунувчи бўғинлар ишини назорат қилувчи юқори ташкилот сифатидаги ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда ўтказди. Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳуқуқий ишларни текширишнинг қуйидаги икки хил шаклда амалга ошириши мумкин:

биринчиси, юридик хизматнинг умумий фаолиятини;

иккинчиси, юридик хизмат фаолиятининг айрим масалаларини.

Айрим вазирликлар ҳуқуқий ишларнинг аҳволини хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа фаолиятини текшириш билан биргаликда амалга оширишади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилаётганда вазирлик, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ходимлари жалб этилган ҳолда шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, талабнома ва даъво ишларининг аҳволи текширилиши мумкин. Ҳуқуқий ишларнинг асосий йўналишларини қамраб олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг бутун хўжалик фаолиятини комплекс текшириш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ барча бошқарув органларининг юридик хизматлари ҳам текшириш дастурига эга эмаслар, бу аҳвол текширувлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли текширувлар дастурига эга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда қуйидаги асосий масалаларнинг аниқланиши назарда тутилиши мумкин:

1) юридик хизматнинг қандай ташкил этилганлиги, ходимлари, уларнинг иш шароитлари, юридик адабиёт ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлиги;

2) ҳўжалик юритувчи субъектда қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли, ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларга виза қўйишнинг мажбурий тартиби белгиланганлиги, виза қўйишдан бош тортиш ҳоллари, юридик хизмат ходимлари аниқлайдиган хатоларнинг хусусияти ва улар томонидан кўриладиган чоралар; таркибий бўлинмалар томонидан чиқарилган буйруқ ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш, корхона раҳбарларининг буйруқларига прокуратура томонидан тақдимнома ёки протест киритиш ҳолатларининг ҳамда ноқонуний буйруқлар чиқариш фактларининг мавжудлиги;

3) талабнома ва даъво ишларини ташкил қилиниши, тақдим этилган талабнома ва даъволарнинг хусусияти, миқдори ҳамда уларни кўриб чиқиш муддатлари ва натижаларининг таҳлили; судга асоссиз даъво тақдим қилиш фактлари; юридик хизмат ходимининг ҳўжалик судида қатнашиши; даъво муддатларини ўтказиб юбориш ҳолларининг мавжудлиги;

4) ҳўжалик шартномаларини тузиш ишларининг ташкил қилиниши; шартнома тузмасдан ёки харидорнинг буюртмасини олмасдан маҳсулот етказиб бериш фактларининг мавжудлиги; шартнома алоқаларининг ўрнатилиши; шартнома олди низолари ва уларнинг тавсифи; тузилаётган шартномаларнинг юридик жиҳатдан асосланганлиги; шартномалар тузиш чоғида ҳўжалик юритувчи субъектнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш етарли даражада таъминланиши, шартномаларда маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи муносабатларидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларнинг кўзда тутилиши;

5) юридик хизматнинг ўғирлик, камомад ва етишмовчиликларга қарши курашдаги роли, материалларни тергов идораларига йўллаш муддатлари ва асослилиги; талон-торожлик, камомад, етишмовчилик ва ноишлаб чиқариш харажатлари оқибатида ҳўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни ундирилишини таъминлаш;

6) талабнома-даъво ва суд ишларини кўриб чиқиш натижаларини умумлаштириш иши; юридик хизматнинг ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти олдига ҳўжалик юритувчи субъектнинг молия-ҳўжалик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш борасида қандай

масалаларни қўйиши ва ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари;

7) юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилишни таъминлашда ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда иштирок этиши;

8) юридик хизмат ходимларининг қонунчиликни тарғиб қилиш борасидаги (суҳбат, маъруза, матбуотда чиқиш ва ҳоказо) ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш борасидаги ишлари.

Хўжалик юритувчи субъект юридик хизмати фаолиятини яхшилаш мақсадида ҳуқуқий ишларни текшириш ва ўрганиш бевосита уларга ёрдам кўрсатиш билан биргаликда олиб борилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар бўйича ҳисобот шакли ва уни тақдим қилиш тартиби расман белгиланмаган. Иқтисодий маълумотлар эса тарқоқ кўринишда, бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларида, уларга илова қилинган тушунтириш хатларида, маълумотлар тўпламларида, хўжалик суди ҳисоботларида мавжуд. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар эса, масалан, идоралар тақдимномаси, прокуратура протестлари ва суд қарорлари бўйича ўз ишига қайта тикланган шахслар сони, ўз хоҳишига биноан ишдан бўшаш сабаблари ва ҳоказо тўғрисидаги маълумотлар расмий ҳисоботда умуман акс эттирилмайди. Шу сабабли бошқарув органлари хўжалик юритувчи субъектлардан бир марталик маълумотларни сўрашга мажбур бўлишмоқда. Масалан, баъзи давлат бошқарув органларида уларга бўйсунувчи хўжалик юритувчи субъектлардан бажарилган ҳуқуқий ишлар тўғрисида ярим йиллик ва йиллик ахборот талаб қилинади. Ахборот раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан, унинг иловаси эса хўжалик юритувчи субъект юрисконсульти, бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Ахборотга қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

-юридик хизмат ходимларининг миқдор, сифат таркиби, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шакли, ҳуқуқ бурчаклари, жамоат юридик маслаҳати, меҳнат низолари ва мулкни сақлаш комиссияларининг мавжудлиги;

-тузилган хўжалик шартномалари ва битимлари сони;

-аниқланган талон-торожлик, жумладан, майда ўғирлик фактлари, зарар миқдори, ўғирлик ҳолларининг маъмурият, меҳнат жамоаси, судлар, ички ишлар бўлимлари томонидан кўрилиши; ўғирлик учун

ишдан бўшатишган ходимлар сони ва айбдор шахслардан ундирилган зарар миқдори;

-юридик хизмат томонидан ўтказилган текширишлар бўйича аниқланган хато ва камчиликлар; меҳнат қонунчилигига риоя қилиш, даъво ишининг ташкил этилиши;

-суд, хўжалик суди орқали ва талабнома тартибида хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига ундирилган сумма, шу жумладан, маҳсулот ва товарларни нотўлиқ, сифатсиз етказиб берганлик, идишларни ўз вақтида қайтармаслик, темир йўл томонидан юкларни етказиш муддатларининг ўтказиб юборилиши, қурилиш пудрати шартномасини бажармаслик, маҳсулот ва товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаслик, контрактация шартномалари мажбуриятларини бузганлик учун ундирилган жарималар;

-маҳсулот ва товарларни тўлиқ, сифатли етказиб бермаслик қурилиш пудрати шартномасини бажармаслик, идишни қайтариш муддатини бузиш, вагонлар ва автотранспорт воситаларининг бекор туриши, ташиш режасини бажармаслик, етказилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламаслик, юкларни етказиш жадвалини бузганлик учун хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз контрагентларига тўланган жарималар ва айбдор шахслардан жарима, пеня тўлаш натижасида келтирилган зарар бўйича ундирилган сумма;

-ҳуқуқий мавзуларда ўқилган маърузалар, раҳбарлар, мутахассислар, ишчи ва хизматчилар, моддий жавобгар шахслар ва юрисконсультлар учун ўтказилган семинарлар сони, қонунчиликни қўллаш бўйича маслаҳат ва тушунтиришлар бериш;

-юридик хизмат ходимларининг хат ва шикоятларни кўриб чиқиши.

Хўжалик юритувчи субъектда ҳуқуқий ишга бошқарув органлари томонидан раҳбарликнинг муҳим шакли улар томонидан ўтказиладиган юридик хизмат ходимлари семинарлари ва йиғилишларидир. Масалан, қатор вазирлик ва идораларда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларининг йиғилишлари ўтказилади, уларда юрисконсультлар ўтказган текшириш натижалари асосида ҳуқуқий ишни ташкил қилишни яхшилаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни кучайтириш чоралари муҳокама этилади.

Юридик бўлимлар бош ҳисобчилар, ишлаб чиқариш технология лабораториялари бошлиқлари, кадрлар бўлими ходимлари иштирокида юрисконсултьларнинг семинар-йиғилишларини ўтказишни амалиётда фаолроқ қўллай бошладилар. Уларда ҳуқуқий ишнинг шартномалар тузиш, уларни бажариш ва бажарилишини назорат қилиш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулотнинг зарур сифатини таъминлаш борасида ҳуқуқий ишни ташкил қилиш ва ҳоказо каби долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бундай семинар йиғилишларни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа йўқ, чунки қонунчиликни қўллаш амалиётда учрайдиган мураккаб масалаларни ҳеч қандай услубий кўрсатмалар ва ахборот хатларида олдиндан назарга олиб бўлмайди.

Ҳуқуқий ишлар даражаси ва юридик хизмат ролини ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётига ҳуқуқий воситалар таъсирини кучайтириш ва улар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида айрим вазирлик ва идораларда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг кўрик-танловлари ўтказилади. Юридик хизмат иши даражасини баҳолаш улар фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини намоиш қиладиган кўрсаткичдан иборат тизимда ўтказилади. Ижобий томонларга, масалан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда, таркибий бўлинмаларда ва ишлаб чиқариш бирликларида қонунчиликка амал қилишни мунтазам текшириш режасининг бажарилиши; ўғирликлар, камомад тўғрисидаги материалларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ўз вақтида топширилиши; талабнома-даъво ишини таҳлил қилиш; шартномаларни тўлиқ ва ўз вақтида тузиш; ундирилган жарималар суммаси; дебиторлик қарзини тугатишда иштирок этиш; ҳуқуқий мавзуларда ўқилган маърузалар ва ўтказилган семинар ва суҳбатлар сони ва бошқалар киритилган. Салбий кўрсаткичларга, жумладан, қуйидагилар киритилган: хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан юрисконсулт визасисиз, амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда имзоланган буйруқлар, шартномалар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар сони; юридик хизмат виза қўйган қонунчиликка зид келадиган буйруқлар сони; дебиторлик қарзлар бўйича даъво муддатларини ўтказиб юбориш ҳолатлари сони.

Кўрик-танловда энг яхши натижаларга эришганлар бошқарув органи фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Шундай қилиб, юридик хизматлар ишининг кўрик-танловларини

ўтказиш юридик хизматга идоравий раҳбарлик шаклларида бири ҳисобланади ва кенг тарқалиши мақсадга мувофиқдир.

Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш турли усулларда амалга оширилмоқда. Раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш махсус курслари ёки институтларида ўқитиш ва семинарийиғилишларда қатнашиш (улар кўп ҳолларда ушбу тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган мавзулар йўналишида ташкил қилинади) юқоридаги услубларнинг асосийлари ҳисобланади.

Амалиёт материаллари билан танишиш шунини кўрсатадики, юридик хизматга идоравий раҳбарлик барча вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органларида бир хил даражада олиб борилмаяпти. Бунинг сабабларидан бири шундан иборатки, кўпгина вазирлик, идораларнинг низомларида ва хўжалик бошқарув органлари уставларида тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига раҳбарлик қилиш кўзда тутилмаган, яна бир сабаби айрим вазирлик ва компанияларда ушбу иш ташкилотчиси юридик хизмат умуман йўқ ёки фақат бир кишидан иборат ва табиийки, у асосан марказий (ишчи) аппарат доирасида маслаҳат бериш, тушунтириш, буйруқ, йўриқнома ва фармойишларининг қонунийлигини назорат қилиш билан шуғулланади. Бироқ иш шароитлари тармоқда тартиб ўрнатиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш учун барча восита ва имкониятлардан фойдаланишга, янгича муносабатда бўлишни талаб қилади. Бу вазифаларни амалга оширишда вазирлик, идора марказий аппарати ва бошқа бошқарув органлари ишчи аппарати юридик хизмати ходимлари кўп иш қилишлари, энг аввало тармоқда ҳуқуқий ва ҳуқуқий тарбия ишига раҳбарлик қилишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юридик хизматга раҳбарликни тўғри йўлга қўйилиши хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳуқуқий ишлар самарадорлиги ошириш орқали уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, юридик хизмат ходимларининг масъулиятини оширишга эришилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
7. Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида”. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: “Ўзбекистон”, 2001
9. Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 156-173.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 174-222.
11. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б. 223-251.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
13. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сара изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Халқ сўзи” 2006 йил 11 февраль.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Халқ сўзи” 2006 йил 27 февраль.

II. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. -1997. -2-сон, - 54-модда
3. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – 2-сон.– 48-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. -Т.: «Адолат», 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – 9-сон. – 170-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1999, -1-сон, -14-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – 1-сон. – 12-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. -1999.-5-сон, -115-модда
9. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси.- 2001, - 1-2-сон,- 8-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. -2001, - 9-10-сон, -168-модда
11. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2002. – 12-сон. – 215-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2002. – 12-сон. – 213-модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2003.– 9-10-сон. - 136-модда.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2004, - 40-41-сон, - 433-модда.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2005. –5-сон. –161-модда.
16. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005 йил,- 3-4-сон, - 18-модда.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2005,- 1-сон, -3-модда
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони // ”Хабарнома”. – 1997. –2-сон. – Б. 45-47
19. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2005 йил 7-апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган.
20. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2005 йил 18-апрелдаги Қарори билан тасдиқланган.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1993. – 3-сон. – 8-модда.
22. “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом. //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1993. – 3-сон. – 8-модда.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1998. – 4-сон. – 17-модда.
24. “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом. //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1993. – 3-сон. – 8-модда.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – 15-16-сон.– 138-модда.
26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳақидаги Низом. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – №15-16. – 138-модда.
27. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 48-49-сон. – 496-модда.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. –1-2-сон. – 11-модда.

Махсус адабиётлар

1. Абдусаломов М.Э., Отахонов Ф.Х. Контрактация шартномалари: талабнома ва даъво аризалари. -Т.: «Адолат», 1998. – 200 б.
2. Адвокатская деятельность. Учебно-практическое пособие / Буробин В.Н., Власов А.А. и др. Изд. 2-е, перераб. и допол. - М.: ИКФ “ЭКМОС”, 2003. – 624 с.
3. Адвокатская деятельность. Учебно-практическое пособие / Буробин В.Н., Власов А.А. и др. – М.: Изд-во МНЭПУ, 2001. – 536 с.
4. Анохин В.С. Правовая работа в народном хозяйстве в условиях рыночной экономики. Воронеж: Институт экономики и права, 2001.
5. Айзин С.М., Тихомиров М.Ю. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. 2-е изд., перераб. и доп. М.: «Термика-М», 2004.
6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг. – М.: Статут, 2002. – 1038 с.
7. Введение в юридическую специальность. /А.А.Абдурахманов, А.А.Гришин и др. под ред. А.П.Коренева. – М.: Щит-М. 1999. – 144 с.
8. Жалинский А.Э. Профессиональная деятельность юриста. – М.: Юристь, 1997. – 151 с.
9. Иванов В.Н. Профессия – юрист. Справочные для абитуриентов и студентов учебных заведений юридического профиля.- М.: Издательство “Ось-89”. 1998. – 208 с.
10. Коммерческое (торговое) право: Учебник /Под.ред. Ю.Е.Булатецкого, В.А.Язева. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2002. – 960 с.
11. Коммерческое право. В 2 ч.: Учебник /Под ред. В.Ф.Попондопуло, В.Ф.Яковлевой.- 3-е изд., перераб. и доп.-М.: Юристь, 2002. – Ч.2. – 638 с.
12. Кучерена А.Г. Адвокатура. Учеб. - М.: Юристь, 2004. – 351 с.
13. Кузякин Ю.П. Юридическая служба. М.: МГИУ, 2002.
14. Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права: Хрестоматия – М.: Юристь, 2001. – Т.1. – 620 с.
15. Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ.пособие. – М.: Юристь, 2001. – 475 с.

16. Лубшев Ю.Ф. Курс адвокатского права: Учебник. 2-е изд. – М.: Профобразование, 2003. – 424 с.
17. Отахонов Ф.Х. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33.
18. Отахонов Ф.Х. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2001. – 7-8-сон. – Б.25-27.
19. Отахонов Ф.Х. Юридик хизмат янги босқичда// Ж. Қонун ҳимоясида – 2001 – 9-сон. – Б.26-27.
20. Отахонов Ф.Х. Корхона фаолиятида юридик хизматнинг аҳамияти// Ж.Ҳаёт ва қонун. – 2001. – 6-сон. – Б.73-74.
21. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли (Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари-илмий-амалий конференция материаллари).-Т., 2002. – Б.70-72.
22. ОтахоновФ.Х. Конституция ва юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати (“Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари” – илмий-амалий конференция материаллари), -Т., 2003. – Б.159-162.
23. Отахонов Ф.Х. Юридик хизмат ходимларини тайёрлашнинг айрим масалалари // Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2004. – 8-сон. – Б.11-13
24. Отахонов Ф.Х. Акционерлик жамиятлари. Т.: «Адолат», 1996. – 176 б.
25. Отахонов Ф.Х. Проблемы юридической службы органов управления Республики Узбекистан. Т. «Адолат», 1993. – 175 с.
26. Отахонов Ф.Х. Халқ хўжалигида юридик хизмат ва талабнома-даъво ишларини юритиш. Т. «Адолат» 1997. – 200 б.
27. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш масалалари. -Т.: ТДЮИ, 2003. – 50 б.
28. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат-ўқув қўлланмаси / Т.: ТДЮИ, 2003. – 140 б.
29. Отахонов Ф.Х. Участие адвоката в хозяйственном процессе (учебное пособие). – Т.: ТГЮИ, 2005. –197 с.
30. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (ўқув- услубий қўлланма). – Т.: ТДЮИ, 2006.– 98 б.
31. Отахонов Ф.Х., Амонов Д.Х. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. -Т.: ТДЮИ, 2006. - 116 б.

32. Пугинский Б.И., Неверов О.Г. Правовая работа. М.: «Зерцало-М», 2004.
33. Попондопуло В.Ф. Коммерческое (предпринимательское) право: Учебник.-М.: Юристь, 2003. – 668 с.
34. Профессиональные навыки юриста: Опыт практического обучения /Л.А.Воскобитова. Л.П.Михайлова и др.; Под.ред Л.А.Воскобитовой.– М.: Дело, 2001. – 416 с.
35. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: (Қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти масалалари) / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов.-Т.: ТДЮИ, 2004. – 310 б.
36. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. Т. «Адолат» 2000, -144 б.
37. Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 252 б.
38. Тадбиркорлик ҳуқуқи-Дарслик- Умумий қисм: Раҳмонқулов Ҳ., Рўзиназаров Ш. ва бошқалар. Т.: Консаудитинформ, 2002. – 672 б.
39. Тихомиров М.Ю. Айзин С.М. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. М., 2005.
40. Қодиров К. Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 692 б.
41. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта /С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров–М.: 2001. – 559 с.
42. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат. (тузувчи Отахонов Ф.Ҳ.) // Норматив ҳужжатлар тўплами. Т.: «Адолат», 1994.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**1998 йил 29 август
670-I-сон**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.
1998, 9-сон, 170-модда.)

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ- ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

2-модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. Хўжалик шартномаси тушунчаси

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

4-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
шартнома интизомига риоя этиш;
тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

5-модда. Хўжалик шартномаларининг субъектлари

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

6-модда. Хўжалик шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усуллари кўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шарт-номада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7-модда. Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари

Хўжалик шартномаси тарафлари;

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт. Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контрактация шарт-номаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб боради;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўради.

9-модда. Давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади;
хўжалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг аҳволи тўғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштиради;
қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради;
хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;
хўжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

II. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, БАЖАРИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10-модда. Хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар

Хўжалик шартномаси шартнома предметини етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизиитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Хўжалик шартномасини тузишда тарафлар тегишли турдаги шарт-номалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шакллариغا) амал қилишлари мумкин.

Контракция шартномаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади. Контракция шартномасида бошқа талаблар билан бир қаторда етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозим.

11-модда. Хўжалик шартномасининг шакли

Хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Агар шартнома тузиш таклифи ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, талетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

12-модда. Хўжалик шартномасини тузиш

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

13-модда. Хўжалик шартномасининг амал қилиши

Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

14-модда. Хўжалик шартномасини бажариш

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

15-модда. Хўжалик шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки хўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса ўттиз кунлик муддатда

жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

16-модда. Ички хўжалик шартномасини тузиш

Ички хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ёки хўжалик юритувчи субъект ва унинг ходими (бир гуруҳ ходимлари) ўртасида тузилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш юзасидан ички хўжалик шартномаларининг ўзлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузган хўжалик шартномаларидагидан кам бўлмаган ҳажмда тузилишини таъминлашлари шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички хўжалик шартномаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353-385-моддаларининг нормалари қўлланилади.

III. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАР ВА ДАЪВОЛАР БИЛДИРИШ

17-модда. Талабнома билдириш тартиби

Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади. Талабномада қуйидагилар кўрсатилади:

- талабнома билдирган хўжалик юритувчи субъектнинг ва талабнома билдирилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;
- талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;
- талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;
- талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;
- арз қилувчининг талаблари;
- талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;
- талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Талабнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа хўжалик юритувчи субъектларига билдириш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказади.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

19-модда. Даъво аризасини бериш ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиш

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда,

шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси бериши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексининг 102-121-моддалари қоидаларига кўра белгиланади.

IV. ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20-модда. Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш

Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

21-модда. Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма ҳулосасидан кейингина тузилади.

Ҳулосада, қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

22-модда. Хўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текшириш

Хўжалик шартномаларининг тарафлари хўжалик шартномалари ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик шартномалари бажарилиши учун чора-тадбирлар кўриши, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек зарур ҳолларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

23-модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга

етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

25-модда. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома

мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

26-модда. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

27-модда. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик

Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан

бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунча қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

28-модда. Товарларни марка белгисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик

Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига(буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

29-модда. Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун жавобгарлик

Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

30-модда. Тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик

Жўнатишган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатишганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

31-модда. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик

Товарларни олиб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланиши талаб қилишга ҳақлидир.

32-модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи

миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

33-модда. Маблағларни акцептсиз ўчириб ташлаганлик учун жавобгарлик

Ҳисоб варақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

34-модда. Зарарни тўлаш

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Қўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар, мол-мулк йўқолиш ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган лекин ололмай қолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

35-модда. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома

муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48 - моддаларига мувофиқ фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 1761, 1762, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

36-модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ
2000 йил 14 декабрь
160-II-сон**

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси.
2001, 1-2-сон, 8-модда.)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси

Ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗАРО НИСБАТИ

5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари

Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатиغا нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

III. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқни тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини норматив- ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади. Тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа келишилган давлат органлари, шунингдек, ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ва улар ҳақидаги асосли фикр қисқача баён этилади.

Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистикаси маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳукукий экспертиза давомида норматив-ҳукукий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳукукий экспертиза норматив-ҳукукий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳукукий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳукукий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳукукий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳукукий ҳужжатнинг лойиҳаларининг экспертизасини ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмасдир.

19-модда. Норматив-ҳукукий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳукукий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳукукий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳукукий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳукукий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳукукий ҳужжатда ушбу

мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тўтилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни қуйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни-Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони - Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари - ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари - тегишли ҳоким томонидан.

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг реквизитлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами;

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

23-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

IV. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами", "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нашр этиладиган "Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси", вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий нашрлар ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида

давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

27-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изох берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда унда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тугатилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қуйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам нашр этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нашр этади ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириқлар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади, мажмуаларни назорат ҳолатида сақлайди, уларга қўшимчалар нашр этади, уларни қайта нашр этади.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат томонидан ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

Қонун 2001 йил 4 январдан кучга кирган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИ
2001 йил 29 август.
257-II-сон

ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА
(янги таҳрири)

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.
2001, 9-10-сон, 168-модда.)
(Кўчирма)

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

**2-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура
органларининг асосий вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

6-модда. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган

талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

7-модда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

II БЎЛИМ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ

10-модда. Прокуратура органларининг тизими

Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;
- туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;

- вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;

- туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

III БЎЛИМ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

11-БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ

20-модда. Назорат предмети

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

21-модда. Қонунлар ижросини текшириш

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

22-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва

хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

23-модда. Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги

Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашishiга, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди.

IV БЎЛИМ. СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

33-модда. Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради.

Ишлар судларда кўрилатганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт.

34-модда. Ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш

Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор ёки унинг топшириғига биноан прокуратура органларининг бошқа ходимлари судларда бундай ишларнинг ҳар қандай тоифасини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

35-модда. Суд қарорларига протест келтириш

Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли.

Протест келтириш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади.

36-модда. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш

Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига нисбатан келтирилган апелляция, кассация, хусусий ва назорат тартибидаги протест ишни судда кўриш бошлангунга қадар протест келтирган прокурор томонидан, шунингдек юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олиниши мумкин.

V БЎЛИМ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ХУЖЖАТЛАРИ

37-модда. Прокурор назорати ҳужжатларининг турлари

Протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир.

38-модда. Протест

Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

39-модда. Қарор

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки

интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

40-модда. Такдимнома

Прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги такдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Такдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Такдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

41-модда. Ариза

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ
2004 йил 3 декабрь
712-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
2005, 1-сон, 3-модда)
(Кўчирма)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

2-модда. Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Палатанинг мақсади

Палата тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

4-модда. Палатанинг вазифалари

Палатанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига оловчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

5-модда. Палата билан давлат органларининг ўзаро муносабатлари

Давлат органлари Палатага у ўз вазифаларини бажаришида кўмаклашадилар ҳамда Палатанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг Палата фаолиятига ҳамда Палатанинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

II. ПАЛАТАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6-модда. Палатани ташкил этиш

Палата муассисларнинг ташаббусига кўра ихтиёрий бирлашиш принципи асосида ташкил этилади.

Палата муассислари Палатанинг таъсис конференциясини чақирадилар, унда Палатанинг устави қабул қилинади ҳамда бошқарув ва назорат органлари тузилади.

7-модда. Палата тизими

Палата Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади.

8-модда. Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишинча Палатанинг битта ҳудудий бошқармаси тузилиши мумкин.

Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс ҳисобланади ва Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Палатанинг ҳудудий бошқармалари, заруратга қараб, юридик шахс бўлмаган туман ва шаҳар филиалларини тузиши мумкин.

9-модда. Палатага аъзолик

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти субъектлари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилотлар Палата аъзоси бўлиши мумкин.

Палата аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилот билан Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

III. ПАЛАТА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

13-модда. Палатанинг ҳуқуқлари

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасида ва чет давлатларда ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлашда, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ҳудудидан ташқарида кўргазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

ҳалқаро ва чет эл ташкилотларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳада Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шу жумладан халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

чет эллик шериклар мурожаат этган ҳолларда товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

Палата аъзоси бўлмиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда кўмаклашиш;

давлат бож тўламасдан судга Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари

Палата аъзолари Палата уставида белгиланадиган тартибда ҳамда миқдорларда кириш ва аъзолик бадаллари тўлайди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992, №2, 98-модда)

(Кўчирма)

Адлия органларининг ролини ва масъулиятини ошириш, қонун чиқариш фаолиятини кучайтириш, аҳолига ҳуқуқий хизматни яхшилаш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

давлат ва хўжалик органларининг юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш, шунингдек фуқароларга ҳуқуқий ёрдам бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятига лицензия бериш,

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган ҳамма учун мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.Каримов

*Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 январь
№ ПФ-314*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

1993 йил 2 март

№118

**Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва
корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш
хақида**

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами,
1993, 3-сон, 8-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 1992 йил 8 январдаги Фармониға мувофиқ ва давлат бошқарув органлари ҳамда корхоналардаги юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликнинг таъминланишида уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш Адлия вазирлиги томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа бошқарув органлари ва корхоналар билан тузилган шартномалар асосида олиб борилади. Аттестация натижалари ҳақидаги хулосалар тегишли органлар ва корхоналарнинг раҳбарларига юборилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги:

1993 йил охиригача вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа бошқарув органлари ва корхоналарининг юридик хизмат ходимларини қайта тайёрласин ва аттестациядан ўтказсин,

бир ой муддат ичида қайта тайёрлаш ва малака ошириш Дастурини ҳамда юридик маслаҳатчиларни аттестациядан ўтказиш комиссиялари ҳақидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин,

давлат бошқарув органлари ва корхоналарнинг маълумотлари асосида юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш жадвалини тузсин ва уларга етказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1993-94 ўқув йилидан бошлаб олий юридик ўқув юртларининг кейинчалик юридик маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган талабаларнинг давлат бошқарув органларида ва корхоналарда мажбурий стажировкадан ўтишларини ташкил этсинлар.

5. Юридик маслаҳатчилар ишлаётган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа бошқарув органлари, мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, ҳокимликларнинг адлия бошқармалари билан 1993 йилнинг 1 майига қадар ишлаётган юридик маслаҳатчиларнинг тегишли равишда Қонунчилик муаммоларини тадқиқ қилиш институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги “Адолат” ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ва адлия органлари томонидан бунинг учун жойларда ташкил этиладиган курсларда малакаларини ошириш ва кейинчалик уларни аттестациядан ўтказиш ҳақида шартномалар тузсинлар.

6. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар:

2 ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва унинг жойлардаги органларига ишлаётган юридик маслаҳатчилар ва уларга бўлган эҳтиёжлар ҳақида маълумотлар берсинлар;

юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш натижаларига қараб, бу лавозимларни тегишли ихтисосга эга бўлган мутахассислар билан таъминлаш масаласини ҳал этсинлар;

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1972 йил 10 июлдаги 285-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1972 йил 6-сон, 35-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

**Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва
корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги**

Н И З О М

Ушбу Низом давлат бошқарув органлари, шунингдек, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар юридик хизматининг ҳуқуқлари, бурчларини ва масъулиятларини белгилайди.

**I. Юридик хизмат ходимлари лавозимларини
эгаллаш тартиби**

1. Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бошқарув органларида ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда юридик маслаҳатчи бўлиб ишлаши мумкин.

Вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва республиканинг бошқа бошқарув органи юридик бўлинмасининг бошлиғи ёки юридик маслаҳатчиси лавозимини эгаллаш учун камида 5 йиллик юридик маслаҳатчи иш тажрибасига эга бўлиш зарур.

2. Олий юридик ўқув юртлари кейинчалик юридик маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган талабалар учун таҳсилнинг охириги курсида амалий кўникмалар ҳосил қилиш учун бевосита давлат бошқарув органлари ёки стажировка ташкил қиладилар.

3. Давлат бошқарув органлари ва корхоналар, ёш мутахассислар ва ҳомиладор аёллардан ташқари, барча юридик хизмат ходимларини 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармаларига қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш учун юборишга мажбурдирлар.

Аттестация комиссияларининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Қайта тайёргарлик ва аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва тегишли хулоса бериш Адлия вазирлиги томонидан тегишли органлар ва корхоналар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш учун

тўланадиган ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтган юридик маслаҳатчиларнинг рўйхатлари олиб борилади.

Юридик маслаҳатчи аттестациядан ўта олмаса у 6 ой муддатдан сўнг яна қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиш учун юборилиши мумкин.

Агар фуқаро аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлса, у Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари комиссияларининг қарорлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига арз қилиши мумкин.

5. Республика хўжалик органларида ва бошқарув органларида ишловчи юридик маслаҳатчиларни аттестациядан ўтказишни Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик органларида, бошқарув органларида ва корхоналарида ишловчи юридик маслаҳатчиларни аттестациядан ўтказишни тегишли адлия бошқармалари амалга оширадилар.

6. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик органлари ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан ушбу Низомнинг 1-бандида белгиланган юридик маслаҳатчи лавозимларини эгаллаш тартибига қандай риоя этилаётганини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалга оширади.

Ушбу тартиб бузилса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари бузилишларни бир ой муддат ичида бартараф этиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма беради. Бузилишлар кўрсатилган муддатда бартараф этилмаса, адлия органлари амалдаги қонунни ижро этмаган мансабдор шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. Бошқарув органлари ва корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича юридик маслаҳатчиларининг самарали ишларини таъминлаш, уларнинг фаолиятида қонунчиликни таъминлаш мақсадида бу органлар ва корхоналар юридик хизматларининг бир маромда ишлаши учун зарур шароитлар яратишга мажбурдирлар. Адлия вазирлиги юридик хизматларни қонунчилик материаллари, тўпламлар, ҳуқуқшунослик масалалари,

шунингдек, юридик адабиётлар билан шартнома асосида таъминлайди.

II. Бошқарув органлари ва корхоналар юридик хизматининг вазифалари

Бошқарув органининг юридик хизмати:

а) бошқарув бўлинмалари билан биргаликда марказий аппаратда ҳамда вазирлик, идора, бошқа бошқарув органи тизимида қонунчиликнинг тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Қўйи бошқарув органлари ва корхоналарнинг амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда чиқарилган ҳужжатларни бекор қилиш учун чора-тадбирлар кўради;

б) раҳбарларга имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради ва уларга виза қўяди.

Идоравий норматив ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлигини юридик хизмат томонидан олдиндан текширилмасдан чиқарилишига йўл қўйилмайди;

в) вазирликка, идорага, бошқа бошқарув органига келадиган ва улар томонидан чиқариладиган норматив ҳужжатларни тартибли ҳисобга олишни ва сақлашни ташкил қилади, бошқа бўлинмалар билан биргаликда норматив ҳужжатларининг тўпламларини нашр этиш ишларини бажаради; вазирликлар, идоралар бошқа бошқарув органларининг амалдаги норматив ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ёки ўз кучини йўқотганларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди;

г) тизимда ҳўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, ижара муносабатларини ва меҳнатни рағбатлантиришни ташкил этишнинг бошқа самарали шакллари жорий этиш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни яхшилаш, ҳўжалик шартномаларининг ролини ошириш ва унинг бажарилиши учун масъулиятини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

д) ўзига қарашли корхоналар чет эл компаниялари ва фирмалари билан иқтисодий ва илмий техник алоқалар ўрнатганда уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

е) маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилишини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, камомадлар,

ўғирлашлар, қўшиб ёзишлар ҳамда самарасиз харажатлар ва нобудгарчиликларнинг олдини олиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга қаратилган ҳуқуқий тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади.

ж) тармоқдаги даъво қўзғатиш ишларининг аҳволини ва унинг амалиётини таҳлил қилади, хўжалик суди томонидан низоларни кўриб чиқиш натижалари бўйича корхоналар фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

з) судда, хўжалик судида, бошқа ташкилотларда ҳуқуқий масалалар кўрилаётганда белгиланган тартибда вазирликнинг, идоранинг, бошқа бошқарув органининг манфаатларини ифодалайди;

и) вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимидаги ҳуқуқий ишларга раҳбарликни амалга оширади;

Ўзига қарашли корхоналарда бу ишларнинг аҳволини текшириб боради, бу ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органининг раҳбариятига, ҳайъатига киритади;

вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимидаги ҳуқуқий ишларнинг ва юридик хизматлар фаолиятининг ижобий тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради, унинг амалда татбиқ этилишига кўмаклашади;

ҳуқуқий ишлар ва юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқади;

к) вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органлари марказий аппарати ходимларининг юридик умумий ўқувини ташкил этишда ва ўтказишда қатнашади, тармоқ юридик хизматга уни корхоналарда ташкил этишда ёрдам беради, қонунчиликни тушунтиришга оид ишларни олиб боради;

л) замонавий техника воситаларидан фойдаланиш асосида қонунчилик бўйича ахборот-маълумотнома ишларини олиб боради амалдаги норматив ҳужжатларга киритилган янги ўзгартиришлар ҳақидаги ахборотни, Адлия вазирлиги кўрсатмалари ва республика хўжалик судларининг тажрибасини ўзига қарашли корхоналарга тезкорлик билан еткази, вазирлик, идора раҳбариятига қонунчилик бўйича маълумотнома материалларини тайёрлайди, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

м) вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимида қонун бузилишлари аниқланган тақдирда юридик хизмат зарур чоралар

кўриш, бундай камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун тегишли раҳбарга бу ҳақда ахборот беради.

9) Корхоналарнинг юридик хизмати:

а) корхона ишининг ҳуқуқий таъминлашини ташкил этади, бўлинмаларнинг иқтисодий жавобгарлигини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг бошқа масалаларини тайёрлаш ва жорий қилишда иштирок этади;

корхонада белгиланган ички хўжалик даъволарини кўзга ш ва кўриб чиқиш тартибга риоя этилишини назорат қилади.

Иқтисод, молия, ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилади, самарасиз харажатларнинг таркибини ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, баланс ҳисобидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва уларни ўғирлашлар бўйича материалларни расмийлаштиради;

б) қонунчилик актлари, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатларини, корхона маҳаллий норматив актларининг тартибга солинган ҳисобини ва сақланишини ташкил этади, бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг идоравий норматив ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради;

в) корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди.

Корхона ҳуқуқий актларини, уларнинг амалдаги қонунларга мувофиқлиги тўғрисидаги юридик хизматнинг визаси бўлмаса, чиқарилишга йўл қўйилмайди;

д) бошқа корхоналар билан хўжалик шартномалари, шунингдек, чет эл компаниялари ва фирмалари билан контрактлар тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашади, шартномалар ва контрактлар лойиҳаларига виза қўяди;

е) даъво ишларини олиб боради, судда, хўжалик судида, шунингдек бошқа органларда ҳуқуқий масалалар кўрилаётганда белгиланган тартибда корхона манфаатларини ҳимоя қилади, даъво ишлари агар бошқа бўлинмалар томонидан олиб борилса, бу ишга раҳбарликни амалга оширади;

ж) моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари, бузилишлар ва суиистеъмолликлар топилган тафтиш ва қайта рўйхатга олиш актлари бўйича ҳуқуқий ҳулосалар беради;

з) меҳнат жамоаси томонидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этишда ўзини-ўзини бошқаришни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишига ёрдам беради, жамоа шартномасини тайёрлашда ва тузишда қатнашади, меҳнат жамоаси кенгашига, касаба уюшмаси кўмитасига ва бошқа жамоат ташкилотларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

и) юридик умумий ўқувни ташкил этишда ва уни амалга оширишда қатнашади, ходимларни амалдаги қонунлар билан таништиради;

к) корхона фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланса, бу ҳақда уларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш учун раҳбарни хабардор қилади.

III. Юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти

10. Юридик хизмат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) давлат бошқарув органи, корхона, тузилма бирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи билан танишиш, тафтиш ўтказишларда ва қайта рўйхатга олишларда қатнашиш;

б) мансабдор шахслардан давлат бошқарув органларида, корхоналарда белгиланган тартибда ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар ва ўз бурчларини бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни олиш;

в) раҳбариятга қонун бузишларни бартараф этиш, келтирилган зарарни қоплаш, амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминламаган ёхуд бузаётган бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарларини, бошқа ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар тақдим этиш;

г) давлат бошқарув органи ва корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ юридик хизмат томонидан ўтказиладиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг ходимларини жалб этиш;

д) давлат бошқаруви органи, корхона раҳбарияти томонидан чиқариладиган ҳайъат мажлисларида, тегишли кенгашларда, йиғилишларда иштирок этиш.

11. Юридик хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ушбу Низомда кўзда тутилган вазифаларни бажармаганликлари учун интизомий ва моддий жавобгардирлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари давлат бошқарув органлари, корхоналарнинг юридик хизмат ходимларини ўтказиладиган текширишлар натижалари бўйича уларни ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидирлар.

12. Юридик хизмат ходимларига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган бошқа ишларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

Юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга қаршилик кўрсатувчи мансабдор шахслар, унинг оқибатида қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича юридик жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**1998 йил 24 апрель
№177**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Хўжалик
юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома
мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг
жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида” 1998 йил 4 мартдаги
ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш
чора-тадбирлари ҳақида**

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами
1998, 4-сон, 17-модда)

(Кўчирма)

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди:

шартномалар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва хўжалик судларида даъво қўзғашлари, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида йўл қўйилган зарарни қоплашлари юзасидан бир ой муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритсинлар;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда хўжалик шартномаларини, шу жумладан, контрактация шартномаларини тузиш ва уларни бажариш масалалари юзасидан раҳбарлар ва мутахассисларни ўқитиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи семинарларни мунтазам равишда ўтказсинлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари учун юридик маслаҳатлар беришни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳудудий бўлинмаларининг амалиётига киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий хўжалик суди ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя қилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан

жойларда амалий ишлар олиб борилишини таъминласин, бунда юридик хизматлар ўрнини мустаҳкамлашни, барча қонун ҳужжатларининг амал қилишини ва хўжалик судлари қарорларининг сўзсиз ижро этилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратида Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари тузилмаларида тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, янгидан ташкил этилаётган тузилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди корхоналарга шартномалар, шу жумладан, контракция шартномалари тузишда уларга мунтазам равишда ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатсинлар, қонунчилик билан белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларни ва, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, хўжалик судлари қарорлари бажариши таъминланишига кўмаклашсинлар.

7. Маҳаллий ҳокимият органларининг ишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимлари аппарати тузилмасида штатда белгиланган ходимлар сони доирасида юрист лавозими назарда тутилсин:

Белгилансинки:

кўрсатиб ўтилган лавозимларга юристлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимлар томонидан тайинланади;

туман ва шаҳар ҳокимликларининг юридик хизмати тегишли ҳокимга ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмасига ҳисоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги тўғрисида
НИЗОМ**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
2003.15-16-сон. 138-модда.)

(Кўчирма)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади) давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

2. Вазирлик тизимида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради (кейинги ўринларда матнда адлия органлари ва муассасалари деб юритилади).

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунади.

**II. ВАЗИРЛИКНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

6. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

2) Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

3) жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

6) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

7) хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш;

8) юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

9) тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

10) замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

7. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

а) қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарликни амалга оширади;

қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади;

қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказди ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан ҳулосалар беради;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимга солинишини ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим қилади, қонун ҳужжатларини кодекслаштириш бўйича ишларни олиб боради;

б) идоравий норма ижодкорлиги соҳасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказди;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, шунингдек уларни қўллаш бўйича ишларини назорат қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб туради;

в) қонунчиликни тизимлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини туркумлаш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкини (фондини) шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси тармоқ қонунчилигининг умумҳуқуқий классификаторини ривожлантирилишни амалга оширади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилайди ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

г) ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида:

ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижалари бўйича таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ўз ваколатлари доирасида ҳулосалар беради;

3) давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳволини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимлар аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

ҳуқуқ соҳасида таълим ишлари методик жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг улардан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларини, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" расмий нашр этилишини ташкил этади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

б) адвокатура ва юридик хизматларни ривожлантириш бўйича:

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда малака комиссиялари ваколатларини ва улар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда адвокатларнинг Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди;

адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг реестрини юритади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари ва адвокатларнинг Олий малака комиссиясининг фаолиятига методик ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади;

адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини ўрганади ва оммалаштиради;

адвокатлар малакасини ошириш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан адвокатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради;

адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек адвокатларнинг касбий тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг адлия органларига статистика ҳисоботи тақдим қилиш шакллари тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

юримдик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиради, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш амалиётини текширади ва таҳлил қилади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юримдик хизматларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий иш тажрибасини ёйиш, юримдик маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради, уларни аттестациядан ўтказди;

6) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

ҳуқуқий таъминот самарадорлигини оширишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун

ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик корхоналарни, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчилиқни қўллаш амалиётини ўрганади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

назорат қилувчи органлар ўтказётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганади;

давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлайди, ўрганади ва мониторингни амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилади;

7) шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида:

хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

шартнома интизомини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

хўжалик юритувчи субъектларни ва энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган чоралар қўлланилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш ишларини олиб боради;

10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

давлат органларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни Тошкент давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида, Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги академик лицейда ва Вазирлик тизимининг бошқа ўқув юртларида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қилади;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларининг кадрлар захирасини яратади, кадрларни тайёрлашни ташкил этади, танлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда жой-жойига қўйишда қатнашади, уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

12) ҳуқуқий статистика соҳасида:

давлат органлари ва бошқа органлардан олинган ҳуқуқий статистика маълумотларини умумлаштиради ва таҳлил қилади, ушбу масалалар бўйича статистика ҳисоботи юритиш ва таҳлил қилишга методик раҳбарликни таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларида статистика ҳисоботи ва бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари шакллари ишлаб чиқади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплайди ва ўрганади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олишни, шунингдек адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича статистикани юритади;

14) суд-эксперт, илмий ва таълим муассасаларини ривожлантириш соҳасида:

ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этади;

Республика юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи ва бошқа адлия муассасалари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

8. Вазирлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига бўйсунувчи республика органлари ва ҳудудий органлар орқали амалга оширади.

III. ВАЗИРЛИКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

9. Вазирлик ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасида таҳлилий, статистика материаллари ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

3) давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлардан қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга улар томонидан риоя қилиниши, шунингдек уларнинг қўлланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

6) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек тегишли органлар олдига бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

7) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат реестридан

чиқариш ёхуд уларнинг (тўлиқ ёки қисман) амал қилишини тўхтатиш;

8) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда уларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

9) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилиши бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганиш. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли органлар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари зарур даражада қўлланилиши тўғрисида тақдимномалар киритиш;

10) Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) ҳолатлари юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиш учун киритиш;

11) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш.

Кўрсатиб ўтилган органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини ва унинг сабаблари ҳамда унга кўмаклашувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чоратадбирларини кўриш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

15) адвокатлар ва нотариусларга берилган лицензияларнинг белгиланган тартибда амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш;

16) адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

17) адвокатлик бюрolari, хайъатлари ва фирмаларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф қилиш тўғрисида кўрсатмалар юбориш;

18) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳуқуқий ишлар ҳолатини, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

19) хизмат мажбуриятларини қўпол равишда бузилишига йўл қўяётган юридик хизмат ходимларига берилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш;

20) тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

21) барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган:

- аниқланган қонун ҳужжатлари бузишларини, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

- тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида;

22) Конституцияда ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаганда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўйиш;

23) вазирликлар, идоралар, назорат қилувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи қарорларини ва шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни тўхтатиб қўйиш;

24) жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига тақдимномалар киритиш;

25) тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

26) фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш;

27) хўжалик шартномалари бажарилиши жараёнини назорат қилиш, шартнома интизоми бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва судларда даъво қўзғашлари, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарарни қоплашлари юзасидан белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритиш; тақдимномада баён қилинган талаблар белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда ваколатли органлар ёки судлар олдига шартнома интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

28) адлия органларида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига амал қилишини текшириш, улардан керакли ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатиб ўтилган юридик шахсларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, таъсис ҳужжатларини ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун мансабдор шахсларни белгиланган жавобгарликка тортиш, шунингдек, уларнинг айби билан давлатга ёки корхонага етказилган моддий зарарни ундириш учун юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

30) барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳуқуқий статистикани ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

31) давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш;

32) адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли бўлинмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Вазирликнинг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва уларнинг жойлардаги бўлимларининг ходимлари ўз ваколати доирасида назоратни амалга оширишда:

текширишни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатиб тегишлича вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг, корхона ва ташкилотларнинг тобелигидан, мансублигидан қатъи назар ҳудудларига ва биноларига киришга;

ўрганиш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқига риоя қилиш

бўйича қонунийликнинг аҳволи, шунингдек уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олишга;

мазкур банднинг иккинчи хат бошида кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини чақиришга, улардан тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари риоя қилиниши бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

11. Вазирлик ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нотариуслар, адвокатлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқаришга ҳақлидир.

12. Вазирлик қонунчилик ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш ва ўзига юкланган бошқа вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
2004, 48-49-сон, 496-модда.)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Юридик бўлим (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. БЎЛИМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

5. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми ва Аппаратининг кўриб чиқиши учун киритилган масалалар ва ҳужжатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларининг, шунингдек Ҳукумат томонидан киритиладиган ёки келишиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларига мувофиқ қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тайёрлашда қатнашиш;

қонун тузиш фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши, кўмиталари, комиссиялари ва Котибияти билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми кўриб чиқиши учун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари муҳокамаси учун киритиладиган ҳуқуқий масалалар бўйича таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Ҳукумат қарорларини, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар қарорларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириқларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати мутахассисларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат беради;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказди ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлайди;

қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини, қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома ишларини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Умумий бўлими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами (ҚТ)ни нашрга тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларини, унинг мутахассисларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари, шунингдек қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома материаллар билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларига мувофиқ қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ҳукумат қарорларини белгиланган тартибда тайёрлайди, уларни талқин қилиш ва қўллаш бўйича тушунтиришлар беришда қатнашади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,

унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

қонун яратиш фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа органлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимли ва тўлиқ бўлишини таъминлаш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Котибияти билан ўзаро ҳамкорлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг улар томонидан муҳокама қилинишида қатнашади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишлар материалларини тайёрлашда ва мазкур йиғилишларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда қатнашади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви

органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш ва чора кўриш учун юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. БЎЛИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

тегишли материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириғига биноан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш;

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳалари юридик экспертизасининг комплекслиги ва сифати учун жавоб беради.

IV. БЎЛИМНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудир, иккита бош мутахассис ва битта етакчи мутахассис, шунингдек I тоифали иш юритувчи-котиба кирази.

Бўлим тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қилади.

11. Бўлим мудир ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

12. Бўлим ишлари "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар

Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бўлим мудир томонидан тасдиқланади.

13. Бўлим мудир:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қилади ҳамда Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этади, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга розилик беради ва улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни юридик экспертизадан ўтказди ва ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалари тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарори талаб қилинмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг кўриб чиқиши учун юборади;

Бўлим мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқадиган хат-хабарларни имзолайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади.

14. Бўлим мудир вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан белгиланадиган Бўлимнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

15. Бўлимнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бўлим мудир топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни юридик экспертизадан ўтказди ва ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалари тайёрлайди;

материаллар ҳақида Бўлим мудирга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга, унинг ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини талқин қилиш ва тушунтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Бўлим мудирига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан ўтказиладиган ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқишга тайёрлаш, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама этиш учун йиғилишлар ўтказди.

16. Бўлимнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бўлим мудирини топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказди ва улар юзасидан эксперт хулосалари тайёрлайди;

материалларни Бўлим мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

ҳуқуқий масалалар бўйича тегишли маълумотнома ва таҳлилий материаллар тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан ўтказиладиган ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Бўлим мудир ва тегишли бош мутахассис билан келишган ҳолда ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

17. I тоифали иш юритувчи - котиба Бўлимда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатлар ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғма жилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги
Н И З О М**

(Кўчирма)

I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси Девони деб юритилади) амалга оширади.

2. Қонунчилик палатаси Девони ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши қарорларига, Қонунчилик палатаси Спикерининг фармойишларига ва ушбу Низомга амал қилади.

**II. Қонунчилик палатаси Девонининг тузилмавий
бўлинмалари ва уларнинг асосий вазифалари**

5. Қонунчилик палатаси Девони Қонунчилик палатаси Спикерининг, унинг ўринбосарларининг ва Қонунчилик палатаси Девони Раҳбарининг бевосита бошчилигида ишлайди ва қуйидаги тузилмавий бўлинмаларни:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти ҳузуридаги котибиятни;

қўмиталар билан ишлаш бўлимини;

юримдик бўлимини;

назорат-ахборот бўлимини;

халқаро алоқалар бўлимини;
матбуот ва таржима бўлимини;
умумий бўлимни;
моддий-техника таъминоти бўлимини;
бухгалтерияни ўз ичига олади.

Қонунчилик палатаси Девони бўлимлари таркибида шўъбалар, гуруҳлар, бошқа тузилмавий бўлинмалар тузилиши мумкин.

6. Қонунчилик палатаси Девонига Қонунчилик палатаси Девонининг Раҳбари бошчилик қилади.

9. Қонунчилик палатаси Девонининг бўлимларига бўлим мудирлари раҳбарлик қиладилар.

11. Юридик бўлим:

Қонунчилик палатаси Кенгашининг ёки қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталарнинг топшириғига биноан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини, шунингдек Қонунчилик палатаси қарорлари, баёлотлари, мурожаатлари, парламент сўровлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди, улар юзасидан хулосалар тайёрлайди, ушбу ҳужжатларнинг юридик техника жиҳатидан маромига етказилишида иштирок этади;

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида кўриб чиқиш учун юборишга тайёрлашда иштирок этади;

қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш олдидан Қонунчилик палатаси депутатлари, депутатлар бирлашмалари ва қўмиталарига қонун лойиҳаларини ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш масалаларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштирок этади;

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари билан ишлаш масалалари бўйича уларни кўриб чиқишнинг Қонунчилик палатаси Регламентида назарда тутилган барча босқичларида таклифлар ва тушунтиришлар тайёрлайди;

Қонунчилик палатаси Спикерининг, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари ва Қонунчилик палатаси Девони Раҳбарининг топшириғига биноан бўлим ваколатига киритилган ҳуқуқий масалалар бўйича хулосалар тайёрлайди;

Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини тайёрлашга масъул бўлган қўмиталарининг мурожаатларига биноан қонун лойиҳаларини, уларнинг юридик техника талабларига мувофиқлигини таҳлил қилади, ушбу ҳужжатларнинг сифатини яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, фармойишлари ҳисобини юритади ва уларни тартибга солади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қоғоз ва электрон нусхаси фондини шакллантиради ва назорат ҳолатида сақлайди;

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Девони ходимларининг сўровига биноан ахборот ресурслари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ахборот-маълумот ишини амалга оширади ҳамда уларга белгиланган тартибда электрон ва (ёки) қоғоз нусхадаги тегишли материалларни тақдим этади;

Қонунчилик палатасининг Интернетдаги Олий Мажлиснинг ахборот сайтида қонунчилик базасини шакллантиришда иштирок этади;

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунлар, қарорлар, баёлотлар, мурожаатлар, парламент сўровларининг юридик техника жиҳатидан расмийлаштирилишига ягона ёндашувни таъминлайди, Қонунчилик палатаси депутатларига, депутатлар бирлашмаларига ушбу масала бўйича маслаҳатлар беради ва услубий ёрдам кўрсатади;

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Қонунчилик палатаси Девони ходимларининг ҳуқуқий билими даражасини оширишда иштирок этади.

III. Қонунчилик палатаси Девони ходимлари

18. Қонунчилик палатаси Девони Раҳбари ва ходимлари Қонунчилик палатаси Спикерининг фармойиши билан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

19. Қонунчилик палатаси Девони бўлимларининг мудирлари:

Қонунчилик палатаси Девонининг тегишли бўлинмалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қиладилар ҳамда ана шу бўлинмалар

зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан масъул бўладилар;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайдилар, иш уюшган ҳолда ва бир маромда боришини, меҳнат интизомига риоя этилишини таъминлайдилар, ходимлар ўз вазифаларини бажаришлари ҳамда иш юритилиши тартиби учун жавоб берадилар;

Қонунчилик палатаси Спикери, Спикер ўринбосарлари ва Девони Раҳбарининг топшириқлари бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

бўлим ходимларининг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўрадилар;

Қонунчилик палатаси Девони Раҳбарига Қонунчилик палатаси Девонининг тегишли бўлимида тайёрланган масалалар тўғрисида ахборот берадилар;

Қонунчилик палатаси Кенгаши ва кўмиталари мажлисларида иштирок этадилар;

Қонунчилик палатаси Спикери, Спикер ўринбосарлари ва Девони Раҳбари ҳузурида ўтказиладиган кенгашларда Қонунчилик палатаси Девонининг тегишли бўлинмаси номидан иштирок этадилар;

бўлим билан Қонунчилик палатасининг депутатлари, депутатлар бирлашмалари ва кўмиталари, Қонунчилик палатаси Девонининг тузилмавий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, бошқа давлат ҳокимияти органлари девонларининг тегишли тузилмавий бўлинмалари, шунингдек бошқа ташкилотлар ўртасида бўлимнинг иш юритуви соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни ташкил этадилар;

Қонунчилик палатаси Девони Раҳбарига бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида, уларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритадилар.

20. Бўлим мудирларининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Девони тегишли бўлинмаларининг раҳбарлари йўқлигида уларнинг вазифаларини бажарадилар, шунингдек ўзларига топширилган иш жабҳасига раҳбарлик қиладилар.

21. Қонунчилик палатаси Девонининг катта референтлари, референтлари ва бошқа масъул ходимлари:

хизмат вазифалари ва мансаб йўриқномаларига мувофиқ тегишли жабҳада топширилган иш ўз вақтида, сифатли бажарилишини ва ташкил этилишини таъминлайдилар, бу ишлар учун шахсан масъул бўладилар;

Қонунчилик палатаси Девони Раҳбари, бўлим мудир ва унинг ўринбосари берган топшириқларни бажарадилар.

24. Қонунчилик палатаси Девони ходимларининг меҳнат муносабатлари Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига боғлиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
2005 йил 18 апрелдаги
23-1-сонли қарори билан
ТАСДИҚАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Девони тўғрисида
Н И З О М**

(Кўчирма)

I. Умумий қоидалар

1. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади), унинг органлари ҳамда Сенат аъзоларининг фаолиятини ташкилий, ахборот ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони (бундан буён матнда Сенат Девони деб юритилади) амалга оширади.

2. Сенат Девони ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Сенатнинг ва Сенат Кенгашининг қарорларига, Сенат Раисининг фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

**II. Сенат Девонининг таркибий бўлинмалари
ва уларнинг асосий вазифалари**

7. Сенат Девони Сенат Раисининг, Раис ўринбосарларининг (бундан буён матнда Сенат раҳбарияти деб юритилади) ҳамда Сенат Девони Раҳбарининг бевосита раҳбарлигида ишлайди ва қуйидаги таркибий бўлинмаларни ўз ичига олади:

Сенат раҳбарияти ҳузуридаги котибият
Матбуот котиби
Юридик бўлим
Назорат-ахборот бўлими

Халқаро алоқалар бўлими
Матбуот ва таржима бўлими
Умумий бўлим
Бухгалтерия.

Сенат Девони бўлимларининг таркибида шўъбалар, гуруҳлар ва бошқа таркибий бўлинмалар тузилиши мумкин.

8. Сенат Девонини Сенат Девони Раҳбари бошқаради.

13. Юридик бўлим:

Сенат ҳамда унинг Кенгаши ва кўмиталари (комиссиялари) муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан материаллар ва таклифлар тайёрланишига кўмаклашади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлашда Сенат кўмиталарига кўмаклашади, шунингдек, қарорларнинг, баёлотларнинг, мурожаатномаларнинг лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда мазкур ҳужжатларни юридик-техник жиҳатдан маромига етказишда иштирок этади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларнинг муҳокамасида иштирок этади;

Сенат ва унинг Кенгаши мажлислари ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишида иштирок этади;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони Раҳбари топшириғига биноан бўлим ваколатига тааллуқли ҳуқуқий масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш учун Сенатнинг қайси кўмиталари масъул бўлса, шу кўмиталар топшириғига биноан мазкур қонунларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига, шунингдек юридик техника талабларига қанчалик мувофиқ эканлигини таҳлил қилади, мазкур ҳужжатларнинг сифатини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат ва унинг Кенгаши қарорлари, Қонунчилик палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳисобини юритади ҳамда уларни тизимга солиб боради;

Сенатнинг қонунлар базасини шакллантиради ва текшириб, тўғри ҳолатда бўлишини назорат қилиб боради;

Сенат қўмиталарининг ёзма сўровига биноан қонунлар базаси асосида ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот йўсинидаги маълумотномалар тайёрлайди;

Сенат томонидан маъқулланган қонунларни ва қабул қилинган қарорлар, баёлотларни, мурожаатномаларни, шунингдек парламент сўровларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришга бир хил ёндашилишини таъминлайди, Сенат аъзоларига маслаҳат йўсинидаги ва услубий ёрдам кўрсатади;

Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

III. Сенат Девонининг ходимлари

-

19. Сенат Девони Раҳбари ва Девон ходимлари Сенат Раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод қилинади.

20. Сенат Девони бўлимларининг мудирлари ўз ваколатлари доирасида:

Сенат Девонининг тегишли бўлинмалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қиладилар ҳамда ана шу бўлинмалар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайдилар, иш уюшқоқлик билан ва батартиб боришини, меҳнат интизомига риоя этилишини таъминлайдилар, ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришлари ҳамда иш юритиш тартибли бўлиши учун жавоб берадилар;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони Раҳбари топшириқлари бажарилишини назорат қилиб борадилар;

бўлим ходимларининг малакасини ошириш чораларини кўрадилар;

Сенат Девонининг тегишли бўлимида тайёрланган масалалар хусусида Сенат Девонининг Раҳбарига ахборот бериб борадилар;

Сенат Кенгашининг ҳамда қўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларида иштирок этадилар;

Сенат раҳбарияти ва Сенат Девони Раҳбари ҳузурида ўтказиладиган йиғилишларда Сенат Девонининг тегишли бўлими номидан вакиллик қиладилар ҳамда иш кўрадилар;

Ўз ваколати доирасига тааллуқли масалалар бўйича бўлимнинг Сенат аъзолари, Сенат қўмиталари (комиссиялари), Сенат Девони таркибий бўлинмалари билан, Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг девонлари тегишли таркибий бўлинмалари билан, давлат ҳокимияти бошқа органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашини ташкил қиладилар.

21. Бўлим мудирларининг ўринбосарлари Сенат Девони тегишли бўлинмалари раҳбарлари йўқлигида уларнинг вазифаларини бажарадилар, шунингдек ўзларига топширилган иш жабҳасига раҳбарлик қиладилар.

22. Матбуот котиби, Сенат Девонининг катта референтлари, референтлари ва бошқа масъул ходимлари:

хизмат вазифалари ва мансаб йўриқномаларига мувофиқ тегишли жабҳада топширилган иш вақтида, сифатли бажарилишини ҳамда ташкил этилишини таъминлайдилар, бу йўналишдаги ишлар учун шахсан жавоб берадилар;

тегишинча Сенат раҳбарияти, Сенат девони Раҳбари, бўлим мудирлари ва бўлим мудирларининг ўринбосарлари томонидан берилган вазифа ҳамда топшириқларни бажарадилар.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
--------------------	---

I БОБ

«Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети, услублари ва аҳамияти

1-§. «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети	5
2-§. «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг аҳамияти ва ўрганиш услублари	8

II БОБ

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат ҳақидаги қонунчиликнинг ривожланиши

1-§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асоси	10
2-§. Юридик хизмат тўғрисида 1920-1990 йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	12
3-§. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юридик хизмат тўғрисида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	23

III БОБ

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими ва тузилиши

1-§. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими	29
2-§. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати	30
3-§. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати	34
4-§ Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати	41
5-§. Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати	42

IV БОБ

Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати

1-§. Юридик хизмат ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	45
---	----

2-§. Юридик хизмат тўғрисидаги ички низомлар. Юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномалари	47
3-§. Юридик хизмат ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби	49
4-§. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Юридик хизматнинг жавобгарлиги	51

V БОБ

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

1-§. Бошқарув органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли	69
2-§. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида иштироки	72
3-§. Тармоқда бозор муносабатларини жорий этиш жараёнида юридик хизматнинг иштироки	77
4-§. Юридик хизматнинг шартнома ва талабнома-даъво ишларини ташкил қилишдаги иштироки	82
5-§. Юридик хизматнинг мулкни сақлашни таъминлашдаги ҳамда давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдаги иштироки	86
6-§. Юридик хизмат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш ..	98

VI БОБ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

1-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли	103
2-§. Юридик хизматнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мулкни сақлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қонунийликни таъминлашдаги фаолияти	109
3-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ва бошқа органларда ҳимоя қилиш	116
4-§. Юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибли ҳисобини юритиш ва сақлашни ташкил қилиш бўйича фаолияти	118

5-§. Юридик хизматнинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ишларини ташкил қилишнинг шакл ва услублари	120
---	-----

VII БОБ

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

1-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли	124
2-§. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишларда иштироки	126
3-§. Юридик хизматнинг талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли	128
4-§. Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш	132
5-§. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли	135

VIII БОБ

Хўжалик юритувчи субъектларга давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш

1-§. Хўжалик юритувчи субъектларга давлат органлари томонидан юридик ёрдам кўрсатиш	143
2-§. Адвокатура томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш	154
3-§. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга юридик ёрдам кўрсатиш	158

IX БОБ

Юридик хизматнинг мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдаги роли

1-§. Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўллари	163
2-§. Юридик хизмат томонидан мансабдор шахслар ва ходимларнинг ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил қилиш	164

Х БОБ

Юридик хизматга раҳбарлик қилиш

1-§. Юридик хизматга раҳбарлик қилиш тушунчаси ва шакллар .. 169

2-§. Юридик хизматга адлия органлари томонидан
раҳбарликни амалга оширилиши 171

3-§. Юридик хизматга бошқарув органлари томонидан
раҳбарликни амалга ошириш 176

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 184

**Ўзбекистон Республикасининг юридик хизмат фаолиятига
оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари** 191